

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида:
УЎК: 657.02:658.1(575.1)**

АҲМАДЖОНОВ АЗИМЖОН КАРИМЖОН ЎҒЛИ

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МҲХС АСОСИДА МОЛИЯВИЙ
ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ ВА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор Н.Ш.Хажимуратов

Тошкент шаҳри – 2022 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ АМАЛИЁТГА ЖОРӢ ҶИЛИШИ, ЗАМОНАВИЙ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	12
1.1. Ўзбекистон Республикасида электр энергетикаси соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.....	12
1.2. Акциядорлик жамиятларида МХХСни қўллашнинг моҳияти, зарурияти ҳамда замонавий аудиторлик фаолиятини ташкил этишининг мөъёрий-ҳуқуқий асослари.....	28
1.3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш муаммолари.....	39
Биринчи боб бўйича хulosса.....	52
2-БОБ. МХХСГА МУВОФИҚ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШДА АВТОМАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ВА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....	54
2.1. Ривожланган мамлакатларда МХХСни қўллашнинг жаҳон тажрибаси.....	54
2.2. Акциядорлик жамиятларида МХХС асосида молиявий ҳисоботларни тузишда автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш.....	70
2.3. Жаҳон мамлакатларида аудиторлик фаолиятини ўрганиш тажрибаси.....	83
Иккинчи боб бўйича хulosса.....	97
3-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	100
3.1. Акциядорлик жамиятларида кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари таркибини ривожлантириш.....	100
3.2. Аудиторлик текширувини автоматлаштириш жараёнини такомиллаштириш.....	109
3.3. Халқаро аудит стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботлар аудитини ва уни якунлашни такомиллаштириш.....	128
Учинчи боб бўйича хulosса.....	144
ХУЛОСА.....	146
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	148
Иловалар.....	154

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида энергетика сектори ҳал қилувчи роли қўплаб йирик миллий компанияларнинг ташқи бозорга чиқишини тақозо этмоқда. Ўз фаолиятини ҳалқаро миқёсдаги амалиётлар билан боғлаб бораётган компаниялар салмоғи тобора ортиб бормоқда. МХҲСнинг жорий этилиши кўпгина энергетика компанияларига узоқ муддатли муҳим афзалликларни тақдим этмоқда, лекин шу билан бирга, уларнинг олдига жиддий масалаларни ҳал қилиш вазифасини ҳам қўймоқда. Энергетика сектори дастлабки даврда катта инвестициялар зарур бўлиши билан тавсифланади, бу кўпинча, узоқ муддатли истиқболда олиниши мумкин бўлган натижаларга нисбатан ноаниқлик, мавҳумлик билан кузатилади. “Covid-19 пандемияси яқин тарихда ҳар қандай бошқа воқеиликларга қараганда энергетика секторига кўпроқ салбий таъсир кўрсатиб, бунинг оқибатлари ҳали узоқ йиллар давомида сезилиб туради”¹. Геосиёsat, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ва табиий ресурсларни етказиб бериш, шунингдек, савдо-сотиқ соҳаларида юзага келаётган қийинчиликлар компанияларнинг манфаатдор томонлар ва бошқа корхоналар билан ўзаро мураккаб муносабатлари билан биргаликда МХҲСга ўтиш янги стандартларни жорий этиш борасидаги муайян мулоҳазаларни талаб этишини англатади.

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган жадал ўзгаришлар жараёнида электр энергетикаси соҳасида МХҲСни жорий этиш ҳамда такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб қилишда банклар, суғурта компаниялари, акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиши, мазкур стандартлар асосида иш олиб боришни такомиллаштириш, аудит текширувининг ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқлигини таъминлаш,

¹ Манба: <https://iea.blob.core.windows.net/assets/8b420d70-b71d-412d-a4f0-869d656304e4/Russian-Summary-WEO2020.pdf>

манбаатдор шахслар учун ахборот шаффоғлигини даражасини ошириш, МХХС асосида молиявий ҳисоботларни тузища автоматлаштирилган дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, аудиторлик текширувларини автоматлаштириш, аудиторлик хизматлари таркибини кенгайтириш кабилар бу борадаги илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тобора тўлароқ қондириш мақсадида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми ошириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “замонавий технологиялар ва энергияни тежайдиган ускуналарни жорий этиш орқали энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, шу билан электр таъминоти учун ўзига хос ёқилғи сарфини 10% гача камайтириш, ёқилғи-энергетика балансини диверсификация қилиш, қаттиқ ёқилғи улушининг ошиши ва истеъмолчиларнинг электр энергиясига эҳтиёжини қаноатлантириш”² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда энергетика соҳасидаги акциядорлик жамиятларида МХХС асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ва аудиторлик текширувларини такомиллаштириш, жумладан, фаолият тури бўйича мазмунан яқин корхоналар учун МХХС асосидаги Бухгалтерия ҳисобининг ягона счёtlар режасини тузиш, электр энергияси корхоналарида МХХС асосида молиявий ҳисоботларни автоматлаштирилган дастур ёрдамида тузиш жараёнларини жорий этиш, электр энергияси корхоналари ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий

² Манба: <https://minenergy.uz/uz/lists/view/33>.

хисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 3 мартағи ПҚ-4249-сон “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 20 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 5 октябрдаги ПҚ-4477-сон “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек ушбу фаолиятга доир бошқа меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисбот тузиш ва уни такомиллаштириш борасида хорижий иқтисодчи олимлардан П.Айнсворт, К.Ларсон, Р.Энтони, Дж. Рис, Р.Германсон, Р.Либби, П.Либби, С.Кожевникова, Н.Суржикова, С.Леонтьев, Э.Каримова, З.Алиев, Н.Медведева, А.Матвеев, В.Суйц ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Кейинги йилларда республикамизда ҳам молиявий ҳисбот масалаларига бағищланган тадқиқотлар амалга оширилди ҳамда илмий мақолалар, монографиялар ва дарсликлар чоп қилинди. Булар жумласига, К.Ахмеджанов, А.Ибрагимов, И.Исманов, Б.Исройлов, А.Каримов, С.Мехмонов, Ҳ.Мусаев, М.Пардаев, А.Пардаев, К.Уразов, К.Хотамов, З.Курбанов, И.Қўзиев, Н.Ризаев, Б.Махсудов ва бошқаларнинг изланишларини киритиш мумкин.

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг тадқиқотларида “молиявий ҳисоботлар”, “аудторлик текширувлари” тушунчаси атрофлича тадқиқ қилинган. Лекин “молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”, “консолидациялашган молиявий ҳисобот”, “халқаро аудит стандартлари”, “автоматлаштирилган дастурий таъминот” тушунчалари тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, молиявий ҳисоботларни МХҲС асосида Ўзбекистон иссиқлиқ электр станциялари корхоналари мисолида атрофлича тадқиқ қилинмаган. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқ этишга, мақсади, вазифалари, обьекти, предмети ва методларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий- тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-6 “Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши” мавзусидаги ҳамда А-ОТ-2021-55 “Электр энергетика тармоғидаги корхоналар учун амалдаги ҳисоб цикларига кейинчалик интеграциялаш орқали МХҲС асосида молиявий ҳисоботлар тузиш бўйича дастурий маҳсулот яратиш” мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида МХҲС асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ва аудторлик текширувларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электр энергетикаси соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг асосий қоидалари ва аудторлик фаолиятининг меъёрий-хуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисботларни тузиш муаммоларини ўрганиш;

МХХС асосида молиявий ҳисботларни тузишда автоматлаштирилган дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш;

аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари таркибини таҳлил қилиш;

аудиторлик текширувларини автоматлаштириш жараёнини тадқиқ этиш;

халқаро аудит стандартларига мувофиқ молиявий ҳисботлар аудитини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида иссиқлик электр станциялари тизимиға кирган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини акциядорлик жамиятларида МХХС асосида молиявий ҳисботларни тузиш ва аудиторлик текширувларини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гурухлаш, таққослаш, иқтисодий-статистик, қиёсий таҳлил, тадқиқот обьектлари ва олинган натижаларни баён этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

электр энергияси корхоналарида МХХС асосида молиявий ҳисботларни автоматлаштирилган дастур ёрдамида тузиш жараёнларини аудитга оид дастурий таъминотнинг қўлланишига тўсқинлик қилувчи умумтармоқ ва технологик тавсифдаги омиллар таъсирини камайтириб бориш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган;

электр энергияси корхоналари хусусиятлари асосида ҳисоб ва ҳисботни юритишида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига асосланган ҳолда 0330-“Кечикирилган тариф фарқлари счёtlари” ишчи счёtlарини киритиш орқали ҳисоб сиёсати таркиби такомиллаштирилган;

аудиторлик текширувининг халқаро аudit стандартлари асосида ишчи ва якуний хужжатларини шакллантиришда алоҳида босқичларда соддалаштирилиши мумкин бўлган “МХХСни ташкилотга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси”ни жорий этиш таклифи асосланган;

акциядорлик жамиятларида фойда ва зарар бўйича консолидациялашган молиявий ҳисбот шаклини ташкилот фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш асосида молиявий ҳисботнинг шаффоғлигини таъминлаш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисботларни тайёрлаш жараёнларининг таснифи ишлаб чиқилган;

молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисботларни тузиш усуллари ишлаб чиқилган;

“Иссиқлик электр станциялари” АЖда МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботларни тузишнинг амалдаги тизими такомиллаштирилган;

электр энергиясини ишлаб чиқарадиган корхона ва ташкилотларда ишлатиладиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар ҳолатини ташҳислаш ва фойдаланиладиган бошқа АТ мажмуналарига уланиш имкониятлари баҳоланган;

МХХС бўйича консолидациялашган молиявий ҳисбот янги таҳрирдаги электрон 2-шакли ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларида консолидациялашган молиявий ҳисботга асосан тартиб-таомилларнинг тавсифланиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқотда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ маълумотларига асосланганлиги, хуроса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий статистик маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан асосли фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар молиявий ҳисоботларни тузиш, шунингдек, аудиторлик текширувларини назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни бажаришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан молиявий ҳисоботлар ва аудиторлик текширувларини ҳаққоний бўлишини таъминлаш, қўрсаткичларни таҳлил қилиш, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисббот тайёрлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акциядорлик жамиятларида МХХС асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ва аудиторлик текширувларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электр энергияси корхоналарида МХХС асосида молиявий ҳисоботларни автоматлаштирилган дастур ёрдамида тузиш жараёнларини аудитга оид дастурий таъминотнинг қўлланишига тўсқинлик қилувчи умумтармоқ ва технологик тавсифдаги омиллар таъсирини камайтириб бориш орқали такомиллаштириш таклифи “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2022 йил 7 январдаги 02-1-сонли кўрсатмасига асосан “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг таркибига кирувчи жамиятларнинг “1С:Предприятие” 8.3 дастурий маҳсулоти асосида марказлаштирилган, автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”да ўз аксини топган (“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 13 сентябрдаги 01-08/2561-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Иссиқлик электр станциялари” АЖ корхоналарида молиявий ҳисбботларнинг аниқлиги ва иш унумдорлиги 8-10% га ошган;

электр энергияси корхоналари хусусиятлари асосида ҳисоб ва ҳисботни юритишида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига асосланган ҳолда 0330-“Кечиктирилган тариф фарқлари счёtlари” ишчи счёtlарини киритиш орқали ҳисоб сиёсати таркибини такомиллаштириш бўйича таклиф “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2021 йил 31 декабрдаги 02-444-сонли буйруғига асосан 2022 йил учун ҳисоб сиёсати ва солиққа тортиш мақсадида ҳисоб сиёсатини 2022 йилдан жорий қилиш тўғрисидаги “Йўл харитаси”да ўз аксини топган (“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 13 сентябрдаги 01-08/2561-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсати такомиллаштирилган;

аудиторлик текширувининг халқаро аудит стандартлари асосида ишчи ва якуний хужжатларини шакллантиришда алоҳида босқичларда соддалаштирилиши мумкин бўлган “МҲҲСни ташкилотга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси”ни жорий этиш таклифи “Иссиқлик электр станциялари” АЖ Бошқарув раисининг 2022 йил 17 февралдаги 01-11-сонли кўрсатмасига асосан “Иссиқлик электр станциялари” АЖ марказий аппарати ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг трансформацияси жараёнида “Катта учлик” халқаро кредит рейтинг агентликларининг рейтингини олиш бўйича “Йўл харитаси”да ўз аксини топган (“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 13 сентябрдаги 01-08/2561 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аудиторлик ташкилотлари ва мижозларнинг аудиторлик текширувларидан сўнг МҲҲС ҳисботлари ҳамда аудит ишчи ва якуний хужжатларнинг ишончлилик даражаси ошган;

акциядорлик жамиятларида фойда ва зарар бўйича консолидациялашган молиявий ҳисбот шаклини ташкилот фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш асосида молиявий ҳисботнинг шаффофлигини таъминлаш таклифи “Иссиқлик электр станциялари” АЖ марказий аппарати ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг

трансформацияси жараёнида “Катта учлик” халқаро кредит рейтинг агентликларининг рейтингини олиш бўйича “Йўл харитаси”да ўз аксини топган (“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 13 сентябрдаги 01-08/2561 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида МХХС ходимларининг иш активлиги сезиларли даражада ўсган ва вақт сарфи камайган, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги, аниқлиги ва тушунарлилиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзууси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та, жумладан хорижий журналларда 3 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 149 бетни ташкил этади.

І-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ АМАЛИЁТГА ЖОРӢ ЭТИЛИШИ, ЗАМОНАВИЙ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикасида электр энергетикаси соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари

Ўзбекистон энергетика тизимининг ривожланиш тарихи 1926 йилда Бўзсув каналида қуввати 2 МВт бўлган гидроэлектр станциясининг қурилиши ва фойдаланишга топширилиши билан бошланган. Чирчиқ – Бўзсув трактидаги гидроэлектр станцияларининг қурилиши ривожланишнинг ilk босқичи учун замин яратди. Кейинчалик, республикада кўмир конлари ва айниқса, табиий газни ўзлаштириш орқали қуввати 1 млн кВт дан ортиқ бўлган йирик иссиқлик электр станциялари қурилиб, ишга туширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистоннинг энергетика сиёсати мамлакатнинг энергетик хавфсизлигини таъминлашга ва ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилиш учун миллий энергетика тармоғининг имкониятларидан фойдаланишга йўналтирилди. Янги иқтисодий алоқаларни шакллантириш учун давлат асосий тармоқларни, жумладан, ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини қўллаб-қувватлай бошлади, хусусан, бу борада қуидагилар белгилаб олинди:

нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали ёқилғи мустақиллигини таъминлаш;

энергетика саноати учун ишончли ресурс базасини яратиш;

аҳолининг табиий ва суюлтирилган газ, электр энергияси ва замонавий ёқилғидан фойдаланиш имкониятларини максимал даражада кенгайтириш;

энергетика соҳасининг молиявий барқарорлигини сақлаш ва соҳага қўшимча инвестицияларни жалб қилиш;

меъёрий-хукуқий базани ишлаб чиқиш, энергетика сектори ва турдош тармоқлар ўртасидаги нархлар ва алоқаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда молия ва солиқ тизимини такомиллаштириш;

энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

тўлақонли бозор субъектлари ва бозор инфратузилмасини яратиш орқали энергетика соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш.

Амалга оширилган кузатувларга кўра, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Россия, Украина ва Қозогистондан кейин 4-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон ўз энергия ресурслари ҳисобига ички эҳтиёжларини тўла қондирадиган мамлакатлардан биридир. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда ўзаро боғлиқ энергия тизимининг ўрнатилган кувватининг тахминан 50% ига эгалик қиласди.

Ушбу жараёнда “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти электр энергияси ишлаб чиқариш вазифасини амалга ошириб, республика иқтисодиёти ва аҳолиси эҳтиёжларининг қаноатлантирилишини таъминлаш мақсадида белгиланган миқдорда электр ва иссиқлик энергиясининг ҳосил қилинишини таъминлайди.

Мазкур жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан ташкил этилган.

Сўнгти йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан 54,42 млрд кВт/с электр энергияси ишлаб чиқарилди ва 6,2 млн Гкал иссиқлик энергияси етказиб берилди. 2021 йилда эса 56,7 млрд кВт/с электр энергияси ишлаб чиқарилди ҳамда 5,2 млн Гкал иссиқлик энергияси етказиб берилди.

Электр энергияси ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун бир қанча ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, замонавий технологиялар ва энергияни тежайдиган ускуналарни жорий этиш орқали энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, шу билан электр таъминоти учун ўзига хос ёқилғи сарфини 10% гача камайтириш, ёқилғи-энергетика балансини диверсификация қилиш, қаттиқ ёқилғи

улушининг ошиши ва истеъмолчиларнинг электр энергиясига эҳтиёжини қаноатлантириш қўзда тутилган.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида электр энергетикасининг асосий мақсади истеъмолчиларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантириш, мавжуд электр станциялари ва тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш, юқори самарали энергия ишлаб чиқариш технологиялари асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини ривожлантириш орқали электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, ёқилғи-энергетика ресурсларини диверсификация қилишдан иборат.

2021 йилда 52 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали қуидагиларга эришилди:

энергия ишлаб чиқариш технологияларини янада модернизация қилиш, табиий газдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тармоқ маҳсулотларининг энергия сарфини камайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

республикада гидроэнергетика ресурсларининг муҳим салоҳиятини жадал ривожлантириш тенденциясини сақлаб қолиш;

ноанъянавий қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ёқилғи-энергетика балансини янада диверсификация қилиш (шамол ва қуёш электр станцияларини яратиш);

ягона электр энергетикаси тизимини барқарорлаштириш орқали истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашнинг ишончлилигини ошириш, мамлакатнинг энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, энергетиканинг ривожланиши қуидаги йўналишларда амалга оширилиши керак (1.1-жадвал):

1.1-жадвал.

Энергетика ривожланишининг йўналишлари

	Ривожланиш йўналишлари	Компонентлар
1.	Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва йигиш	<p>янада самарали энергия блокларини лойихалаштириш, куриш, ўрнатиш ва ишга тушириш (иссиқлик, гидравлик блоклар)</p> <p>қайта тикланувчи энергия манбалари (куёш, шамол) ускуналарини ўрнатиш ва ишга тушириш</p> <p>атом энергияси блокларини лойихалаштириш, куриш, ўрнатиш ва ишга тушириш</p> <p>самарадорликни ошириш учун мавжуд энергия блокларини реконструкция ва модернизация килиш</p>
2.	Энергияни етказиб бериш	<p>200 кВт ва 500 кВт кучланишга эга янги кувватларни лойихалаштириш ва ўрнатиш</p> <p>стандарт йўқотишларни камайтириш ва самарадорликни оширишни хисобга олган ҳолда электр энергиясини таксимловчи тармокларни модернизация килиш</p> <p>юкори ва ўрта кучланишли подстанцияларда лойихалаштириш, янги ускуналарни ўрнатиш ва ишлатилган ускуналарни модернизация килиш</p> <p>етказиб бериладиган электр энергияси кўрсаткичларини кузатиш учун АСКУЭ ва SMART grid автоматлаштирилган бухгалтерия тизимларини жорий этиш</p> <p>электр энергияси экспортини кўпайтириш мақсадида якин қўшни давлатлар учун электр энергияси узатиш линияларини лойихалаштириш</p>
3.	Электр энергиясини сотиш	<p>паст кучланишли станциялар ва трансформатор станцияларини замонавий талабларга мувофиқ янгилаш ва модернизация килиш</p> <p>АСКУЭ хисоблагичларини ўрнатишни давом эттириш</p> <p>электр энергиясига ўсиб бораётган талабни хисобга олган ҳолда паст кучланишли электр энергияси узатиш линияларини янгилаш</p> <p>автоматлаштирилган ва самарали бошқарув тизимларини жорий этиш орқали электр энергияси йўқотишларини камайтириш</p> <p>электр энергиясидан фойдаланишнинг энг тифиз вактларини хисобга олган ҳолда истеъмол учун тарифлар тизимига боқичма-боқич ўтишни ривожлантириш</p>
4.	Электр ускуналари ва электр техникалари ишлаб чиқариш бўйича янги кувватларни ишга тушириш	<p>замонавий талабларни хисобга олган ҳолда электр энергияси хисоблагичлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш</p> <p>маҳаллийлаштириш орқали энергетика соҳаси учун тегишли компонентлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш</p> <p>илмий тадқиқотлар ўтказиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини куриш ва ишга тушириш</p>

Энергетика соҳасини ривожлантириш ҳар доим давлат назорати остида ҳисобланади. Бунга Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари мисол бўла олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириб, соҳага

хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши ортидан, 2017 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-3012-сон қарори қабул қилинди.

2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар дастури доирасида 42 та янги гидроэлектр станцияларини қуриш ва мавжуд 32 та гидроэлектр станцияларини модернизация қилиш ҳисобига республиканинг гидроэнергетика салоҳиятини янада ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 2025 йилга келиб, экологик тоза гидроэнергия ишлаб чиқариш қувватини 1,7 баробарга кўпайтириш мақсад қилиб олинган.

“Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалар бажарилишининг мантиқий давоми сифатида 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Тараққиёт стратегияси”да хам бир қанча вазифалар белгиланган, хусусан:

иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20% га ошириш;

2026 йилга келиб, электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини кўшимча 30 млрд кВт/соатга ошириб, жами 100 млрд кВт/соатга етказиш;

Ўзбекистон энергетика тизимининг қўшни давлатлар энергетика тизимлари билан барқарор ишлашини таъминлаш;

саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш;

электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш чораларини кўриш;

иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқарадиган заарли газлари

ҳажмини бир бирлик Ялпи ички маҳсулот ҳисобида 10% га қисқартириш³.

Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёш, шамол ва биогаз, кичик табиий ва сунъий сув оқимларининг гидроэнергияси)дан деярли фойдаланилмай келинмоқда.

Бугунги кунда республикада гидроэлектр станцияларининг имкониятлари деярли тугаган. Қурилаётган ва режалаштирилаётган кичик гидроэлектр станциялари ҳозирги вазиятни сезиларли даражада ўзгартира олмайди. 2017 йил апрель ойида Ўзбекистон иқлим ўзгариши бўйича Париж битимиға қўшилди, унга мувофиқ, ушбу шартномада иштирок этадиган мамлакатлар атмосферага карбонат ангидрид чиқиндилари чиқишини камайтириш учун барча саъй-ҳаракатларини амалга ошириши керак. Бу Ўзбекистонда 87% ни ташкил этадиган иссиқлик электр станциялари улушини камайтиришни назарда тутади. Қайта тикланувчи энергия манбалари, уларнинг жадал ривожланиши, экологик тозалиги ва хавфсизлигига қарамай, бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг юқори таннархи сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, атом energetikasini ривожлантириш биз учун энг мақбул йўл ҳисобланади⁴.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия зичлигини камайтириш, маҳаллий илмий-техник ишланмаларни мақсадли татбиқ этиш ва илгари исботланган халқаро энергия тежайдиган технологияларни тадқиқ этиш мақсадида Тараққиёт стратегиясида 2022-2026 йилларда қайта тикланувчи энергетика, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди, хусусан:

2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25% га етказиш эвазига йилига қарийб 3 млрд куб метр табиий газни тежаш;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, www.lex.uz

⁴ <http://aza.uz/ru/society/zachem-uzbekistanu-atomnaya-energetika-08-12-2018>

уй-жой-коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа обьектлари ва бошқа соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасида инновацион технологиялар, илмий-техник ишланмаларни жорий этиш, энергия тежайдиган ускуналар ва қурилмаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳаллийлаштириш, шу жумладан, муҳандислик марказларини яратиш;

қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш, иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича тасдиқланган технологиялар асосида ишлаб чиқариш қувватларини яратишда тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича ёқилғи-энергетика балансини диверсификация қилиш⁵.

2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси, илфор халқаро тажрибани ва жаҳон электр энергетикаси ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш ва электр энергетикаси тармоғини янада мутаносиб ривожланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган⁶.


Концепция мамлакатнинг электр энергетикаси тармоғини ўрта ва узок муддатли истиқболда ривожлантириш мақсадларини, устувор йўналишлари ва кўрсатмаларини, шунингдек, электр энергетикаси тармоғида давлат сиёсатини амалда руёбга чиқаришнинг маълум босқичларида унинг самарадорлигини таъминлаш механизмлари ва мақсадларига эришишни кафолатлади.

Ҳозирги вақтда республиканинг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати 12,9 ГВтни ташкил этади, шундан:

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иктиносидиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ти ПҚ-3012-сон қарори, www.lex.uz

⁶ <https://minenergy.uz/uz/lists/view/77>

ИЭС – 11 минг МВт ёки 84,7% ;
 ГЭС – 1,85 минг МВт ёки 14,3% ;
 блок станциялари ва изоляцияланган станциялар –133 МВт дан ортиқ ёки 1% .



1.1-расм. Электр энергияси генерацияси тузилиши.

Асосий генерация манбалари 11 та ИЭС, шу жумладан 3 та ИЭМ хисобланади. Замонавий тежамкор электр энергияси блокларининг қуввати 2825 МВт ёки ИЭС умумий қувватининг 25,6% ини ташкил этади. Республика ичида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 89,6% и ИЭС томонидан ишлаб чиқарилган.

Гидроэнергетика 42 та ГЭС, шу жумладан умумий қуввати 1,68 ГВт (умумий ГЭС қувватининг 90,8% и) бўлган 12 та катта, 0,25 ГВт (13,5%) умумий қуввати 28 КГЭС ва 0,5 МВт бўлган 2 та микро ГЭСларни ўз ичига олади. Сув оқими бўйлаб қуввати 532 МВт (4 та катта – 317 МВт ва 26 КГЭС – 215 МВт) бўлган 30 та гидроэлектр станциялари фаолият кўрсатмоқда. Сув омборларида умумий қуввати 1,4 ГВт бўлган 10 та ГЭС мавжуд. Республиkaning гидро салоҳиятидан фойдаланиш даражаси 27% ни ташкил этади.

Республика электр энергияси тизими шартли равишда 5 та худудий энергия узелига бўлинган:

- Шимоли-ғарбий (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти);
- Жануби-ғарбий (Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари);
- Жанубий (Сурхондарё вилояти);

Шарқий (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари);

Марказий (Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри).

Энергия ресурсларига бўлган ички талаб иқтисодий ривожланишининг кутилаётган динамикаси, иқтисодиёт тузилишининг ўзгариши ва унинг ўзига хос энергия интенсивлиги даражаси билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг энергия сарфи ҳажмини камайтириш электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб, мазкур вазифанинг бажарилмаслиги энергетика соҳасининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишига муқаррар равишда тўсқинлик қилишига олиб келади.

2012-2019 йилларда электр энергияси ишлаб чиқаришда ўртача 2,6% микдорида ўсиш кузатилди. Бироқ, бу билан электр энергиясига бўлган талаб тўлиқ қондирилмади, тақчиллик талабнинг 9,4% ини ташкил этди.

Прогноз натижалари бўйича, 2030 йилгача бўлган даврда Республикада электр энергиясига бўлган талабнинг ўйллик ўсиши 6-7% га тенг бўлиши кўзланмоқда. Шунингдек, 2030 йилга келиб республика истеъмоли 120,8 млрд кВт/с бўлиши прогноз қилинмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби – 21,9 млрд кВт/с, иқтисодий секторнинг электр энергиясига бўлган талаби эса – 85,0 млрд кВт/с бўлиши кутилмоқда.

Электр станцияларини қуриш вақтини ҳисобга олиб, мавжуд станцияларни янгилаш ва қувватини оширишни давом эттириш, жумладан, қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан (гидроэнергетика, қуёш, шамол ва бошқа) фойдаланадиган эски станцияларни, шунингдек, кўмир ёқадиган энергия блокларини модернизация қилиш орқали замонавий энергия тежайдиган блокларни қуриш зарур.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ корхоналарида таҳлилий ўрганишлардан сўнг, импорт ва кооперация маҳсулотлари рўйхати ишлаб чиқилди. Унга асосан, 2018-2021 йилларда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ эҳтиёjlари учун маҳсулотлар (ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар) импортининг ўйллик ҳажми кўрсаткичларига кўра, ўртача 33,2 млн АҚШ долларини ташкил этди. Саноат кооперациясининг кенгайиши ҳисобига 2019

йилда импортнинг амалдаги қисқариши 4,98 млн АҚШ долларини ташкил қилди.

Импорт ҳажмини камайтириш учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар рўйхати тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этилди.

2020 йилда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ 8,9 млн АҚШ доллари микдорида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ишлари амалга оширилган, бу билан импорт қилинадиган маҳсулотлар 27% га камайган. Шундан:

тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига 5,620 млрд сўм (ёки 0,591 млн АҚШ доллари);

саноат кооперацияси ҳисобига 84,0 млрд сўм (ёки 8,4 млн АҚШ доллари).

2021 йилда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ 9,8 млн АҚШ доллари микдорида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ва саноат кооперациясини кенгайтириш ишларини амалга оширилган, бу эса импорт қилинадиган маҳсулотларнинг 30% га камайишига олиб келган. Шундан:

тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига 11,885 млрд сўм (ёки 1,247 млн АҚШ доллари).

саноат кооперацияси ҳисобига 86,0 млрд сўм (ёки 8,6 млн АҚШ доллари).

Иссиқлик электр станциялари қурилишининг капитал жадаллашувини (мавжуд инвестиция юкини) ҳисобга олган ҳолда, 2019-2023 йилларда умумий қуввати 3948 МВт га эга замонавий буғ-газ электр станцияларини қуриш ишлари амалга оширилмоқда, хусусан:

Навоий ИЭСда – 450 МВт қувватга эга бўлган иккинчи буғ-газ қурилмаси (БГК), Тўракўргон ИЭСда – 900 МВт бўлган иккита БГК агрегати, Тахиатош ИЭСда – 510 МВт бўлган иккита БГК, Толимаржон ИЭСда – 900 МВт қувватга эга яна иккита БГК блоки, Фарғона ИЭСда – 24 МВт ли газ-турбина қурилмаси (ГТК) ва Тошкент ИЭСда – 54 МВт қувватга эга бўлган ГТК блоклар қурилишини қўшимча моливий қўмакларни жалб қилиш орқали давом эттириш;

хусусий сармоядорларни жалб қилиш йўли билан амалга ошириладиган 1110 МВт қувватга эга қўшимча қурилиш (Тошкент ИЭСда битта 660 МВт ли ГТК ва Навоий ИЭСда – учинчи 450 МВт ли ГТК).

Энергия тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш учун 2019-2025 йилларда, айниқса, куз-қиши даврида Сирдарё ва Тошкент (6 та), Навоий (4 та) ва Тахиатош (3 та) ИЭСларини модернизация қилиш, эскирган энергия блокларини захира ёқилғида ишлатиш ва уларнинг қувватини жами 350 МВт га ошириш йўлларини топиш белгиланган.

Электр энергиясини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш учун кўмир ёқадиган электр станцияларининг қувватини ошириш (1,5 баробар) таклиф этилмоқда, жумладан:

Шаргун ва Бойсун конлари (300 МВт) негизида Ангрен ИЭСда (300 МВт) ва Сурхондарё вилоятида кўмир ёқадиган иккита юқори энергия блокларини қуриш;

Янги-Ангрен ИЭСда (1625 МВт) 5 та энергия блокининг замонавий қозонхоналарини ўрнатиш орқали модернизация қилиш;

амалиётга замонавий бошқарув воситаларини жорий этиш орқали Ангрен ИЭС (150 МВт қувватга эга янги энергия блоки бундан мустасно) ва Янги-Ангрен ИЭС кўмир ёқадиган электр станцияларини модернизация қилиш орқали электр энергияси нархини пасайтириш.

Муқобил энергия манбалари.

Биринчи босқичда (2019-2025 йиллар) 1250 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияларини, шунингдек, 402 МВт қувватга эга шамол электр станцияларини қуриш бўйича ишларни кучайтириш зарур.

Шу билан бирга, фотовольтаик ва шамол электр станцияларини тўлиқ миқёсда жорий этиш дастлабки босқичда 30-100 МВт гача ишлаб чиқариладиган пилот лойиҳаларни ишга тушириш билан босқичма-босқич амалга оширилиши зарур. Электр энергетикасини ривожлантириш умумий давлат дастури доирасида ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришнинг алоҳида дастури тасдиқланиши зарур.

2030 йилга келиб, ушбу чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида умумий қуввати 24 минг МВт бўлган ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган натижага эришиш режалаштирилган. Шу билан бирга, иссиқлик электр энергиясининг улушкини 89% дан 76% гача (табиий газни 89% дан 64% гача) камайтириш, қайта тикланувчи ва муқобил энергияни эса 23% гача ошириш кўзда тутилган (гидроэнергетика – 10,3%, ядро энергетикаси – 10%, қуёш ва шамол энергетикаси – 3,2%).

Электр энергиясини товар сифатида бозорга олиб чиқилаётганда, унинг физик хусусиятларидан келиб чиқиб бир қанча эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатларни санаб ўтишимиз лозим:

электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларининг айни вақтда бир-бирига тўғри келиши;

энергетика тизимида электр энергиясини сақлаш имконсизлиги ва сўнгги йилларда энергия йиғиш блокларининг яратилиши электр энергияси бозоридаги вазиятни тубдан ўзгартирмаганлиги;

электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажмларини аниқ белгилаш имкониятининг йўқлиги;

у ёки бу истеъмолчи фойдаланадиган электр энергиясининг аниқ ишлаб чиқарувчисини билиш иложининг йўқлиги.

Бошқа товар маҳсулотлари бозорларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги қисқа муддатли мувозанат бозор барқарорлигининг йўқолишига олиб келмайди, чунки уни омбор захиралари ёки ўрнини босадиган товарлар ҳисобидан йўқ қилиш мумкин. Электр энергияси бозори ҳар бир лаҳзада ишлаб чиқарилган ва истеъмол мувозанати таъминланган тақдирдагина мўътадил ишлаши мумкин. Электр энергияси бозори нафақат электр энергиясини, балки қуийдаги асосий маҳсулот ва хизмат турларини сотиш ёки сотиб олиш бўйича амалиётларни ҳам амалга оширади:

электр энергияси қуввати;

электр энергиясини ташиш ва тарқатиш бўйича хизматлар;

асосий электр тармоғининг ишончли ишлашини таъминлаш ва электр таъминотининг сифат параметрларини стандарт даражада ушлаб туриш билан боғлиқ технологик хизматлар;

энергетика маркетинги бўйича хизматлар (шу жумладан, ҳисобкитоблар ва ўлчовлар);

истеъмолчиларга етказиладиган энергия самарадорлиги бўйича хизматлар.

Электр энергетикаси бозорининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб куйидагилар хизмат қиласди:

бозорнинг ҳудудий чегараланиши (маҳаллийлик хусусияти);

ишлаб чиқариш харажатлари турлича бўлган ва турли хил электр станциялари бозорида иштирок этиши;

электр энергияси бозорида бирон-бир сабабга кўра юзага келган тақчилликни бартараф этиш йўли.

Бозор конъюнктураси янги электр станцияларини қуриш мезонлари, имтиёзлари ва молиялаштириш механизмларини тартибга соладиган монополияни тубдан ўзгартиради. Шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтиш ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ташиш соҳаларини ажратиш даврида – ишлаб чиқарувчилар электр энергияси истеъмолчиларидан юқори ўринда туриши бўйича устунлиги сақланиб қолмоқда.

Электр энергияси бозорининг субъектлари электр энергиясини (куватини) сотиб оладиган ва сотадиган ва/ёки уни истеъмолчиларга етказиш бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслардир. Улар ишлаб чиқариш корхоналари (минтақавий электр станциялари), истеъмол корхоналари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, коммунал хизматлар ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар), уларнинг алоқаларини таъминлайдиган корхоналар (электр тармоқлари) ва бозор операторидир. Соғлом мухитда ишлаб чиқарувчилар бир-бири билан рақобатлаша олишлари керак,

истеъмолчи эса ишлаб чиқарувчини ёки уларнинг комбинациясини танлаш учун асосий имкониятга эга бўлиши керак⁷.


Бугунги кунда саноатнинг мақсадли таркиби 6 та асосий компонентни ўз ичига олади:

- 1) ишлаб чиқарувчи компаниялар (акциядорлик жамиятлари);
- 2) етказиб бериш компаниялари;
- 3) сотиш компаниялари (акциядорлик жамиятлари);
- 4) хизмат кўрсатувчи компаниялар (давлат+акциядорлик жамиятлари);
- 5) илмий ва лойиҳалаштириш мажмуалари, шу жумладан, давлат ва акциядорлик жамиятлари/ташкилотлари;
- 6) инфратузилмавий ташкилотлар.

Миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида энергетика соҳасининг техник-иқтисодий хусусиятлари унинг ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий ривожланишига, бошқарувнинг ташкилий тузилмалари шаклланишига, минтақавий, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги алоқалари, хусусиятларига таъсир қиласи. Энергетика саноатининг энг муҳим хусусиятлари 1-иловада келтириб ўтилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай мамлакатнинг энергетика соҳаси асосан қуйидаги таркибий қисмларга бирлаштирилиши мумкин бўлган бир нечта корхоналардан иборат (1.2-расм):

⁷ Ушаков В.Я. Электр энергиясининг ҳозирги кундаги муаммолари. Томск, 2013 й.



1.2-расм. Энергетика тизимининг таркииий элементлари.

1.2-расмдан кўринадики, энергетика соҳаси асосан қуидаги таркибий элементларга бўлинади:

- 1) электр энергиясини ишлаб чиқариш;
- 2) электр энергиясини етказиб бериш (транспортировка);
- 3) электр энергиясини сотиш.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳар бири электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ўзига хос технологик хусусиятга эга бўлиб, бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисоби тизимида акс этади. Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг хусусиятларини қуидаги тартибда ифодалаш мумкин (1.2-жадвал):

1.2-жадвал.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг хусусиятлари ва уларнинг бухгалтерия тизимига тъсири

№	Ишлаб чиқарувчи компания турлари	Фаолият хусусиятлари	Бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари
1	Иссиклик электр марказлари (ИЭМ) ва Иссилик электр станциялари (ИЭС)	<p>1. Асосий ишлаб чиқарилувчи маҳсулот: электр энергияси; иссилик ва буг.</p> <p>2. Электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёни ёқилгидан фойдаланиши талаб қиласди, булар: табий газ; кўмир; мазут.</p> <p>3. Электр энергиясини ишлаб чиқариш технологик жарабаининг тўхтовсиз ишлашини талаб қиласди. Шу муносабат билан, қуидаги таркибий элементларни тўғри ташкил этиш зарур: ишчиларни станцияларда сменали ишлаб чиқариш жарабаига жалб қилиш; энергия блокларини таъмирилаш тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилиши; электр блокларининг узлуксиз ишлаши учун ёқилги заҳирлари мавжуд бўлиши.</p> <p>4. Ҳар бир станция учун ишлаб чиқарилган электр энергиясининг асосий киймати энергия блокларининг холати ва самардорлигидан хисобланади, бунда, 1кВт учун ялпи фойда фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун, ҳар бир станция ўз тарифларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тасдиқлайди.</p>	<p>Бухгалтерияда қуидагича акс этирилади: 9011 – Электр энергиясини сотишдан тушган даромад 9012 – Иссилик ва бугни сотишдан тушган даромад</p> <p>Ҳар бир станцияда ишлатиладиган ёқилги турига қараб, тегишли инфратузимла таъминланади, шу жумладан, ёқилгини етказиб бериш ва ташиш учун ускуналар, яъни: 0123 – Кўмир етказиб бериш учун 0124 – Табий газ ва мазут етказиб бериш учун</p> <p>1. Электр энергиясини ишлаб чиқариш билан шугулланадиган ходимлар сменада ишлашади, шу сабабли, тунги сменада ишлайдиган ходимларнинг иш хаққи тунги ставка бўйича тўланиши шарт, бу эса, ўз навбатида, электр энергиясининг нархида акс этади.</p> <p>2. Қувват блокларини таъмирилаш унинг ишлашини тўхтатиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу давр учун асосий воситаларнинг амортизацияси тўхтатилади.</p> <p>3. Электр станцияларини ёқилги билан таъминлаш узлуксиз бўлиши керак. Шу муносабат билан, ҳар бир иссилик станцияси ёнилги саклаш жойлари ва танк вагонлари билан таъминланган бўлиши лозим. Ҳисоб сиёсатига қараб, ёқилгини саклаш бухгалтерия ҳисобида қуидагича акс этирилиши мумкин.</p> <p>2520 – Ёқилгини саклаш харажатлари ёки 2320 – Ёқилгини саклаш.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тарифларни тасдиқлаш ҳар бир алоҳида электр станцияси учун асосий тартиб хисобланади. Электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ҳақиқий харажатларнинг ўсишини ҳисобга олган холда, электр энергиясини сотиш тарифларини қайта кўриб чиқиши керак. Ушбу вакт сарфини ҳисобга олган холда, молиявий натижалар кўриб чиқилаётган даврда тасдиқланган тарифлар билан бир хил тарзда ифодаланиши керак.</p>

Энергетика соҳасининг ҳар бир таркибий элементи бир неча турдаги корхоналарга бўлинади. Хусусан, электр энергиясини ишлаб чиқариш қуидаги ташкилотлар орқали амалга оширилади:

Иссилик электр маркази (ИЭМ) – бу нафақат электр энергиясини ишлаб

чиқарадиган, балки буғ ва иссиқ сув кўринишидаги марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларидир, уларга турага турага турар-жой ва саноат объектларини иситиш, иссиқ сув таъминоти ҳам киради.

Иссиқлик электр станцияси (ИЭС) – бу ёқилғини ёқиши орқали кимёвий жараёнда ҳосил бўлган энергияни электр энергиясига айлантириб берадиган махсус станциядир. Ёқилғи манбалари бўлиб кўмир, табиий газ, мазут хизмат килади.

Ягона иқтисодий маконни яратиш ва миллий иқтисодиётни мақсадли ривожлантиришга қаратилган глобал тенденция бухгалтерия ҳисобини бирхиллаштириш ва бизнес юритишнинг асосий тамойилларини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига (МХХС) мувофиқлаштиришнинг объектив зарурлигига олиб келади.

Жаҳон молия бозорларининг ривожланиши янги молиявий институтларнинг пайдо бўлиши билан юқорида келтириб ўтилган воситаларга ўхшашиб махсус усулларни ишлаб чиқиши талаб қилади. Молия бозори доимий равишда ривожланиб боради, шунинг учун бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ва молиявий ҳисботда тан олиниши керак бўлган янги бухгалтерия моддалари пайдо бўлади.

Бугунги кунда махсус адабиётларда молиявий, бошқарув ва солик ҳисобини ўз ичига олиши керак бўлган ягона ҳисоб тизими концепциясини ишлаб чиқиши масаласи тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда. Ушбу масала молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ички бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ.

1.2. Акциядорлик жамиятларида МХХСни қўллашнинг моҳияти, зарурияти ҳамда замонавий аудиторлик фаолиятини ташкил этишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Энергетика сектори жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди, ва ҳозирги вақтда, кўплаб йирик компаниялар тобора ташқи бозорга чиқмоқда, ҳатто, айримлари ўзининг амалиётлар билан боғлиқ фаолиятини жаҳон миқёсида амалга оширишни бошлаган. МХХСнинг жорий этилиши кўпгина

энергетика компанияларига узоқ муддатли муҳим афзаликларни тақдим этмоқда, лекин шу билан бирга, уларнинг олдига жиддий масалаларни ҳал қилиш вазифасини ҳам қўймоқда. Энергетика сектори дастлабки даврда катта инвестициялар зарур бўлиши билан тавсифланади, бу кўпинча, узоқ муддатли истиқболда олиниши мумкин бўлган натижаларга нисбатан ноаниқлик, мавхумлик билан кузатилади. Геосиёsat, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ва табиий ресурсларни етказиб бериш, шунингдек, савдо-сотик соҳаларида юзага келаётган қийинчиликлар компанияларнинг манфаатдор томонлар ва бошқа корхоналар билан ўзаро мураккаб муносабатлари билан биргаликда шуни англатадики, МХХСга ўтиш янги стандартларни жорий этиш борасидаги муайян мажмуавий хулосаларни талаб этади.

2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4720-сон қарорининг қабул қилиниши халқаро стандартларнинг жорий этилишига асосий туртки бўлиб хизмат қилди. Унда таъкидланишича, 2015-2018 йиллар давомида барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини нашр этишга ва унинг ташқи аудитини Халқаро аудит стандартлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўtkазишга ўтишлари белгиланган.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарорининг қабул қилиниши кейинги

турткилардан бўлди⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МХҲСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Шунингдек, Молия вазирлигига қуидаги вазифалар юклатилди:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МХҲСнинг жорий этилишини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисботлар МХҲС асосида ўз вақтида эълон қилинишини мониторинг қилиш;

МХҲС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўtkазиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (ACCA – Association of Chartered Certified Accountants) ва шу кабилар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МХҲС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МХҲС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МХҲСга мувофиқ

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори, www.lex.uz

уйғулап шынан.

Фикримизча, бугунги кунда иқтисодиётда юз береген жадал ўзгаришлар жараёнида МХХСнинг жорий этилиши олдинга қўйилган қадам ҳисобланади. Хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб қилишда банклар, сугурта компаниялари, акциядорлик жамиятлари ва йирик солик тўловчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида иш олиб бориши ҳамда аудит текширувининг Халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилиши манфаатдор шахслар учун ахборот шаффофлигини таъминлашга алоҳида хизмат қиласи.

Дунё мамлакатларида энергетика тармоғи компанияларининг ҳисоб амалиётига МХХСни жорий қилиш ҳолатининг таҳлили фойда кўламини манипуляция қилиш ва хўжалик фаолияти натижаларини яшириш бўйича пасайиш тенденциясидан, шунингдек, халқаро стандартлардан фойдаланишнинг ижобий самарасидан далолат беради. Масалан, 2020 йилда дунёнинг 160 дан зиёд мамлакатларида, шу жумладан, ўз мулкчилик шаклига кўра, 80 дан ортиқ листинг компаниялар ва 30 дан ортиқ листинг бўлмаган энергетика тармоғи компанияларида МХХСдан фойдаланишга рухсат этилган ёки ундан фойдаланиш мажбурий этиб белгиланган.

МХХС – шундай қоидалар йифиндиси, улар компанияларга молиявий ҳисобни қандай олиб боришини, унда қайси хўжалик операциялари акс эттирилишини ва умуман, ҳисботни қандай тузиш зарурлигини белгилайди. Молиявий ҳисботни юритиш ва расмийлаштириш усувларини қатъий тартибга соладиган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидан фарқли ўлароқ, МХХСда фақат уни тузиш тамойилларигина ёритилган. МХХС аниқ ҳисоблар режасидан иборат эмас, уларда дастлабки, проводкалар рўйхати ёки бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қатъий қоидалари мавжуд эмас.

МХХС – бу хужжатлар тизими бўлиб, унга қуидагилар киради:

1. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS);
2. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IAS);
3. МХХС талқинига шарҳлар (Interpretations of International Accounting

Standards, IIAS) – улар стандартларнинг моҳиятини очиб беради ва ягона талқинда қўлланилишини таъминлайди.

МХХСга кирмайдиган, лекин уларни ишлаб чиқишида ишлатиладиган стандартлар молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларидан иборат бўлади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва МХХС асосида молиявий ҳисоботни жорий этиш бўйича электр энергетикаси тармоғи корхона ва ташкилотларининг тажрибасини тўплаш ва ўрганиш зарур ҳисобланади.

Куйида энергетика тармоғида бухгалтерия, молиявий ва оператив ҳисобни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

Энергетика компанияларида қўшимча қийматни яратиш занжири ва МХХСни яхшироқ жорий этиш учун бухгалтерия ҳисобини юритиш муҳим масала ҳисобланади.

Энергетика секторининг газ, электр ёки сув таъминоти билан шуғулланадиган барча компаниялари мол етказиб берувчидан товарни олиш, уни мижозга етказиб бериш ва зарур инфратузилмани ишчи ҳолатда сақлаб туриш билан боғлиқ масалаларга дуч келади. Электр энергетикаси компаниялари бошқа маҳсулот турларига ўхшаб омборларда сақлаб бўлмайдиган маҳсулот назоратини амалга ошириш борасида қўшимча қийинчиликларни бошдан кечиради. Анъанавий интеграциялашган электр энергетикаси компанияси электр энергияси ишлаб чиқаришни амалга оширади, уни бутун мамлакат ёки минтақа бўйлаб юқори кучланишли электр узатувчи линиялар орқали узатади ва охир-оқибат, уни улгуржи савдо тармоқлари орқали мижозларга етказиб беради. Энергетика сектори ривожланишда давом этмоқда, ва ҳозирги вақтда, унинг кўплаб оператив ва тартибга солувчи моделлари пайдо бўлмоқда.

Меъёрий-ҳуқуқий муҳит ҳар бир мамлакатда ёки ҳатто, бир мамлакат доирасида ҳам бир-биридан фарқланади, у мураккаб бўлиши ва қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Илгари интеграциялашган компаниянинг фаолияти тартибга солувчи органлар томонидан ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва улгуржи савдо турларига бўлиниши мумкин.

Нархни шакллантиришда, таъминот узлуксизлигини таъминлашда, карбонат ангидрид гази ва бошқа ифлослантирувчи моддалар чиқиндиси миқдорини қисқартириш учун зарур чораларни қабул қилишда доимий давлат иштирокидаги меъёрий-хукуқий муҳит, шунингдек, рақобатнинг ўсиши бизнес юритиш усуулларига таъсир кўрсатади ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида мураккаб масалаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Иқтисодий эксперталар Ҳ.Иргашев ва И.Ахмадхонов таъкидлаганидек, республикамизда илк бор 2013 йилда Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари миллий ассоциацияси (ЎзБАМА) томонидан тегишли давлат органлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда МХХС стандартларининг ўзбек тилига таржимаси амалга оширилди. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Молия вазирлиги, Марказий банк ва йирик аудиторлик ташкилотлари “Кўриб чиқиш комиссияси” аъзолари сифатида таржима жараёнида қатнашди. 2013 йилдаги МХХС хужжатлари таржимаси якунланган бўлса-да, кейинчалик улар МХХС фонди томонидан киритилган доимий ўзгаришлар бўйича янгилаб борилмади. Бунга асосий сабаб сифатида уларга талаб ва эҳтиёжнинг пастлиги ҳамда МХХС хужжатларининг қонун хужжатлари билан тан олинмаганлигини кўрсатиш мумкин⁹.

Иқтисодчи олимлар А. Каримов, И. Қўзиев ва М. Раҳимовлар қуйидагиларни келтириб ўтишган: молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятини кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради¹⁰.

Иқтисодчи олим И. Исманов ўз илмий мақоласида қуйидагиларни келтириб ўтган: МХХС молиявий ҳисботларни тайёрлаш ва тақдим этишининг

⁹ Ҳамид Иргашев, Иброҳим Ахмадхонов. // Ўзбекистонда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиши: янгича ёндашув ва имкониятлар. https://uza.uz/posts/ozbekistonda-moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlariga-otishi-yangicha-yondashuv-va-imkoniyatlar_190586

¹⁰<https://xs.uz/uzkr/post/moliyavij-hisobotning-khalqaro-standartlari-unga-moslashish-jolida-qandaj-chora-tadbirlar-kozda-utilgan>

ижтимоий манфаатларда қабул қилинган қоидалари дидир. Бу халқаро даражада амал қилувчи ҳисоб тизими дидир¹¹.

В.А. Терехова турли мамлакатлар томонидан МХХС қўлланишининг асосий сабабларидан бири сифатида компаниянинг ҳисботни шакллантириш харажатларини қисқартишини келтиради¹². Бизнингча, ушбу нуқтаи назар изоҳга муҳтоҷ, чунки ҳисобни меъёрий тартибга солишга нисбатан МХХСда молиявий ҳисбот моддаларини баҳолашнинг бироз бошқачароқ қоидалари (“адолатли қиймат” тушунчаси кенг ишлатилади) кўзда тутилган. Биз, МХХСга мувофиқ ҳисботни шакллантириш харажатлари миллий қоидаларга биноан шакллантириладиган ҳисбот харажатларидан анча ортиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ҳисботни шакллантириш учун сарфланадиган харажатлар фақат МХХС қоидалари бўйича ягона ҳисботни айнан қоидаларга кўра ҳисбот тузилишига кетадиган харажатлар суммасига тузилган ҳоллардагина қисқариши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларда МХХС асосида тузилган молиявий ҳисбот аудит текшируванин ўтказишнинг зарурий элементи бўлиб, аудитнинг тўғри ташкил этилиши ва самарадорлиги бевосита унинг ҳуқуқий асосларига ҳам боғлиқ. Ташқи аудитнинг ҳуқуқий асослари уни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришга асос бўладиган ёки ушбу жараёнларни амалга ошириш учун ҳуқуқ берадиган меъёрий хужжатлар мажмуасидан иборат.

Ташқи аудит текшируванин ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий асослари турли иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Жумладан, иқтисодчи олим Р.Д. Дусмуратов томонидан Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими ва унинг элементлари қўйидаги З погонага ажратилган¹³:

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

¹¹ <http://uzscite.uz/wp-content/uploads/2020/02/38-44.pdf>

¹² Терехова В.А. Международные и национальные стандарты бухгалтерского учета и отчетности: Практическое пособие. - М.: Издательство “Перспектива”, - АКДИ “Экономика и жизнь”, 2000. - 302 с.

¹³ Р.Д. Дусмуратов. “Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси

Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сон қарори.

2. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари; аудиторлик текширувини ўтказишга доир услубий кўрсатмалар, тавсияномалар ва ҳ.к.

3. Аудиторлик ташкилотининг доимий хужжатлари тўплами, аудиторлик текширувини ўтказиш режаси ва дастури, экспертиза хужжатлари ва ҳ.к.

Иқтисодчи олим В.П. Климович эса, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий хужжатларни қўйида келтирилган 4 даражага бўлади¹⁴:

1. Қонун ва Президент қарорлари.
2. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик йўриқнома ва низомлари.
3. Аудиторлик фаолиятининг стандартлари.
4. Ички аудит стандартлари.

Иқтисодчи олим X.Н. Мусаев эса аудитнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи меъёрий хужжатларни қўйидаги тартибда бир неча турларга ажратади¹⁵:

аудитни ташкил қилиш билан боғлиқ меъёрий хужжатлар;
аудитни ўтказиш билан боғлиқ меъёрий хужжатлар;
аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар;
аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ меъёрий хужжатлар.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг эволюциясини тадқиқ қилиш натижаларига асосланиб, уни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг ривожланишини тўртта босқичга бўлиш мумкин (1.3-жадвал).

¹⁴ В.П. Климович “Основы банковского аудита”. Учебник. 225 ст

¹⁵ Мусаев X.Н. Аудит. Дарслик. - Т.: “Молия” 2003 й., 14 -бет.

1.3-жадвал.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти хуқуқий-меъёрий асосларининг ривожланиши¹⁶

Боскичлар	Давр	Кискача тавсифи
I боскич	1990-1992 йиллар	ХХ асрнинг 90-йиллари бошидан 1993 йилгача, яъни 1992 йил 9 декабряда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 734-XII-сон Конуни қабул қилингунига қадар
II боскич	1993-2000 йиллар	Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) ишлаб чиқила бошланди. 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 78-II-сон Конуни ва 2000 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сон қарори қабул қилинди
III боскич	2001-2016 йиллар	2007 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги 615-сон қарори ҳамда 2007 йил 17 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг ““Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-110-сон Конуни қабул қилинди
IV боскич	2017 йилдан ҳозиргача	Сўнгги боскичда кўйидаги муҳим меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 274-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон бўйруги; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 мартағи “Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий хисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятига оид бир қанча меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Бу эса албатта, аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик текширувларини ҳалқаро аудит стандартлари асосида олиб бориш, аудит иши сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунда аудитнинг турлари, унинг моҳияти, текширув обьектлари, аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг вазифалари батафсил ёритилган.

Бизнинг фикримизча, 2018 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада

¹⁶ Профессор Р.Д. Дусмуратовнинг “Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация ва А.Сатторовнинг “Аудиторлик фаолиятининг кўп погонали тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори илмий унвонини олиш учун ёзилган диссертация ишларидан фойдаланилган.

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарорининг қабул қилиниши амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллашириш, аудит бозорини янада ривожлантириш, аудит иш сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қиласи. Ушбу қарорда аудиторлик фаолияти ва хизматларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар баён қилинди, хусусан:

- 1) аудиторлик ташкилотларига ишончлилик даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати сифатида эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда;
- 2) аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўtkазиш амалиёти кўп ҳолларда, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида эса, аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хulosаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;
- 3) аудиторларни маҳсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарлик ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг ҳалқаро стандартларига мослигини таъминламаяпти, бу эса, аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда;
- 4) аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти;
- 5) аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган ҳалқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса, хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисботларининг

хаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти¹⁷.

Фикримизча, юқорида келтирилган муаммолар, чиндан ҳам, Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти ва бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлиб келаётган эди. Айрим хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувларини ўзларининг хоҳиш-истаклари билан эмас, балки қонунда мажбурий тартибда белгилаб қўйилгани учун ўтказади. Статистик маълумотлардан ҳам кўринадики, ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларининг салмоғи мажбурий аудиторлик текширувларига нисбатан кам.

Аудиторлик бозорида юздан ортиқ аудиторлик ташкилотлари фаолият олиб бораётган бўлса-да, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бу ташкилотларнинг ҳаммасига ҳам катта ишонч билдирилмаяпти, бунинг сабаби – бозорда ўз обрўсига эга бўлган аудиторлик ташкилотларининг хизмат ҳаққи жуда юқори, янги ташкил этилган ёки бозорда ҳали юқори мавқега эга бўлмаган аудиторлик ташкилотларининг хизмат ҳаққи эса бирмунча паст нархда, лекин уларга нисбатан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончи камроқ.

Кўпгина аудиторлар умуммиллий аудиторлик стандартлари асосида ўтказиладиган текширувлар бўйича етарли тажриба ва кўникмага эга, лекин халқаро аудит стандартлари асосида ўтказиладиган текширувларда малакали иш тажрибасига эга эмас, бу эса, ўз навбатида, хорижий қўшма корхоналар ва инвесторларга молиявий ҳисоботларни тушунишда маълум бир қийинчиликларни туғдиради. Ҳозирги кунда шу каби муаммолар аудиторлик бозорини янги босқичга олиб чиқишиңи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунининг янги таҳририга мувофиқ, аудиторлик фаолиятини фақат аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш белгиланди. Бу Ўзбекистондаги аудиторлик фаолиятининг

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори

халқаро амалиётдаги, ривожланган давлатлардаги аудит фаолияти билан бир хиллигини таъминлашга хизмат қиласи.

Мазкур Қонун тұғридан-тұғри амал қиласында хужжат сифатида қабул қилинди. Демак, барча қонуности хужжатлари, аудиторлик соҳасига тегишли хужжатлар тизимлаштирилиб, яхлит бир хужжат шаклида қонунда намоён бўлди. Молия вазирлиги ваколатли орган сифатида меъёрий-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқади, аудиторларга малака сертификатини беради ва уларнинг реестрини юритади. Республика жамоат бирлашмалари билан биргалиқда аудиторлар малака оширишининг намунавий дастурини тасдиқлайди. Шу билан бирга, вазирлик аудиторлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи масъул идора сифатида фаолият кўрсатади.

Қонунда аудиторлик билан шуғулланувчи ташкилотлар аудиторлик текширувларини ва турдош хизматларни кўрсатиши мумкинлиги белгиланган. Аудиторлик текширувлари, ўз навбатида, мажбурий ва ташаббус тарзидағи текширувларга ажратилган. Молиявий ҳисоботларни тузиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиклаш, қайта тиклаш масалалари ҳам алоҳида белгилаб ўтилган.

Қонун доирасида аудитор холислик билан текширув ўтказиши, у ўз касби бўйича чуқур малакага эга бўлиши, ахборотларнинг маҳфийлиги каби бир қатор янги принциплар жорий қилинмоқда. Бу уларнинг мустақил ҳолатда текширув ўтказишлари ва холис хulosaga беришлари, аудиторлик текширувига аралашувга чек қўйилиши ҳамда аудиторлар хulosalariining очиқ ва шаффофлиги таъминланишига олиб келади. Хужжатда аудиторлар малакасини ошириш тартиблари, малака сертификати, уни олиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати белгилаб берилган. Қонунга мувофиқ, аудиторлик ташкилотларининг фаолиятига аралашишга ва аудиторлик ташкилотига, шунингдек, унинг ходимларига, қандай шаклда бўлмасин, таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Сўнгги йилларда қабул қилинган аудиторлик фаолиятига оид меъёрий-хукуқий хужжатлар таҳлил қилинганида, шундай хulosaga келиш мумкинки,

Ўзбекистонда аудит бозори ва аудиторлик фаолияти ривожланишнинг янги босқичига кўтарилимоқда.

1.3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисботларни тузиш муаммолари

Бухгалтерия ҳисоби – бу бутун дунё бўйлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув функцияси бўлиб, у ташкилот фаолиятининг барча иқтисодий маълумотларини тўплаш учун мўлжалланган. Муболағасиз, бухгалтерия “бизнеснинг молиявий тили” деб номланади. Аммо XX асрнинг 70-йилларига қадар ягона “иқтисодий тил” мавжуд эмас эди ва бу капитал ҳаракатланишининг тўсиқларидан бири эди.

Трансмиллий корпорацияларнинг фаол ўсиши, молиявий бозорнинг глобаллашуви ва халқаро иқтисодий интеграция бухгалтерия ҳисобини бирлаштиришнинг асосий сабаблари бўлиб хизмат қилди. Замонавий халқаро ишбилармонлик фаоллигининг ўсиши барча фойдаланувчилар манфаатларига жавоб берадиган ягона молиявий ҳисбот стандартларини жорий қилиш заруратини уйғотди.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш ва уни халқаро аудит стандартлари асосида аудит текширувидан ўтказиш зарурияти яна шу билан белгиланадики, дунё бозорларига чиқиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, дунё хом-ашё ва валюта биржаларига котировка қилиш, дунё банкларидан кредит олиш учун компания ва ташкилотлар молиявий ҳисботларини Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузишлари талаб этади.

Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб олимлар Молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларига ўтиш ва унинг аудитини ўтказиш жараёнлари заруриятини асослаб, унга ўтиш йўлларини белгилаб бермоқда ҳамда уни алоҳида фан курси сифатида

ўқитиши таклиф этмоқда (Ж. Курбанбаев, С. Джуманов¹⁸, З. Сагдуллаева¹⁹, Н. Мирзараҳимова²⁰, М. Марпатов А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев²¹, М. Тулахаджаева²², К.Б. Уразов²³.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасини ислоҳ қилиш мақсадлариға қўйидагиларни киритиш мумкин²⁴:

республика иқтисодиётида ўз ўрнига эга жараёнларни самарали тартибга солиши тизимини жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш;

бухгалтерия ҳисоби тизимини, шунингдек, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га яқинлаштириш;

иқтисодиёт ривожланишининг ретроспектив тенденциялари ҳақида ахборотни йиғиши, қайта ишлаш ва узатиш, бошқарув қарорларининг оқибатларини прогнозлаштириш ва баҳолаш.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни ислоҳ этиш бўйича қўйилган мақсадларга эришиш учун асосий чора-тадбирлар қўйидаги муаммоларни ҳал қилишдан иборат (1.3-расм):

¹⁸ Ж. Курбанбаев, С. Джуманов. Бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш йўллари.// Молия. 2016 й. №1, 99-104-б.;

¹⁹ З. Сагдуллаев. Международные стандарты финансовой отчетности: учет и анализ инвестиции //Молия. - 2016. -№11. -55-59 с.

²⁰ Н. Мирзараҳимова. Корхона ҳисоб сиёсатини МХХС бўйича тузишнинг долзарб масалалари //Солик солиши ва бухгалтерия ҳисоби. -2016 .-№11.-20-24-б.

²¹ М.Марпатов. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 1 «молиявий ҳисоботни тақдим этиш» //Бозор, пул ва кредит-2016 .-№6.-46-54-б.; М.Марпатов, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳрири -МХХС //Бозор, пул ва кредит-2017 .-№2.-42-49-б..; Марпатов М. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари // Бозор, пул ва кредит Ж. –2014. –№3. –32-38-б.; Марпатов М. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари // Бозор, пул ва кредит Ж. –2014. –№9. –55-60-б.; Марпатов М. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида: Бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослашнинг ўзига хос хусусиятлари //Бозор, пул ва кредит Ж. –2014.–№11.-49-55-б.

²² Тулахаджаева М.М. Финансовая отчетность в соответствии с МСФО. WWW.norma.uz.

²³ Уразов К.Б. Молиявий ҳисобот: миллий ва халқаро стандартлар мувофиқлиги йўлида. // Бозор, пул ва кредит Ж. –2013. –№4. –57-61-б.

²⁴ <https://tpp.uz/uz/>



1.3-расм. Ўзбекистон Республикасида МХХСни жорий этиш учун асосий чора-тадбирлар.

Ўзбекистонда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисобот тизимини ислоҳ этиш жараёнини қуидаги босқичларга ажратиш мумкин (1.4-жадвал):

1.4-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисоби тизимининг шаклланиш босқичлари

Босқичлар	Йиллар	Кискача тавсифи
1-bosqich	1992 – 1997 йй.	Меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда босқичма-босқич хисоб ва хисобот амалиётiga жорий этилиши бухгалтерия хисобининг аввалги мавжуд тизимини тубдан ислоҳ этишга асос солди.
2-bosqich	1998 – 2001 йй.	Бухгалтерия хисоби миллий стандартлари (БХМС)нинг аксарияти қабул қилиниши, шунингдек, ниҳоятда муҳим қонунчилик меъёрий хужжати – Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 54-сон қарори, 05.02.1999 й.) қабул қилиниши. Булар соликقا тортиш, молиявий натижани аниқлаш ва молиявий хисоботни тузиш билан боғлиқ кўпгина масалаларга ойдинлик киритди.
3-bosqich	2002 –2014 йй.	Бухгалтерия хисоби бўйича амалдаги қонунчилик базасини алоҳида обьектларни хисобга олишга оид турли Низомларни қабул қилиш орқали янада такомиллаштириш ва ислоҳ этиш билан тавсифланади.
4-bosqich	2015 – x.v.	<p>Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сон ““Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Конунига мувофиқ, “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Конуннинг янги таҳрири тасдиқланди. Ушбу қонун халқаро талаб ва тамойилларга риоя этишини тартибга соладиган ва молиявий хисоботнинг шаффофлигини таъминлайдиган моддалар билан фарқланади.</p> <p>Ўзбекистонда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисобот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, МХХСни жорий этиш борасида қуидагилар белгиланган:</p> <p>мавжуд Бухгалтерия хисоби миллий стандартларига қўшимча равища МХХСга яқинлаштирилган янги стандартларни қабул қилиш;</p> <p>МХХСни амалиётга жорий этиш ва уни кўллаш шарт-шароитларини яратиш.</p>

Хозирги вақтга келиб, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни бирхиллаштириш муаммоси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгashi томонидан ҳал қилинмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгashi молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш бўйича тўпланган жаҳон тажрибасини сарҳисоб қиласиган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари миллий стандартларни алмаштириш ва шу билан, бухгалтерия ҳисоби тизимини бирлаштиришга мўлжалланган. Бу эса, ўз ўрнида, бир хил кўринищдаги молиявий ҳисоботларни тузиш ва унинг аудитини белгиланган тартибда ўтказиш имкониятларини яратади.

С.Н. Ташназаровнинг фикрига кўра, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – бу молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари зарурияти, ишлаб чиқилиши, уларнинг мазмуни, интерпретацияси ва қўлланилишининг назарий ва методологик масалаларини ўрганувчи қисмидир”²⁵.

Бизнинг фикримизча, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгashi томонидан ишлаб чиқилган ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жамоат манфаатлари йўлида қабул қилинган қоида ва тамойиллар тизимиdir.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари баёнотининг муқаддимасида айтилишича, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгashi МХХСга мажбурий риоя қилинишини талаб қила олмайди. Давлат томонидан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (бухгалтерия ҳисобининг халқаро модели) қабул қилиш жараёни бутунлай ихтиёрийдир.

Халқаро бухгалтерия модели глобаллашув ва иқтисодий маконнинг байналмилаллашуви таъсири остида ривожланмоқда. У халқаро бозорда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни бирлаштиришни таъминлаш

²⁵ С.Н. Ташназаров. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. Т.: “Наврўз” нашриёти, 2016 й. 31-47-б.

учун мўлжалланган. Бухгалтерия ҳисобини бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш ягона халқаро молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқиш билан таъминланади. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисббот стандартларини, асосий тахминлар ва сифат хусусиятларини ўз ичига олади. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари тавсиявий характерга эга, аммо аста-секин бутун жаҳон иқтисодий ҳамжамияти ушбу стандартлардан малакали фойдаланувчилар учун мўлжалланган молиявий ҳисбботларни тайёрлашда фойдаланишни бошлайди. Ўз ўрнида, ушбу молиявий ҳисбботларни халқаро стандартлар асосида аудитдан ўтказишнинг алоҳида хусусиятлари мавжуд, шунингдек, миллий стандартлар асосида ўтказиладиган аудит билан ўхшаш ва фарқли томонлари ҳам мавжуд.

В.А. Терехова “Бухгалтерия ҳисби ва ҳисбботининг халқаро ва миллий стандартлари” номли мақоласида турли мамлакатларда Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларини қўллашнинг қуидаги олти шаклинни ажратиб кўрсатган:

1. Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларидан миллий молиявий ҳисббот стандартлари сифатида фойдаланиш ва унинг аудитини ўтказиш (Кипр, Қувайт, Латвия, Малта, Покистон, Тринидад ва Тобаго, Хорватия).
2. Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларидан миллий стандарт сифатида фойдаланиш, шу билан бирга, Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларида ўз аксини топмаган масалалар бўйича ўз миллий стандартларига эга бўлиш ва аудитини ўтказиш (Малайзия ва Папуа-Янги Гвинея).
3. Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларидан миллий бухгалтерия ҳисби ва ҳисботи стандартлари сифатида фойдаланиш ва унинг аудитини ўтказиш, миллий хусусиятлари туфайли, Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари маълум бир ўзгаришларга учрайдиган давлатлар (Албания, Бангладеш, Барбадос, Замбия, Кения, Колумбия, Польша, Судан, Таиланд, Уругвай, Ямайка).

4. Халқаро қоидаларга қўшимча тушунтиришлар бериб, молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини МХҲСга мувофиқ ишлаб чиқиш (Хитой, Эрон, Словения, Тунис ва Филиппин).

5. Миллий стандартларни тайёрлаш учун асос сифатида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланган ҳолда, молиявий ҳисобни миллий стандартлари батафсилоқ ёритилиши мумкин бўлса-да, улар қўшимча равища молиявий ҳисоботларни тузиш учун Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида кўзда тутилмаган баъзи талабларни киритиши мумкин (Бразилия, Хиндистон, Ирландия, Литва, Мавритания, Мексика, Намибия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Сингапур, Франция).

6. Австралия, Гонконг, Дания, Янги Зеландия, Швеция ҳам Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ миллий молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқмоқдалар, шу билан бирга, ҳар бир миллий стандартда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан таққосланадиган қоидалар мавжуд.

В.А. Терехованинг фикрига кўра, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини турли мамлакатлар томонидан қўлланилишининг асосий сабабларидан бири компания харажатлари камайганлиги хақида ҳисобот беришдан иборат. Бизнинг фикримизча, ушбу фикр юзасидан бир қанча изланишлар олиб бориш керак, чунки Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисоботдаги моддаларни баҳолаш учун бухгалтерия қоидаларига қараганда бир оз бошқачароқ қоидаларни назарда тутади (бунда “адолатли қиймат” тушунчаси кенг қўлланилади)²⁶. Бизнинг фикримизча, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш харажатлари миллий қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш харажатларидан сезиларли даражада ошиб кетади.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖдаги изланишлар натижасида,

²⁶ Терехова В.А. Бухгалтерия ҳисобиниг миллий ва халқаро стандартлари. “Иқтисод ва ҳаёт”, 2020 й.

молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг миллий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимиға нисбатан асосий афзаликлари ва камчиликларини таъкидлаб ўтамиз.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг миллий молиявий ҳисбот стандартларидан устунликлари қўйидагилардир:

стандарт меъёрларининг аниқ мантиғи;

стандартлар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботнинг жаҳон тажрибаси асосида ишлаб чиқилганлиги;

профессионал фикр бериш ролининг кучайтирилиши.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисботлар, ўз моҳиятига кўра, барча фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши керак.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг камчиликларига қўйидагилар киради:

стандартлар “фойда сифати”ни таҳлил қилиш учун қўшимча харажатларга олиб келадиган бухгалтерия ҳисоби усулларининг умумлаштирилган хусусияти ва хилма-хиллиги;

стандартларнинг расмий тили инглиз тили бўлиб, уларни таржима қилишда муайян қийинчиликларнинг юзага келиши;

стандартларни қўллаш бўйича батафсил изоҳларнинг етишмаслиги;

стандартлар доимо ўзгариб ва такомиллашиб бориши.

О.В. Соловьевнинг фикрига кўра, “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ҳақиқатан ҳам халқаро аҳамиятга эга бўлиб, қўплаб мамлакатларнинг тажрибаларини бирлаштиради”.

Шундай қилиб, замонавий шароитларда айрим мамлакатларда, хусусан, республикамизда фаолият юритаётган “Иссиқлик электр станциялари” АЖда ҳам бухгалтерия ҳисобини ўқитиш жараёнини бирлаштира олиш қобилияти Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг самарали татбиқ қилинишига боғлиқ. Бунда ягона молиявий ҳисботлар барча малакали фойдаланувчиларга ишончли тарзда тақдим этилиши ҳамда халқаро

стандартлар асосида аудитдан ўтказилиши керак.

Миллий бухгалтерия ҳисобининг Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш тартиби тўғрисидаги асосий нашрларнинг таҳлили учта концептуал ёндашув мавжудлигини кўрсатди:

1) А.С. Бақоев, О.М. Островскийлар томонидан Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида миллий бухгалтерия стандартларини ишлаб чиқиши таклиф этилди;

2) Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари Кенгаши фақатгина Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисботларни тан олади. Ўзгартирилган стандартлар асосида тайёрланган ҳисбот халқаро эмас;

3) С.А. Николаева йирик ёки ижтимоий аҳамиятга эга компанияларни Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтказишни таклиф қилган.

Бизнинг фикримизча, С.А. Николаеванинг таклифи ўрта муддатли истиқболда энг мақбул ечимдир, лекин бу, фақат ҳисботларни Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ёки миллий қоидаларга мувофиқ тузиш имконияти қонунчиликда мустаҳкамланган тақдирдагина мақбул саналади. Молиявий ҳисботларнинг иккита тўпламини тақдим этиш мажбурияти бухгалтерия ҳисбини мураккаблаштиради ва молиявий ҳисботни тайёрлаш харажатларини оширади.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқ тузилган молиявий ҳисбот ундан фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини янада қўпроқ даражада қаноатлантириш имконини беради. У инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахсларга ташкилот ҳақида етарлича ишончли ва тушунарли ахборотни тақдим этади. Натижада, бундай ташкилот ишбилиармон контрагентлар ва умуман, жамият учун ахборот олиш борасида шаффоф бўлади, бу эса, ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ноаниқлик ва рисклар даражасини сезиларли пасайтиради, демак, уни қўшимча молиявий

ресурслар учун курашда рақобатбардош қиласи²⁷.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини у ёки бу даражада қўлламоқда. Айрим мамлакатлар (Россия, Германия, Швейцария)да Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан консолидацияланган ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланишга рухсат берилади, баъзи мамлакатларда эса, биржалар халқаро стандартларга асосланган компанияларнинг молиявий ҳисоботларини рўйхатдан ўтказади (Латвия, Эстония, Хитой).

Ҳозирги вақтда Евropa давлатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳисбот беришга ва унинг аудитини ўтказишга ўтмоқда, Австралия 2005 йилдан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтганлигини эълон қилган, Америка Кўшма Штатлари 2002 йилдан буён миллий бухгалтерия ҳисоби тизими ва халқаро стандартлар ўртасидаги фарқларни йўқ қилиш дастурини амалга оширмоқда.

Миллий компанияларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг асосий омили – бу хорижий компаниялардан инвестициялар олиш орқали ўз фаолиятини молиялаштириш имкониятидир, аммо бунинг учун улар хорижий компанияларга ўз активлари, мажбуриятлари, даромад ва харажатлари, капитали тўғрисидаги тўлиқ маълумотни хорижий инвесторлар учун тушунарли форматда тақдим этиши зарур.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни белгилайдиган бошқа омилларга хорижий контрагентлар билан мустаҳкам узоқмуддатли иқтисодий алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, компанияларнинг халқаро фонд бозорларига чиқиши ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси ривожланишнинг янги босқичига ўтиши муносабати билан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбогининг, аудит ўтказилиши жараёнларининг мавжуд тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш зарурати

²⁷ Шулыгина Оксана Юрьевна. Развитие методики трансформации российской финансовой отчетности в формат МСФО: на примере строительных организаций. // научная диссертация // ст 209. // 2010 г.

туғилди.

2016 йил 13 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида “Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисботга доир талаблар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида белгиланади” деб қайд этилиши мамлакатимизда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари кўлланилишининг қонуний асосларини белгилаб беради. Қонуннинг янги таҳрири илғор хорижий тажрибалар ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилди (Ш.У. Ҳайдаров, Б. Маматов²⁸). Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг алоҳида тармоғи сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисбланади.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислоҳ қилиш ёндашуви Концепцияни қабул қилган ҳолда амалга оширилаётган ислоҳотлар мантиғига мос келиши зарур. Аммо бу концепция қатор камчиликларни истисно қилиши керак, хусусан:

1. Концепцияни амалга оширишда муайян муддатларнинг белгиланмаганлиги, аниқ белгиланган босқичлар ва уларни амалга ошириш муддатларининг кечикирилиши салбий омил ҳисбланади.

2. Концепцияда ташкилотлар томонидан консолидацияланган молиявий ҳисботларни тузишда БҲМС маълумотларини ўзгартириб, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида мувофиқлаштириш билан боғлиқ харажатларнинг юқори даражада бўлишига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, Концепцияда таъкидланиши керакки, МҲҲС ва БҲМС форматидаги ҳисботларнинг тақорланиши – бу Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини қўллаш учун инфратузилмани тайёрлаш билан боғлиқ вақтинчалик ҳодиса.

3. Концепцияда бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда профессионал

²⁸ Ш.У. Ҳайдаров, Б. Маматов Янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. //Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби.-2016, -№5. -23-32-б.

бухгалтерия ташкилотларининг иштироки йўқлиги ҳақли равища кўрсатилиши керак, аммо айни пайтда, бунинг объектив сабаблари борлиги эътиборга олиниши лозим, яъни қонунчиликда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган. Бухгалтерия бирлашмаларининг ролини кучайтириш бухгалтерия ҳисоби жараёни қоидаларини ишлаб чиқишида профессионал ташкилотларнинг функцияларини аниқ белгилаб бериши мумкин.

4. Концепцияда шуни таъкидлаш керакки, бухгалтерия маълумотларининг фойдалиигига миллий бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос сифатида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш орқали эришилади.

Умумий қабул қилинган қоидаларга мувофиқ тайёрланган маълумотлардан четга чиқиш бухгалтерия маълумотлари қийматининг йўқолишига олиб келади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг факат айrim элементларидан фойдаланган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар малакали фойдаланувчиларни чалғитади, бу эса, бошқарув қарорларининг сифатини пасайтиради. Шу билан бирга, биз миллий методологияларни бирлаштириш орқали босқичма-босқич Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни қўллаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Унинг якуний мақсади бухгалтерия ҳисобининг миллий тизими сифатида тўлиқ тан олиниши керак.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ислоҳ қилиш цивилизациялашган бозор муносабатлари йўлидаги муҳим қадамдир. Айни пайтда, ушбу муаммога давлат органлари ҳам, профессионал ташкилотлар ҳам катта эътибор қаратмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида, бухгалтерларнинг профессионал ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида фаол иш олиб бормоқда, улар орасида Халқаро бухгалтерлар федерациясига аъзо бўлган Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари миллий ассоциацияси ҳамда Аудиторлар палатаси иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш аудиторлик ташкилотларига талабнинг ошишига олиб келади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини аудиторлик ташкилотлари томонидан тасдиқлаш учун ёндашувни ўзгартириш керак, яъни аудиторлар солиқ ҳисоб-китобларини эмас, балки молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини тасдиқлашлари керак.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳисоботга ўтиш учун халқаро баҳолаш стандартларини ҳам ҳисобга олиш керак, бу миллий бухгалтерия ҳисоби ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир йўналишдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда миллий бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши халқаро молиявий ҳисобот стандартлари билан чамбарчас боғлиқ. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ислоҳ қилиш жараёнининг мантиқий хулосаси бўлиб, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини йирик ва ўрта бизнес учун миллий стандарт сифатида тўлиқ қабул қилиш керак, шу билан бирга, биз кичик бизнес учун ўз миллий бухгалтерия методологиясини ишлаб чиқиш имкониятини истисно қилмаймиз. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш Халқаро аудит стандартларини (ХАС) амалга ошириш билан бир вақтда бўлиши керак.

Юкоридаги фикрларга асосланиб, бухгалтерия ҳисоби умумий принциплари ва миллий стандартларини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисоби соҳасига оид энг илғор тажрибаларни умумлаштириш ва жорий қилиш, бухгалтерларни сертификатлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланадиган бухгалтерларнинг мустақил профессионал ташкилоти ҳисобланадиган **Ўзбекистон Бухгалтерия ҳисоби институтини** ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Институтнинг асосий мақсади МҲҲСларни жорий қилиш, бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни

тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш, илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш, профессионал бухгалтерларни тайёрлаш сифати ва профессионаллик даражасини ошириш орқали бухгалтерия ҳисоби соҳасини тараққий эттириш ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро даражага олиб чиқиши бўлиб ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ ҳисботга ўтиши узоқ жараён бўлиб, у босқичма-босқич, тўғри, мантиқий тузилган ёндашувни талаб қиласди, деб таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариغا ўтиши билан мамлакатга хорижий инвестицияларнинг кескин кириб келишини кутмаслик керак. Аммо бу, Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ҳамжамият ўртасида капитал ҳаракати учун муҳим қадам бўлади. Ташкилотлар фаолияти шаффофлигининг ошиши сармоядорлар учун хавф камроқ ва албатта, сарф-харажатлар арzonроқ бўлишини англаради.

I боб бўйича хulosा

Республикамизда, хусусан, энергетика тармоғида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида инвесторлар, кредиторлар, давлат органлари томонидан иқтисодий асосланган самарали қарорларнинг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, тадқиқот обьекти ҳисобланган “Иссиклик электр станциялари” АЖ томонидан ишончли бухгалтерия маълумотларининг тайёрланиши ва ташқи фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиб берилиши билан бевосита алоқадор .

1. Ушбу қўйилган вазифага самарали эришиш учун эса, республикамизда Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини кенг кўламда жорий этиш, мустақил аудит тизимини замонавий молия бозори талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш зарурияти юзага келади. Зоро, самарали иқтисодий қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган

бухгалтерия тизими маълумотларининг белгиланган тамойилларга мос равища тузилганлиги мустақил аудит тизими воситасида аниқланади.

2. Иқтисодий маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган халқаро стандартлар асосида бухгалтерия тизими тобора такомиллашиб бораётган даврда унга мос равища аудиторлик фаолиятини ҳам ривожлантириб бориш, фан ва технологик янгиликларни аудиторлик фаолияти амалиётида тобора кенгрок қўллаш катта аҳамият касб этади.

3. Замонавий аудиторлик фаолияти фақатгина хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия тизими ва молиявий ҳисботларининг тўғрилигини текшириш билан чекланиб қолмасдан, бухгалтерия тизимининг маълумотларни сифатли ва белгиланган тамойилларга мос равища қайта ишлашига, корхона фаолиятининг самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишга, бошқарув жараёнини такомиллаштиришга, корхона фаолияти мавжуд қонун ҳужжатларига мос бўлишига, фаолиятнинг муаммоли нуқталарини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишига, шу асосда корхона фаолиятининг умумий самарадорлигини ошириш ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

4. Мустақиллик йиллари мобайнида республикамида ҳам Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш ва ташки аудиторлик фаолияти тизимида аҳамиятли ижобий ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, аудиторлик фаолиятининг хуқукий асосларини белгилаб берувчи бир қатор муҳим қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва ушбу соҳа миллий иқтисодиётнинг хизмат қўрсатиш тармоғини ташкил этувчиси сифатида ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бунга яққол мисол сифатида 2021 йилдан аудиторлик текширувларининг бутунлай халқаро стандартлар асосида амалга оширилишини келтиришимиз мумкин.

II. БОБ. МХХСГА МУВОФИҚ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШДА АВТОМАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ВА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

2.1. Ривожланган мамлакатларда МХХСни қўллашнинг жаҳон тажрибаси

Бухгалтерия тизимларини мувофиқлаштириш ғояси халқаро стандартлар доирасида амалга оширилмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир мамлакатда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос модели ва уни тартибга солувчи стандартлар тизими мавжуд. Энг асосийси, ушбу стандартлар мамлакатларда мавжуд бошқа стандартларга зид келмаслиги яъни, ўзаро “уйғунликда” бўлиши лозим. Дунёда ушбу йўналишдаги ишлар 1961 йилдан бери давом этмоқда.

МХХС ҳақида гап борар экан, биз, бухгалтерия ҳисоби жараёнлари амалиётига кирган тарихий муҳим саналар ҳақида бироз тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2.1-илова).

Халқаро стандартларнинг оммалашишига икки ўзгариш сабаб бўлди. Биринчиси, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари Кўмитаси, АҚШ Конгресси ва Халқаро қимматли қофозлар комиссияси ўртасида халқаро ташкилотларнинг ўз акцияларини Америка биржаларида рўйхатдан ўтказиш учун қўпроқ хорижий компанияларни жалб қилиш истагини акс эттирувчи битим имзолангандиги. МХХСга ўтишни тезлаштирган иккинчи воқеа қитъа мамлакатлари ягона ҳамжамиятга бирлаша бошлаганда содир бўлди. Бу асосан, мамлакатга капитал жалб қилиш эҳтиёжининг ўсишини олдиндан белгилаб қўйди.

Сўнгги йилларда молиявий ҳисботда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бунинг далилини бутун дунёда МХХСнинг тобора кенг қўлланилаётганлигига кўриш мумкин. Кўпгина минтақаларда МХХС бир неча йиллардан буён қўлланиб келинмоқда, уларни амалга оширишни режалаштирган минтақалар сони 2019 йилда кескин равишда кўпайди. Мамлакатларнинг МХХСга ўтиши тўғрисидаги сўнгги маълумотларни “Interactive IFRS adoption by country map” орқали кўриш мумкин. Сўнгги йилларда сиёсий муҳитнинг ўзгариши МХХСга ўтиш учун муҳим омил бўлди. МХХС Кўмитаси ушбу масалалар бўйича жадал иш олиб бормоқда, шунинг учун, стандартлардаги қатор ўзгаришлар келгуси

бир неча ой ва йиллар мобайнида давом этиши мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) – бу ташкилотлар молиявий ҳисоботларининг мазмуни ва уларни тайёрлашга талабларни белгилайдиган ягона стандартлар ҳамда уларга қўшилган хужжатлардир. МХХС Қўмитаси 1973 йилдан бери Лондонда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, МХХСни ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

Турли мамлакатларда МХХС талабларини миллий қонунчиликка киритишда ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Қуйидагилар бунга мисолдир:

МХХС матнларини ҳеч қандай истисно ва ўзгартишларсиз миллий қонунчиликка киритиш;

МХХС матнларини миллий қонунчиликка тузатишлар билан киритиш; миллий стандартларни МХХС талабларига яқинлаштириш.

2018 йил январь ойидан бошлаб дунёning 130 дан ортиқ мамлакатларида МХХСдан фойдаланиш йўлга қўйилди ёки уни қўллашга рухсат берилди. Қуйидаги жадвалда айrim мамлакатларда МХХСнинг қўлланилиши ҳақидаги қисқача маълумот келтирилган²⁹ (2.1-жадвал).

Жаҳонда МХХС фаол тарқалишининг ҳозирги ҳолатига асосланиб айтиш мумкинки, МХХСни ишлаб чиқиш босқичидан маълум даражада ўтиш учун 2013 йилдан бошлаб турли мамлакатлар стандартларни қўллашни ўрганиш лойиҳаси бошланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларда МХХСни қўллашнинг дастлабки шартлари инвесторлар ва акциядорларга компаниянинг молиявий ҳолати ва молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кириш хуқуқини бериш зарурати билан боғлиқ: агар Европа мамлакатларида компаниянинг қимматли қофозлари бўлса, фонд биржасида котировка қилинмайди, кейин бундай ҳисоботдан фойдаланувчилар етишмаслиги сабабли МХХС баёнотлари тайёрланмайди ёки нашр этилмайди. Шу сабабли, Европа Иттифоқи мамлакатларида молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқ тузиш талаби фақат молия бозорларини, молиялаштириш манбаларини топиш учун фойдаланадиган ташкилотлар учун белгиланади. Бошқа ташкилотлар МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва

²⁹ МХХС Фонди веб-сайти – www.ifrs.org маълумотлари асосида.

аудит учун катта қўшимча харажатлар келиб чиқишини ҳис қилмасликлари сабабли, МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мажбуриятидан озод қилинади. Ўз маблағлари ва қарз капиталига асосан қимматли қоғозлар бозори орқали жалб қилинадиган инглиз-саксон тизими мамлакатларида (АҚШ, Буюк Британия, Истроил ва б.) ягона стандартларга мувофиқ тузилган ташқи ҳисоботга эҳтиёж анча юқори.

2.1-жадвал.


МХХСнинг дунёда қўлланилиши

Давлат	МХХСнинг қўлланиш ҳолати
Австралия	Барча хусусий сектор субъектлари учун мажбурийдир ва 2005 йилдан бери давлат сектори субъектларининг ҳисоботлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда
Аргентина	2012 йилдан бошлаб мажбурийдир
Бразилия	2011 йилдан бошлаб банклар ва компанияларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботи учун ва 2008 йилдан бошлаб компанияларнинг алоҳида ҳисоботлари учун мажбурийдир
Буюк Британия	2005 йилдан бери уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-коидалари доирасида мажбурийдир
Германия	2005 йилдан бери Европа Иттифокида уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-коидалари доирасида мажбурийдир
Европа Иттифоки	2005 йилдан бошлаб барча Европа Иттифокига аъзо давлатлар рўйхатидаги компаниялар учун Европа Иттифокида қабул қилинган МХХС қўлланилади
Хиндистон	Баъзи компаниялар томонидан ихтиёрий равишда қўлланилади. МХХСга ўтиш санаси ҳали белгиланмаган
Индонезия	Қисман қабул қилинган. МХХСга ўтиш режаси эълон қилинмаган
Италия	2005 йилдан бери Европа Иттифокида уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-коидалари доирасида мажбурийдир
Канада	2011 йилдан бери компаниялар учун мажбурий ҳисобланади ва хусусий сектор компаниялари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун рухсат берилган
Хитой	Миллий стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар МХХСга мос келади
Мексика	2012 йилдан бошлаб мажбурийдир
Корея Республикаси	2011 йилдан бошлаб мажбурийдир
Россия Федерацияси	2012 йилдан бошлаб МХХС компаниялар, банклар, сугурта компанияларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тузища мажбурийдир
Саудия Арабистони	Банклар ва сугурта компаниялари учун мажбурийдир. МХХСга тўлиқ ўтиш режалаштирилмоқда
АҚШ	2007 йилдан бошлаб МХХС чет эл эмитентларига рухсат берилган
Туркия	2008 йилдан бери компаниялар учун мажбурийдир
Франция	2005 йилдан бери Европа Иттифокида уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-коидалари доирасида мажбурийдир
Жанубий Африка	2005 йилдан бери компаниялар учун мажбурийдир
Япония	2010 йилдан бери баъзи халқаро компаниялар учун рухсат берилган

Хорижий амалиётни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботлар жаҳон ЯИМда умумий улуси 58% га teng бўлган мамлакатлардаги инвесторлар ва компаниялар акциядорлари учун мавжуд. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда МХХС ҳисоботи асосан қимматли қоғозларининг котировкалари фонд биржаларида бўлган компаниялар томонидан тузилади.

Кўпгина компаниялар ўз ҳисоботларини МХХСга мувофиқ тузишмайди, чунки буни талаб қиласидиган инвесторлар мавжуд эмас. Ҳозирги кунга қадар,

халқаро амалиётда МХХСни амалга оширишнинг уч хил варианти ишлаб чиқилган (2.1-расм).



2.1-расм. МХХСни амалга ошириш вариантлари³⁰.

МХХС ва миллий стандартлардан параллел равища фойдаланишда, биринчи навбатда, миллий бухгалтерия тизимиға устунлик берилади, ва кейин, халқаро стандартларга мувофиқ ҳисбот бериш ёки миллий қонунчилик талабларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисбот маълумотларини ўзгартириш, ёхуд, параллел бухгалтерия ҳисобини юритишга эътибор қаратилади. Иккинчи ва учинчи ҳолатларда молиявий ҳисботни шакллантириш билан бир қаторда, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини юритиш тартибини белгилаш учун халқаро стандартлар ҳам асос бўлиши мумкин.

МДҲнинг бир қатор мамлакатларида миллий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот тизимини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилди (2.2-илова).

Молиявий ҳисботларни МХХС талабларига мувофиқ тўғридан-тўғри шакллантиришдан ташқари, унинг аудиторлик текширувини Халқаро аудит

³⁰ Муаллиф томонидан тузилган

стандартлари (ХАС) талабларига мувофиқ амалга ошириш ушбу молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини оширади, ва шу билан, унинг асосий талабларининг бажарилишини кафолатлайди. Мақсад эса – фойдаланувчиларнинг кенг доираси (акциядорлар, менежерлар, ҳукумат ва б.) томонидан ташкилот самарадорлигини аниқлаш, шунингдек, аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий глобал тенденциялари ва миллий аудиторлик амалиётини энг яхши натижалари билан бирлаштириш. Жаҳон амалиёти эса, миллий аудиторлик ташкилотларига ишончни ошириш ва уларнинг халқаро миқёсда тан олинишини таъминлашни тақозо этмоқда. Чет эл мамлакатларида МХХСни қўллаш түғрисидаги маълумотлар 2.2-жадвалда келтирилган.

2.2-жадвал.

Чет эл мамлакатларида МХХСни қўллаш амалиёти түғрисидаги маълумот³¹

№	Давлатлар	Жамоат ташкилотларининг консолидациялашган ҳисоботи	Молиявий ҳисобот	Молиявий ҳисоб аудити	Кичик ва ўрта бизнес учун стандартлар
1	Арманистон	Кичик бизнесдан ташқари барча ташкилотлар учун МХХС асосида юритилади	MХХС	MХХС	Миллий стандартлар
2	Озарбайжон	MХХС	MХХС	MХХС	Кичик ва ўрта бизнес компаниялари бухгалтерия ҳисоби бўйича ёки Озарбайжон миллий стандартларини, ёки МХХСни танлашлари керак
3	Буюк Британия	MХХС	MХХСдан фойдаланишга руҳсат берилган	MХХС	MХХС ёки МХМС
4	Грузия	MХХС	MХХС	MХХС	MХХС
5	Европа Иттифоки	MХХС	MХХСдан фойдаланишга руҳсат берилган	MХХС	Европа Иттифоки давлатлари миллий стандартлари
6	Хитой	MХХС – жамоат ташкилотлари учун	Миллий стандартлар	Миллий стандартлар	Хитойнинг Кичик бизнес учун бухгалтерия ҳисоби стандартлари
7	Мўгулистон	MХХС	MХХС	MХХС	MХХС ёки МХМС
8	Ўзбекистон	Банклар учун МХХС, бошқа оммавий компаниялар учун – миллий стандартлар	Миллий стандартлар	Банклар учун МХХС, бошқа компаниялар учун – миллий стандартлар	Миллий стандартлар

МХХСни жорий этиш бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар илғор тажрибалари таҳлил қилинди (2.3-илова).

³¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Европа мамлакатлари компаниялари учун Миллий компаниялар томонидан биринчи бўлиб МХХС баёнотларини тайёрлаш тажрибаси қизиқиш уйғотади. Европада МХХС Кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган муайян МХХСнинг ишлашини тасдиқлаш ва тан олиш тартиби мавжуд. Барча стандартлар Европа компанияларининг бухгалтерия амалиётида қўлланилиши кўриб чиқилади ва Европа молиявий ҳисобот бўйича маслаҳат гуруҳи томонидан тасдиқланади. Муайян стандартларни қўллаш мажбурияти Европа Иттифоқининг маҳсус кўрсатмаларида тасдиқланган. МХХСга ўтиш 2005 йилдан бери қимматли қоғозлари биржада мавжуд бўлган барча компаниялар учун мажбурий бўлиб қолди.

2004 йилда Бельгияда ўтказилган тадқиқотда биринчи марта МХХСга ўтаётган 20 та энг йирик компаниялар молиявий ҳисботи маълумотларининг тақдим этилишига сезиларли таъсир қўрсатган қуйидаги йўналишлар қайд этилди: кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларини тан олиш; қўшилиш ва қўшилиш натижалари; молиявий воситаларни тан олиш; пенсия режасининг активлари ва мажбуриятларини тан олиш.

Шу билан бирга, компаниянинг миқёси МХХС баёнотларининг ошкор бўлишига таъсир қўрсатиши аниқланди, чунки йирик компаниялар маълумотни тайёрлаш учун зарур ресурслар ва малакали ходимларга эга.

Шуни таъкидлаш лозимки, МХХС билан уйғунлаштириш жараёни секинроқ бўлган Европа мамлакатларида биринчи молиявий ҳисботни тайёрлаш харажатлари қолган 29 та МХХСга ўтиб бўлган мамлакатларининг харажатларидан юқори бўлиб чиқди.

МХХСни биринчи марта қўллаган компанияларда умумий улуши сезиларли бўлган харажатларга кадрларни тайёрлаш, қайта кўриб чиқиш, янги стандартларга мувофиқ бухгалтерия дастурини сотиб олиш, эксперт баҳоловчиларни ёллаш ва маслаҳатчиларни ёллаш харажатлари кириши аниқланди.

МХХСга ўтишнинг Европа компаниялари молиявий ҳисботларига таъсирини баҳолашга бағищланган тадқиқотда Европа компаниялари 2005 йил 1 январдан бошлаб МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисботни тайёрлашда дуч келган қуйидаги муаммолар аниқланди (2.3-жадвал):

2.3-жадвал.

Европа компаниялари МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлашда дуч келган муаммолар³²
Йирик компанияларда МХХС стандартларини қўллашдаги қийинчиликлар
МХХСнинг айрим стандартларини шарҳлаш бўйича ягона амалиёт йўқлиги
МХХСни қўллаш бўйича амалий тавсиялар етишмаслиги
МХХСдаги доимий ўзгаришлар ва шу билан боғлик равишда Европанинг тартибга солиш органлари томонидан қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши
Параллел бухгалтерия ҳисобини юритишдаги қийинчиликлар – ҳам МХХС, ҳам миллий стандартларга мувофиқ (агар мавжуд бўлса)
МХХС бўйича малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, оддий ходимлар ва компания менежерларини ҳам МХХС қоидалари бўйича ўқитиш зарурати
Янги тамойиллар бўйича ҳисбот юритишга тайёр бўлмаган бухгалтерлар менталитети билан боғлик муаммолар
МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтишнинг ахборот таъминоти (АТ инфратузилмаси)ни ўзгариши ва такомиллаштириш зарурати

Турли мамлакатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш жараёни ўрганиб чиқилди (2.4-илова). Турли мамлакат компанияларининг биринчи ҳисоботларини таққослаш даражасига дастлабки 30 та баёнотни тайёрлашда иштирок этган мутахассисларнинг профессионал баҳолари молиявий ҳисоботларни миллий стандартларга мувофиқ тайёрлашни тартибга солувчи қонунчилик базасининг мазмунига таъсир кўрсатди.

2005 йил 1 январдан бошлаб МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлашни бошлаган Европа давлатлари орасида Польша, Греция, Чехия ва Испанияни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан МХХС стандартлари ўртасидаги асосий фарқларни кўриб чиқамиз, бу фарқлар МХХСни биринчи марта қўллаш пайтидаги баъзи тузатишларни ҳисоблашда ўз таъсирини кўрсатди.

Умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисбот ва молиявий ҳолатдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисботни таққослашнинг ягона шакли мавжуд эмаслиги сабабли, Польша компаниялари соф фойда ва капитални таққослаш ҳисоботлари бўйича МХХС талаблари, шунингдек, солишириш учун фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлардан фойдаланди.

МХХС ва Греция бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ўртасидаги фарқлар тўғрисидаги маълумотлар (2005 йилда МХХС бўйича биринчи

³² Муаллиф томонидан тузилган

молиявий ҳисоботни тузиш санасида), шунингдек, Греция компанияларининг МХХСга ўтишнинг молиявий ҳисоботга таъсири инглиз олимлари Лиза Эванс ва Иоаннис Цалавоутас томонидан ўрганиб чиқилган.

Европа мамлакатларидан бири Чехияда ҳам МХХС асосида ҳисоботни тайёрлаш тажрибасига қизиқиш уйғонди.

Испанияда биринчи бўлиб МХХС баёнотларини тайёрлаш, бошқа кўплаб Европа давлатлари сингари 2005 йилда бошланган.

МХХСга ўтишда Испанияда биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлаш билан боғлиқ киритилган асосий тузатишларни қуидаги гурухларга ажратиш мумкин:

баъзи активлар ва мажбуриятларнинг молиявий ҳисботида тан олинишини (ёки ҳисобдан чиқарилишини) талаб қиласидиган тузатишлар (масалан, 38-сон МХХС (IAS) “Номоддий активлар” стандарти тадқиқот харажатларининг номоддий активлар сифатида тан олинишини таъқиқлайди, лекин Испания стандартлари ушбу харажатларни номоддий активлар сифатида тан олишга имкон берди);

айрим активлар ва мажбуриятлар бўйича бухгалтерия ҳисоби усулларини танлаш билан боғлиқ тузатишлар (масалан, МХХС асосий воситаларни, номоддий активларнинг тан олинишида дастлабки/қайта баҳолангандан қийматида ҳисобга олиш моделини тақдим этади).

Австралия ва Малайзияда биринчи ҳисботларни тайёрлашда кўп тузатишлар кузатилмади. Шунга қарамай, таъкидлаш керакки, Австралия ва Малайзияда биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлаш вақтида молиявий ҳисботга ёзилган маълумотлар сони ортган.

Канаданинг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисбетни тайёрлаш тажрибаси ҳам жуда қизиқарли жараёнларга бой бўлган. Кўпгина компаниялар, жумладан, Канададаги аксарият компаниялар биринчи молиявий ҳисботларини тайёрлаш учун 2011 йил 1 январдан – расмий ўтиш кунидан 3 йил олдиндан тайёрлана бошлади. Канадада биринчи МХХС баёнотларини тайёрлаш мутахассислар таъкидлаган икки муҳим йўналиш – малакали кадрларни тайёрлаш ва МХХСга ўтишга бевосита тайёргарлик бўйича амалга оширилган. Канада қонунчилиги талабларига мувофиқ, акциялари Онтарио фонд биржасида рўйхатга олинган кўплаб компаниялар учун МХХС бўйича биринчи ҳисботлар биринчи чорак учун оралиқ ҳисбот

бўлиб, аввалги даврлар учун зарур бўлган таққосланадиган маълумотлар ва санадаги очик баланслари (opening balance) билан таъминланиши керак. Биринчи МХХС ҳисоботларида баъзи Канада компаниялари ўтиш кунидаги бошланғич баланс ва капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот талаб қиласидиган бир қатор тузатишларга эга бўлмаган.

Сингапур ва Гонконг каби мамлакатларда миллий стандартлар МХХС билан алмаштирилди ёки миллий стандарт бўлмаган тақдирда, халқаро стандарт тўлиқ қабул қилинди.

Буюк Британия, Сингапур ва Гонконг ушбу йўналишда молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқ тузиш бўйича бир нечта умумий хусусиятларга эга, хусусан:

ушбу мамлакатларнинг барчаси Англия-Америка умумий хуқуқ тизимига мансуб;

тақдим этилган ҳар бир мамлакатда янги ҳисобот стандартларини қайта кўриб чиқиш ва нашр этишга масъул бўлган мустақил орган мавжуд;

ушбу мамлакатларда ўз фонд биржасига эга ривожланган капитал бозори мавжуд;

МХХСга ўтиш ва аксарият оммавий компаниялар томонидан биринчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш деярли бир вақтнинг ўзида – 2005 йил 1 январдан кейин бошланди.

Умумий муаммоларнинг мавжудлиги ва шунга ўхшаш тузатишлар миллий ўзбек компанияларига биринчи марта МХХСни қўллаш имконини беради, шунингдек, биринчи ҳисоботни тайёрлашда чет эл тажрибасини ҳисобга олади. Биринчи қўллаш пайтида юзага келадиган муаммолар нуқтаи назаридан хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, молиявий ҳисоботни тайёрлашда талаб қилиниши мумкин бўлган тузатишлар ўзбек компанияларига МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлашни пухта режалаштиришга имкон беради.

Бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичида ҳар иккала стандартлар тизими доимий такомиллаштирилиб борилиши, шунингдек, халқаро стандартларнинг амалда қўлланиши ҳисобига долзарб бўлиб қолаётган миллий ва халқаро стандартларга мувофиқлик масалаларини биринчи ўринга чиқарди.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши

бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мувофиқ равишда ислоҳ қилишни талаб этади. МҲҲСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот мухим иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун компания фаолияти натижалари ва унинг молиявий аҳволини ҳам, компания бошқарув сифатини ҳам баҳолашга имкон беради. XX аср охирида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий шаклланишнинг ўзгариши, иқтисодий глобаллашув жараёнлари, бошқа вазифаларни ҳал қилиш билан бир қаторда, МҲҲС асосида мамлакатда миллий бухгалтерия тизимини ислоҳ қилишни ҳам талаб этди.

Айни пайтда бухгалтерлар бухгалтерия маълумотларини бир неча ҳисобот турлари – молиявий ҳисобот, солиқ ҳисботи, бошқарув ва халқаро ҳисботлар бўйича тайёрлаш заруратига дуч келишмоқда. Агар кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун солиқ маълумотлари устувор аҳамиятга эга бўлса, йирик ташкилотлар учун юқоридаги барча ҳисбот турлари катта аҳамиятга эга. Одатда, турли хил фойдаланувчилар учун турлича ҳисбот турлари керак: БҲМС бўйича бухгалтерия ҳисботи – ички бозордаги ташқи фойдаланувчиларга, солиқ ҳисботи – назорат қилувчи органларга, бошқарув ҳисботи – ташкилот раҳбариятига, МҲҲС бўйича ҳисбот – инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар, банкирлар, айниқса, халқаро бозордаги инвесторлар учун зарур. Шунинг учун, бухгалтерия ҳисби турлари ҳақида гап кетганда, ҳар доим конвергенция масаласи кўтарилади, бу: бухгалтерия ва солиқ ҳисби, бошқарув ҳисби, бухгалтерия маълумотлари ва МҲҲС талаблариридир. Изланиш натижаларига кўра, бугунги кунда маҳаллий компанияларнинг 80% идан ортиғи уларнинг молиявий ҳолатини аниқ билишмайди. Бу борадаги муаммоларни таҳлил қилинганидан сўнг, қуйидаги рўйхатни шакллантириш мумкин (2.4-жадвал).

Ҳозирги кунда республика учун энг мухим мавзулардан бири – бу МҲҲСни жорий этиш масаласи. Шуни таъкидлаш керакки, республикада МҲҲСни жорий этиш жараёни глобаллашувнинг жаҳон жараёнлари талаб қиласиган даражада тез эмас. Бунинг сабаби шундаки, бизнинг мамлакатимиз ўзининг бухгалтерия қоидаларини ишлаб чиқкан бўлиб, уларни чет эл инвестицияларини жалб қилиш ёки банқдан маблағ олишни истаган бошқа маҳаллий корхоналар билан алмаштириш жуда қийин, бу маълумотлар халқаро даражага жавоб берадиган расмий равишда тан олинган тилга таржима қилиниши керак.

2.4-жадвал.

МХХС асосида ҳисоботларни тайёрлаш мұаммолари ³³	
МХХСда ҳисобот шакларининг мавжуд әмаслиги ва улар учун жуда күп талаблар мавжудлиги. Шу билан бирга, МХХС бүйича ҳисоботларнинг таркиби миллий ҳисоботта қараганда каттароқ ҳажмдалиги, яғни: ўнлаб бўлимлар, стенограммалар, эслатмалар, тафсилотлар. Ҳисоботни ўзи тайёрлаши учун ҳатто стандартларни яхши билганда ҳам, бир хафтадан ва ҳатто, бир ойдан ортиқ вақт кетиши.	
МХХС ҳисоботида асосий ҳисобот шакллари учун кўплаб тушунтиришлар мавжуд. Кўрсаткичлар ўргасидаги ўзаро боғлиқликни кузатиб, кўплаб жадвалларни тўлдириш осон әмаслиги.	
Чет эл валютасида МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлашда конвертация курсининг фарқлари кўрсатилиши зарур. Валюта курси фарқлари кўплаб жадвалларга таъсир қилиши ҳисобга олинса, бу техник жиҳатдан осон иш эмас. Кўпгина янги иш бошлаган мутахассислар учун бундай фарқларни ҳисоблаш мушкул. Бу, одатда, курсларда ўқитилмайди ёки ДипИФР имтихонларида талаб қилинмайди.	
Чет эллик инвесторлар учун инглиз тилида ҳисобот бериш талаб этилади. Агар маъruzалар ўзбек ва рус тилларида тайёрланган бўлса, таржимон хизматидан фойдаланиш зарур бўлади. Шу билан бирга, таржимон МХХСнинг ўзига хос терминологиясини билиши керак, акс ҳолда, ҳисобот бузиб кўрсатилиши мумкин.	
Excel дастурида ҳисоботларни тўлдириш ҳамма вакт ҳам кулай эмас. Масалан, агар “A=B+C” формуласини киритиш зарур бўлса, аввал B ва C киритилиши керак, шундан кейингина A га эга бўлиши мумкин. Аммо ҳисоботларни тузиша аксинча – A ни киритиб, сўнтра B ва C компонентларини топиш осон. Excel дастурида буни амалга ошириш мумкин эмас, чунки киймат киритиш формуласи бузилади.	
Максус дастурий таъминот бўлмаса, бухгалтерлар “айланмани ўзгартириш” усулидан фойдаланишлари керак. БХМС бўйича ҳисоботларни тайёрлаб кўйилганидан сўнг, тузатиш ёзувларини акс этириш учун асосий воситаларга бир қадам орқага қайтиш ва яна МХХСга биноан ҳисоботни қайта тўплаш зарур. Бунинг учун, ҳисоб-китоблар режаси муйян мутахассис томонидан МХХСга мувофиқ тузиб чиқилиши керак.	

Кўпгина компаниялар тегишли ҳисоб тизимларини амалга оширишдан аввал ҳам ҳисоботларни тайёрлаш вазифасига дуч келмоқда. Бинобарин, кўплаб замонавий компаниялар ўз молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга мувофиқ тузишни истайди.

“Иssiқлик электр станциялари” АЖда МХХСдан 2019 йилдан бери фойдаланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда МХХСни татбиқ этиш энергетика сектори учун жуда муҳим. Айни пайтда, соҳада халқаро молиявий институтлар томонидан молиялаштириладиган инвестиция ва кредит лойиҳалари мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида, ривожланиш учун молиявий ресурсларни тақдим этишга тайёр. МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни шакллантириш инвесторлар, банклар ва акциядорлар томонидан энергия соҳасидаги ташкилотларга бўлган ишончни сезиларли даражада оширади.

МХХС асосида тузилган ҳисоботда натижалар бошқача бўлиши мумкин. Унинг ижобий жиҳатлари шундаки, бунинг натижасида шаффофликни ошириш, ҳисоботнинг ахборот мазмунин ва кўрсаткичларнинг таққосланувчанлигини ошириш, компания фаолиятини таҳлил қилиш имкониятларини қўпайтириш, халқаро капитал бозорларига киришни осонлаштириш мумкин. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳисоботнинг тайёр бўлиши ҳали инвестициялар оқимини кафолатламайди.

Ҳозирги кунда МХХСга ўтиш масаласи кўплаб миллий компаниялар

³³ www.audit-it.ru/ifrs/features/finan_buh.php

учун долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу жараённи соддалаштириш учун алоҳида босқичларда соддалаштирилиши мумкин бўлган “МҲҲСни ташкилотга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиши зарур.

МҲҲСни татбиқ этишнинг биринчи босқичида, у қайси мақсадларда МҲҲС ҳисоботидан фойдаланиши кераклиги ҳақидаги савол ҳал қилинади, жумладан:

ички фойдаланувчилар учун;
хусусий инвесторлар ва банклар учун;
очик ҳалқаро бозорга чиқиш учун.

Ҳисоботни тайёрлаш тезлиги ва ҳужжатлар сифатига қўйиладиган талаблар даражаси юқоридаги мақсадларга боғлиқ. Масалан, ҳисоботни бошқарувда ишлатиш режалаштирилган бўлса, у ҳолда, МҲҲСнинг бир қатор тамойиллари ва талабларидан четга чиқиш мумкин. Агар ташкилот ҳисоботни ҳалқаро бозорга чиқиш учун тайёрласа, у ҳолда, МҲҲСнинг барча тамойиллари ва талабларига қатъий риоя қилиши керак.

Ушбу босқичдаги асосий муаммо ҳукуқий тузилмани аниқлаш ва ташкилотнинг молиявий натижаларининг ёмонлашуви билан боғлиқ масалаларни аниқлашдан иборат.

Бош компания бутун “Гурух” учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиши керак, ва бунинг учун, барча шўъба корхоналари молиявий ҳисоботларни талаб доирасида тузиши талаб этилади. Шундагина потенциал инвесторлар бош компаниянинг барча шўъба корхоналари устидан назорат амалга оширилганлигига амин бўлишади.


МҲҲСга ўтганидан сўнг, компаниялар ташкилот фойдаси ёки капиталидан келиб чиқадиган заарларни тан олишлари керак. МҲҲС ҳисоботида молиявий натижалардаги жиддий фарқ кўринишидаги кутилган ва кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш учун бухгалтерия ҳисоби миллий қоидаларига мувофиқ ҳисобот берилади. Бу, масалан, компания ташқи фойдаланувчиларга ҳисобот бериши керак бўлган бир-икки даврдан олдинги мавжуд тўсиқларни баҳолаш ва келажакда иш фаолиятини яхшилашга доир чораларни кўриш имконини беради. Келажакда режалаштириш ва бюджет жараёнини МҲҲС тамойиллари асосида ташкил қилиш мумкин.

Ҳисоботни тайёрлаш мақсади аниқланганидан сўнг, уни тайёрлаш

усулини танлаш керак, бу аудитор (маслаҳатчи) ёрдамида ёки ўз ҳаракатларимиз билан (ўзгартириш ёки параллел бухгалтерия ҳисоби орқали) амалга оширилиши мумкин.

Одатда, МХХСга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг, компаниялар ишни трансформациядан бошлашади, биринчи навбатда, учинчи томон профессионал аудиторлик ташкилотларини, яъни, аутсорсинг хизматини жалб қиласди. Бундан ташқари, ташкилот ходимлари ҳам ҳисбот тайёрлашда иштирок этадилар, МХХС бўлимлари тузилади, трансформация кўлда Excel дастури ёрдамида амалга оширилади, бу босқичда АТ ходимлари ёки АТ компаниялари ишга кўшилишади ва шу билан бирга, мавжуд дастурий таъминотга қўшимчалар киритилади, Excel дастури ёрдамида ҳисботларни ўзгартириш ва параллел равишда бухгалтерия ҳисобига ўтиш учун тайёргарлик ишлари бошланади.

МХХСни татбиқ этишни кўриб чиқаётганда, баъзи бир фактларни тан олиш ва уларга риоя қилиш керак, бу қуйидаги тартибда бўлиши мумкин (2.2-расм).



2.2-расм. МХХСни татбиқ этиш тартиби³⁴.

Ҳозирги кунда МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботларни тайёрлаш жараёни мукаммал ҳолга етиб келган. Миллий ҳисботга асосланиб, молиявий ҳисботларни МХХСга мувофиқ тайёрлашнинг асосий усули бу трансформациядир. Молиявий ҳисботни трансформация қилиш ташкилотлар томонидан белгиланган мақсадларга эришиш учун амалга оширилади ва у бир қатор омилларга боғлиқ. Илмий адабиётларда МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботларни тузиш жараёнларининг қуйидаги таснифи мавжуд (2.5-жадвал):


³⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

2.5-жадвал.

МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнларининг таснифи³⁵

Хусусиятлари	Трансформация турлари
МХХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тузиш усуслари	<ol style="list-style-type: none"> Молиявий ҳисоботни МХХСга ўтказиши Параллел бухгалтерия ҳисобини юритиш Бошка бухгалтерия ҳисобидаги амалиётларни таржима қилиши Аралаш ёндашув
Трансформация натижаларидан фойдаланиш вақти	<ol style="list-style-type: none"> Амалдаги Перспектив (истиқболдаги) Ретроспектив (ўтмишдаги)
Ижрочилар	<ol style="list-style-type: none"> Бош компаниядаги ихтисослашган бўлим Шўйба корхоналаридағи ихтисослашган бўлим Аутсорсинг (ёлланган мутахассис, хўжалик юритувчи субъект)
Маълумотларнинг тўлиқлик даражаси	<ol style="list-style-type: none"> Асосий Бўрттирилган Тўлиқ
Фойдаланувчилар тури	<ol style="list-style-type: none"> Ҳақиқий Фойдаланувчи Потенциал Фойдаланувчи
Тадбиркорлик субъектларини қамраб олиш даражаси	<ol style="list-style-type: none"> Филиаллар ва таркибий бўлинмалар ҳисоботларини трансформация қилиш Ташкилотнинг ҳисботини ўзгаририш Тегишли ташкилотлар (холдинглар) гурухининг ҳисботини ўзгаририш
Ўтказилган тадбирлар кўлами	<ol style="list-style-type: none"> Бир тармоқли ташкилотнинг ҳисбатларини трансформация қилиш Кўп тармоқли ташкилотларнинг ҳисбатларини трансформация қилиш
Трансформация натижаларидан фойдаланиш кўрсатмалари	<ol style="list-style-type: none"> Кредит ресурсларини жалб қилишга қаратилган трансформация Компаниянинг капиталлашувини оширишга қаратилган трансформация Ташкилот мақомини оширишга қаратилган трансформация
Ишонч даражаси	<ol style="list-style-type: none"> Аудитор томонидан текширилган трансформация Аудитор томонидан текширилмаган трансформация

Замонавий адабиётларда молиявий ҳисбатни халқаро стандартларга мувофиқ тузиш қуйидаги усувларга ажратилган (2.3-расм):



2.3-расм. МХХСга мувофиқ молиявий ҳисбатларни тузиш усувлари³⁶.

³⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

³⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

Трансформация – бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта гурухлаштириш ва миллий бухгалтерия ҳисоби тизими қоидаларига мувофиқ тайёрланган ҳисботот моддаларини МХХС форматига мослаштириш натижасида молиявий ҳисботларни тузиш жараёни.


Ташкилотларнинг молиявий ҳисботини ўзгартириш даврий усул бўлиб, унда миллий бухгалтерия ҳисоби тизимига мувофиқ ишлаб чиқилган маълумотлар таҳлил қилинади ва уларни МХХС тамойилларига мувофиқлаштириш учун ўзгартишлар киритилади.

Миллий бухгалтерия билан таққослаганда, ҳисботларни трансформация қилишнинг афзалликлари ўз ичига паст молиявий ва вақт харажатларини олади. Шу билан бирга, трансформация натижасида олинган ҳисбот юқори ахборот хавфига эга, чунки уни қўллаш пайтида субъектив муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли бор. Бироқ, бу хавфнинг катталиги тўғридан-тўғри ижочиларнинг малакасига боғлиқ. Бинобарин, етарлича моддий, молиявий ва профессионал ресурслар мавжуд бўлганда, БҲМС ва МХХСни параллел ҳисобга олиш имкониятларини кўриб чиқиш мумкин.

Трансформация тартиб-таомиллари натижалари бўйича МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботлар тўплами тузилади, булар:

- 1) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот;
- 2) фойда, зарар ва жами бошқа таркибий қисмлар тўғрисидаги ҳисбот;
- 3) молиявий натижа тўғрисидаги ҳисбот;
- 4) пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот;
- 5) капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисбот;
- 6) изоҳлар.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖга татбиқ этиш тўғрисида куйидагиларни айтиш мумкин: ушбу ёндашув 2019-2021 ҳисбот йиллари учун МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботни шакллантиришнинг асосий ечими сифатида қабул қилинди. Бугунги кунга келиб, молиявий ҳисботни ўзгартириш жараёни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилмоқда (2.4-расм).



2.4-расм. “Иссиқлик электр станциялари” АЖда МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузишнинг амалдаги тизими³⁷.

Ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш тизимини таҳлил қилишда қуйидагилар эътиборга олиниши керак:

1. Таркибий корхоналарда маҳаллий дастурий таъминот мавжудлигига қарамай, маълумотларни йифиши, ўзгартириши ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёни Excel дастури ёрдамида амалга оширилади.
2. БХМС бўйича тузилган ҳисобот такдим этилиб, ташқи аудит томонидан тасдиқланганидан кейин, таркибий бўлинмалар томонидан маълумотларни трансформация қилинади. Трансформация қилиш натижасида, молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни чўзилиб кетади, бу


³⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

хисобот даври тугаганидан кейин 8 ойгача давом этиши мумкин.

3. Бухгалтерия дастуридан маълумотларни юклаш қўлда амалга оширилади.

2.2. Акциядорлик жамиятларида МХХС асосида молиявий хисоботларни тузишда автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш

Электр энергиясини ишлаб чиқарадиган корхона ва ташкилотларда ишлатиладиган бухгалтерия хисоби ва хисоботида қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар ҳолатини ташҳислаш ва фойдаланиладиган бошқа АТ мажмуаларига уланиш имкониятларини баҳолаш 2.5-расмда кўрсатилган.



2.5-расм. Бухгалтерия хисоби ахборот тизимининг юқори даражали архитектураси³⁸.

Биринчи босқич: Гурухнинг консолидациялашган хисоботини тайёрлаш мақсадлари учун хисоб юритишнинг ягона конфигурацияси (Гурух таркибидаги алоҳида корхона учун бирхиллаштирилган автоматлаштирилган хисобга олиш тизими)ни ҳамда Гурух маълумотларини бошқариш платформасини яратиш ва жорий этишга тайёргарлик кўриш юзасидан дастлабки чора-тадбирлар.

Бухгалтерия хисобини МХХС бўйича юритишни ташкил этиш, солиқ хисоботи ва биринчи молиявий хисоботни МХХСга мувофиқ тайёрлашга доир

³⁸ Муаллиф ишламаси.

умумий масалалар ҳамда бу борадаги вазифаларни бажаришга ёндашувлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ, Гуруҳ корхоналари (шу жумладан, йирик солик тўловчи сифатида “Тўрақўрғон ИЭС қурилиши дирекцияси” УК ҳам) 2021 йил 1 январдан бухгалтерия ҳисобини МХҲСга мувофиқ юритишга ўтди, демак, ЎзР Солик кодексининг 76-моддаси 3-қисмига мувофиқ, 2021 йил 1 январдан солиққа тортиш мақсадида ҳисобга олиш МХҲС бўйича бухгалтерия ҳисобидаги маълумотларга асосланади, бу эса, мулк солиғи ва фойда солигини ҳисоблашда тўғридан-тўғри акс этади, яъни:

Ўзбекистон Республикаси солик кодексининг 417-моддаси 5-қисмига мувофиқ, юридик шахслар мулк солиғи бўйича аванс тўловларини тўлаш ҳолларида 2021 йил учун мулк солиғи бўйича маълумотномани тақдим этишлари зарур, унинг ичидаги барча маълумотлар МХҲСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобига асосланган бўлиши шарт (2021 йил мобайнида қайта ҳисобланган маълумотномани тақдим этиш лозим).

Консолидация ва уни қўллаб-қувватлаш хизмати мақсадлари учун ҳисобни юритишнинг ягона конфигурацияси ҳамда Гуруҳ маълумотларини бошқариш платформасини жорий этиш ва унга мослашиш учун техник базани яратиш(Гуруҳ корхоналари томонидан МХҲСнинг биринчи марта қўлланиш санаси 2.5-иловага мувофиқ келтирилган).

Гуруҳ корхоналари 1С платформаси негизида турли конфигурацияли дастурий таъминотлардан фойдаланишлари ҳисобга олинса (2.6-расм), уларга Гуруҳдаги барча корхоналар эҳтиёжларини инобатга олиб, МХҲСга мувофиқ ҳисоб юритиш мақсадида ишлатиладиган ягона конфигурацияни ишлаб чиқиш учун барча саъй-харакатлари ва молиявий ресурсларини бирлаштиришлари тавсия этилади. Маслаҳатчилар баҳоларига қўра, бугунги кунда Ўзбекистон бозорида МХҲСга мувофиқ ҳисобга олишни юритиш мақсадлари учун барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, хужжатли ҳисобга олиш кўринишидаги мослашган ечим (конфигурация), шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 4-

моддасида белгиланган унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисботларни тузиш мавжуд эмас.



2.6-расм. 1С маълумотлар базасининг умумий дастурний архитектураси³⁹.

“ИЭС” АЖ ва унинг шўъба корхоналари ҳамда ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби хизмати бўлимларини МХХС бўйича маслаҳатчилар тавсияларига мувофиқ таркибан қайта тузиш.

У МХХС талабларига мослашганидан кейин, намунавий дастурний таъминотни жорий этиш доирасида ушбу мутахассислар бевосита Гурухнинг барча корхоналарида МХХСга ўтиш бўйича тавсия этилган режага мувофиқ, МХХС бўйича маълумотлар асосида бухгалтерия ва солик ҳисобини юритишнинг амалий тажрибасига эга бўлиш мақсадида жорий этиш жараёнини мувофиқлаштиришлари лозим (МХХСга ўтиш бўйича тавсиявий режанинг 3- ва 4-босқичлари).

Шунингдек, жорий этиш босқичида хизматнинг барча ходимларини ҳар бир гурух мутахассислари учун алоҳида (уларнинг компетенциялари ва масъулиятларидан келиб чиқиб) ишлаб чиқилган дастур бўйича бухгалтерия ҳисобига мажмуавий ўқитишни назарда тутиш зарур.

Иккинчи босқич: Гурух консолидациялашган ҳисботини тайёрлаш мақсадлари учун ҳисобни юритишнинг ягона намунавий конфигурацияси (Гурухнинг алоҳида корхоналари учун бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ҳисоб тизими)ни ва мажмуавий автоматлаштирилган

³⁹ Муаллиф ишланмаси.

ечимни яратиш.

Гурухнинг алоҳида корхонаси томонидан МХХСга мувофиқ бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритиш мақсадлари учун ҳисобни юритишнинг ягона намунавий конфигурацияси (бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ҳисоб тизими)ни ишлаб чиқиши.

МХХС бўйича бухгалтерия ҳисоби ҳисобларининг ягона режаси ва солиқ ҳисоби ҳисобларининг ягона режасини ишлаб чиқиши.

МХХС асосида бухгалтерия ва солиқ ҳисобларини юритиш ҳамда уларни автоматлаштириш мақсадида Гурух МХХС бўйича ҳисоблар режасини ишлаб чиқиши зарур. Чунки, МХХС талабларида бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадлари учун бирон-бир ҳисоблар режасидан фойдаланиш бўйича регламент ва қоидалар мавжуд эмас, Гурухнинг ўзи уларни МХХСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисботда акс эттириш мақсадида маълумотларни умумлаштириш тузилмасини мустақил равишда белгилаш хукуқига эга. Бу МХХС (IAS) 1 “Молиявий ҳисботни тақдим этиш”да кўрсатилганидек, молиявий ҳисбот моддаларининг таркибий тузилишига мос равишда батамом янгича ҳисоблар режаси бўлиши мумкин, ёхуд, намунавий дастурий таъминотни ишлаб чиқиши охирига етказиш ва уни жорий этиш бўйича ишларни оптималлаштириш нуқтаи назаридан, аввалдан ишлатилаётган БХМС 21 “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” бўйича ҳисоблар режасини МХХС мақсадлари учун мослаштириш ҳам мумкин.

Бизнинг фикримизча, аввалдан ишлатилаётган дастурий таъминот негизида МХХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини тизимлаштириш ва уни автоматлаштириш мақсадларида МХХС бўйича Ҳисоблар режаси учун асос сифатида БХМС 21 “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” бўйича корхонанинг амалдаги ишчи ҳисоб режасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу намунавий дастурий таъминотни

мослаштириш (ишлаб охирига етказиши) жараёнини ҳам иш ҳажми ва муддатлари бўйича, ҳам уни фойдаланишга киритиш бўйича қисқартириш имконини беради (2.6- илова).

Гурухнинг консолидациялашган ҳисоботини тайёрлаш мақсадлари учун мажмуавий автоматлаштирилган ечимни ишлаб чиқиши.

Эталон корпоратив таснифлагичлар асосида МХХС бўйича консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш мақсадлари учун ахборотни киритиш ва умумлаштиришни назорат қилиш тартиб-таомилларини ҳисобга олиш ва ишлаб чиқиши қисмларининг таҳлили келтирилган (2.7-расм).

2.7-расм. МХХС бўйича консолидациялашган молиявий ҳисобот⁴⁰.


Ушбу босқичда Гурух корхоналари бухгалтерия ҳисобининг барча қисмларини таҳлил қилиш ва уларни МХХС (IFRS) 10 “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”га мос равишда қўйидаги тартиб-таомилларни амалга ошириш юзасидан таснифлаш зарур (2.8-расм).

Гурух корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби хизматлари персоналини ўқитиши.

Ҳисобга олишнинг бирхиллаштирилган автоматлаштирилган тизимини ва маълумотларни бошқаришнинг ягона платформасини тайёрлаш ва жорий

⁴⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

қилиш, шунингдек, жорий қилиш самарадорлигини ошириш доирасида Гуруҳ корхоналари бухгалтерия ҳисоби хизматлари персоналига МХХСга мувофиқ бухгалтерия ва солик ҳисобини юритиш концепциясига оид асос билимлар зарур бўлади.



2.8-расм. Консолидациялашган молиявий ҳисботга асосан тартиб-таомилларнинг тавсифланиши⁴¹.

МХХС талабларига мос равища ишлаб чиқилган намунавий дастурий таъминотни жорий қилишдан аввал, бухгалтерия ҳисоби хизматлари персоналига олдиндан тузилган дастур асосида ўқув курсини ўтиш тавсия этилди. Тузилган ўқув дастури ўз ичига ҳам ҳисобга олишнинг алоҳида қисмлари учун жавобгар мутахассисларни, ҳам раҳбарият таркибини ўқитишига мўлжалланган модулларни олиши лозим.

Ўқув модуллари Гуруҳ шўъба корхоналарининг ҳисоб сиёсати ва Гурухнинг ягона ҳисоб сиёсати талабларига мувофиқ равища ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

Учинчи босқич: Гурухнинг МХХС бўйича консолидациялашган ҳисботини тайёрлаш мақсадлари учун ҳисобни юритишнинг ягона конфигурацияси (бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ҳисоб тизими)ни ва мажмуавий автоматлаштирилган ечимни биринчи марта синовдан ўтказиш.

Ягона бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ҳисоб тизимини синов учун жорий этиш (“ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭМ” АЖ ва “Тошкент ИЭС” АЖ).

⁴¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Ҳисобни юритиш ва чораклик ҳисоботни тайёрлашнинг бориши. МХХСга мувофиқ бухгалтерия ва солик ҳисобини юритиш (“ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭМ” АЖ ва “Тошкент ИЭС” АЖ) мақсадлари учун бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ягона ҳисоб тизимини мослаштириш.

Ҳисобни юритиш ва алоҳида йиллик ҳисоботни тайёрлашнинг бориши. МХХСга мувофиқ бухгалтерия ва солик ҳисобини юритиш (“ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭМ” АЖ ва “Тошкент ИЭС” АЖ) мақсадлари учун бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ягона ҳисоб тизимини мослаштириш.

Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган ҳисботини тайёрлаш мақсадлари учун мажмуавий автоматлаштирилган ечимни синов учун жорий этиш (“ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭМ” АЖ ва “Тошкент ИЭС” АЖ).

Гурух корхонаси томонидан ҳисоб маълумотларини тақдим этиш (бўшатиш) регламенти ва ҳисботларнинг тегишли регламент шаклларини мослаштириш (созлаш, қўшимча созлаш ва ҳ.к.).

“ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭМ” АЖ ва “Тошкент ИЭС” АЖ бухгалтерия ҳисоби хизмати мутахассислари томонидан бирлаштирувчи компания ва ташқи маслаҳатчи-услубчилар билан биргалиқда Гурухнинг ушбу босқичи доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилади (2.9-расм):

Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган йиллик молизвий ҳисботини тайёрлаш мақсадлари учун Гурух алоҳида корхонасининг маълумотларини киритиш мажмудидан олинган кўрсаткичларни акс этиришининг тўғрилиги

Маълумотларни олиш ва кайта ишлашни назорат килиш тартиб-таомилларини таҳлил килиш, хато-камчиликлари ва номувофиликларини аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чикиш

Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган ҳисботини тайёрлаш мақсадлари учун мажмуавий автоматлаштирилган ечимни тўлиқ мослаштириш

2.9-расм. МХХСга мувофиқ консолидациялашган ҳисботни тайёрлаш мақсадлари учун мажмуавий автоматлаштирилган ечимни синов учун жорий этиш босқичлари⁴².

⁴² Муаллиф томонидан тузилган.

МХХСга мувофиқ 2022 йил учун дастлабки консолидациялашган ҳисботни тайёрлашнинг бориши.

“ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭМ” АЖ ва “Тошкент ИЭС” АЖ бухгалтерия ҳисоби хизмати мутахассислари томонидан бирлаштирувчи компания ва ташқи маслаҳатчи-услубчилар билан биргаликда Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган ҳисботини тайёрлаш мақсадлари учун мажмуавий автоматлаштирилган ечимни синов учун жорий этишнинг ушбу босқичи доирасида қуидаги ишлар амалга оширилади:

Гурухнинг 2022 йил учун МХХСга мувофиқ дастлабки консолидациялашган молиявий ҳисботини тайёрлаш ва Гурух алоҳида корхонасининг кириш мажмуидан олинган маълумотларни умумлаштиришни назорат қилиш;

Гурухнинг 2022 йил учун МХХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисботидан ЎзР ДСҚнинг 2020 йил 20 октябрдаги 3221-1-сон қарорига асосан 2022 йил учун МХХСга мувофиқ Маълумотномаларни тайёрлаш ва уларни шакллантиришни назорат қилиш.

Синов учун жорий этишда қатнашмаган Гурухнинг қолган корхоналари Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисботга маълумотларни киритиш мақсадлари учун ўз ҳисботларини ҳамда солиқса тортиш мақсадлари учун Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисботидан маълумотларни трансформация қилиш усули билан тайёрлашлари шарт.

Гурухнинг ягона ҳисоб сиёсати (хужжатнинг якуний варианти).

Ушбу босқичда синов учун жорий қилиш натижасида бартараф этилган барча камчиликлар тизимлаштирилади ва дастлабки варианти МХХСга ўтишнинг тавсия этилаётган режаси 2-босқичида кўрсатилганидек, “Гурухнинг ягона ҳисоб сиёсати” хужжати якуний версиясигача тўлдириб охирига етказилади.

Тўртинчи босқич: Гурухнинг МХХС бўйича консолидациялашган ҳисботини тайёрлаш мақсадлари учун ҳисобни юритишнинг ягона

конфигурацияси (бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ҳисоб тизими)ни ва мажмуавий автоматлаштирилган ечимни жорий этиш жараёнини якунлаш

Ҳисобни юритишнинг ягона конфигурацияси (бирхиллаштирилган автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими)ни тўлақонли жорий этиш.

Ушбу босқичларда корхона бошқа шўъба корхоналарида МХХСга мувофиқ бухгалтерия ва солик ҳисобини ташкил этиши, шунингдек, МХХСга мувофиқ автоматлаштириш, ишлаб охирига етказилган намунавий дастурий таъминот асосида чораклик ва йиллик молиявий ҳисботини тузиши зарур бўлади.

Қолган шўъба корхоналари томонидан ҳисобни юритиш ва алоҳида йиллик ҳисботни тайёрлашнинг бориши.

Қолган шўъба корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби хизматлари мутахассислари томонидан бирлаштирувчи компания ва ташқи маслаҳатчи-услубчилар билан биргаликда ишлаб охирига етказилган намунавий дастурий таъминотни жорий этишнинг ушбу босқичи доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

Гуруҳ алоҳида корхонасининг 2023 йил учун МХХСга мувофиқ алоҳида йиллик молиявий ҳисботини тайёрлаш ва МХХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштиришни назорат қилиш;

Гуруҳ алоҳида корхонасининг 2023 йил учун фойда солиги бўйича ҳисботини тайёрлаш ва МХХСга мувофиқ солик ҳисоби маълумотларини умумлаштиришни назорат қилиш;

Гуруҳ алоҳида корхонасининг 2023 йил учун МХХСга мувофиқ алоҳида ички идоравий йиллик ҳисботини тайёрлаш (молиявий ҳисбот асосида) ҳамда МХХСга мувофиқ бухгалтерия ва солик ҳисоби маълумотларини умумлаштиришни назорат қилиш;

2023 йил учун Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган йиллик молиявий ҳисботини тайёрлаш мақсадларида Гуруҳ алоҳида корхонасининг маълумотларига оид кириш ҳужжатларини тайёрлаш ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини шакллантиришни назорат қилиш;

Гурухнинг алоҳида корхонасининг 2023 йил учун тузилган алоҳида молиявий ҳисоботидан ЎзР ДСҚнинг 2020 йил 20 октябрдаги 3221-1-сон қарорига мувофиқ Маълумотномаларни тайёрлаш ва уларни шакллантиришни назорат қилиш;


Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган ҳисбботини тайёрлаш мақсадлари учун мажмуавий автоматлаштирилган ечимни жорий этиш жараёнини якунлаш;

Гурухнинг 2023 йил учун консолидациялашган ҳисбботини тайёрлашнинг бориши.

“ИЭС” АЖ ва қолган шўъба корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби хизматлари мутахассислари томонидан бирлаштирувчи компания ва ташқи маслаҳатчи-услубчилар билан биргаликда Гурухнинг МХХСга мувофиқ консолидациялашган ҳисбботини тайёрлаш мақсадларида мажмуавий автоматлаштирилган ечимни синов учун жорий этишнинг ушбу босқичи доирасида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

Гурухнинг МХХСга мувофиқ 2023 йил учун дастлабки консолидациялашган молиявий ҳисбботини тайёрлаш ва Гурухнинг алоҳида корхоналарининг кириш мажмуаларидаги маълумотларни умумлаштиришни назорат қилиш;

Гурухнинг 2022 йил учун МХХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисбботидан ЎзР ДСҚнинг 2020 йил 20 октябрдаги 3221-1-сон қарорига Маълумотномаларни тайёрлаш ва уларни шакллантиришни назорат қилиш.



2.10-расм. MXXC бўйича молиявий ҳисоботларни тузишда автоматлаштирилган дастурнинг ишлаш механизми⁴³.

⁴³ Муаллиф ишланмаси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, электр энергетикаси тармоғидаги корхоналарда МХХС бүйича молиявий ҳисоботларни тузища автоматлаштирилган дастурнинг ишлаш механизмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (2.10-расм). Ушбу автоматлаштирилган дастур иш самарадорлигини оширишга, вақт сарфини камайтиришга, эҳтимолий хатоларнинг олдини олишга, молиявий ҳисоботларнинг аниқлилиги ва тушунарлилигини оширишга хизмат қиласы.

Энергетика корхоналарида МХХСни жорий этиш жараёнини тизимли йўлга қўйиш ва зарур агрегатлардан самарали фойдаланиш бўйича чоратадбирлар режаси (йўл харитаси)ни ишлаб чиқишаётган корхона раҳбариятига тавсияларни ишлаб чиқиши.

Сўнгги йилларда “Иссиқлик электр станциялари” АЖда бухгалтерия фаолиятини ривожлантириш, уни моддий-техник базасини такомиллаштириш ва бухгалтерия ходимларини малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ёзувларини очиқлиги ва шаффофлиги асосий устувор вазифалардан ҳисобланади.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖда молиявий ҳисоботларни тузишини автоматлаштириш билан бир қаторда бухгалтерия ишчи счёtlарини такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ишчи счёtlарини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Счёtlар режасида 0300 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар” ажратилган. Бироқ мижозларга товарлар ёки хизматларни тарифлар билан тартибга солинадиган нархлар ёки ставкалар бўйича тақдим этганда юзага келадиган кечиктириш бўйича ҳисобкитоб қолдиқларини молиявий ҳисоботларда тақдим этишга қўйиладиган талабларни белгилайдиган счёtlарни очиш зарурати туғилади. Шу боисдан ишчи счёtlар режасида 0330 “Кечиктирилган тариф фарқлари счёtlари” ишчи счёtlарини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

0330-“Кечикирилган тариф фарқлари счёtlari” номли тавсия этилаётган ишчи счёtlar бўйича бухгалтерия ёзувлари⁴⁴

№	Хўжалик муомалаларининг мазмунни	Счёtlарнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Молиявий лизинг шартномаси бўйича кечикирилган тариф фарқлари ҳисобланди	0330	0112
2.	Тўланадиган молиявий ижара бўйича кечикирилган тариф фарқлари ҳисобланди	0330	7910
3.	Якуний молиявий натижা бўйича кечикирилган тариф фарқлари ҳисобланди	0330	9910
4.	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар бўйича кечикирилган тариф фарқлари ҳисобланди	0860	0330
5.	Устав капитални шакллантириш бўйича кечикирилган тариф фарқлари ҳисобланди	8420	0330

Юқорида қайд этиб ўтилган ишчи счёtlar акциядорлик жамиятлари томонидан тузиладиган молиявий ҳисбот таркибида кечикирилган тариф фарқлари бўйича аниқ акс эттириш ва ҳисбот маълумотлари шаффофлигини оширишга хизмат қиласди.

2.7-жадвал.

Ҳисботни МХХС шаклига ўтказиш босқичлари⁴⁵

Биринчи босқич	Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ молиявий ҳисботни шакллантиришга кўйиладиган талабларни МХХС қоидалари билан таққослаш ва умумлаштириш. Бунинг учун, БХМС талабларини МХХС (IAS) 1 “Молиявий ҳисбот тақдим этиш”, МХХС (IFRS) 7 “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот”, МХХС (IFRS) 1 “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандарти талаблари билан таққослаш ва батафсил ўрганиш зарур. Ушбу материалларни ўрганиш молиявий ҳисботни МХХС шаклига ўтказиш учун зарур молиявий ҳисбот кўрсаткичларини шакллантиришдаги фарқларни аниқлаш имконини беради.
Иккинчи босқич	Муайян корхонада бухгалтерия ҳисбони ташкил этиш хусусиятларини таҳлил қилиш: бухгалтерия ҳисоби ҳисоблари ва молиявий ҳисботни шакллантириш талаблари, БХМС бўйича ҳисоб сиёсати. Ташкилот ҳисоб сиёсати – бу ташкилот томонидан бухгалтерия ҳисбони юритиши усулларининг ўйинчиси, хусусан: хўжалик фаолияти фактларининг дастлабки кузатуви, киймат ўлчови, жорий гурухлаш ва якуний умумлаштириш. Ташкилот ҳисоб сиёсати таҳлили натижаларига қараб алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган ҳисоб қисмлари ажратилади, шунингдек, келгуси ишларнинг асосий йўналишлари белгилаб олинади.
Учинчи босқич	Иккинчи босқичда ўтказилган таҳлил асосида МХХС бўйича ҳисоб сиёсатини тузиш амалга оширилади.
Тўртинчи босқич	Жамият учун, тузатувчи ёзувлар рўйхатини шакллантириш учун тузилган МХХС бўйича ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисбони ташкил қилишдаги тафовутларни аниқлаш. Компания ҳисоб сиёсатининг аниқ бўлимлари солиштирилади, МХХС талаблари ва тамойилларига мувофиқлиги текширилади. МХХСнинг асосий тахминларига: иш ҳақи ёзиш ва фаолият узлуксизлигига риоя этишга катта эътибор қаратилади.
Бешинчи босқич	БХМС бўйича молиявий ҳисбот кўрсаткичларини тузатиш ва қайта таснифлаш (реклассификация), синаш учун белгиланган МХХС бўйича молиявий ҳисботни ва унга тушунтиришларни шакллантириш. Тузатиш киритувчи ўтказмалар тузилади, улар ўз иктисодий мазмуни бўйича МХХСнинг асосий тахминлари, тамойиллари, аломатлари ва чекловларига жавоб бериши лозим. Улар ҳар бир ҳисобнинг иктисодий мазмуни ва микдорий белгилари бўйича аҳамиятини халқаро бухгалтерия стандартлари талаблари даражасигача етказади. Қайта таснифлаш – бу маълумотларни ҳисботнинг битта моддасидан бошқасига кўчириш, кўпинча, тегишли моддадаги суммани ўзгартиришсиз қолдирган холда. Мисол сифатида узоқ муддатли кредитларнинг қисқамуддатли қисмларини қайта таснифлашни келтириш мумкин. МХХС бўйича тузилган ҳисботда улар қисқамуддатли мажбуриятлар сифатида акс эттирилади.
Олтинчи босқич	Инфляцияни ҳисбога олган холда ҳисбот кўрсаткичларини ўзгартириш, тўғрилаш.
Еттинчи босқич	МХХС бўйича шакллантирилган молиявий ҳисботни бошқа валютага ўтказиш. Валюта курслари ўзгаришларини ҳисбога олиш қоидалари МХХС (IAS) 21 “Валюталар алмашинув курслари ўзгаришларининг таъсири” да белгиланган.

⁴⁴ Муаллиф томонидан тузилган


⁴⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хисоботни МХХС шаклига ўтказиш босқичлари 2.7-жадвалда келтириб ўтилган.

Трансформация усулидан фойдаланган ҳолда хисоботни тузиш нафақат ўз кучи билан, балки ташқаридан мутахассисларни жалб қилған ҳолда ҳам амалга оширилиши мүмкін.

МХХСга биринчи марта ўтиш.

МХХСга биринчи марта ўтишда МХХС (IFRS) 1 “Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандарти қоидаларига риоя этиш зарур, бу бутунлай ретроспектив ёндашувни талаб этади (2.11-расм).



2.11-расм. МХХС (IFRS) 1 “Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандарти⁴⁶.

МХХСга биринчи марта ўтишда барча тузатишлар ўтиш санаси ҳолатига тақсимланмаган фойда устида (кириш балансида) амалга оширилади. МХХСга ўтиш санаси хисобот санасига қадар икки йил аввалги сана хисобланади. МХХС (IFRS) 1 “Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандартида ўтиш санасининг аниқ таърифи қуйидагича: “Компания ўзининг биринчи МХХС хисоботида МХХС бўйича таққослама маълумотларни тўлиқ тақдим этадиган даврнинг энг эрта бошланиш вақти”.

МХХС ҳам хисоботларнинг “юзида”, ҳам иловаларда барча моддаларни уларнинг ўтган давр учун тегишли таққослама маълумотлари билан биргалиқда тақдим этилишини талаб этади. Ҳеч бир рақам ўтган худди шу давр учун (мос равища: йил, ярим йил ёки чорак) бундай маълумотларсиз тақдим этилиши мумкин эмас. МХХС бўйича биринчи молиявий хисоботда

⁴⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ифодаланган барча даврлар учун ягона ҳисоб сиёсатидан фойдаланиш талаб этилади.

МХХСга тизимли ўтиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий қадамлар:

1. Ҳисоб сиёсати МХХС бўйича биринчи ҳисботда ҳисбот даврининг охирги санасига амалда бўлган стандартларга мувофиқ бўлиши шарт (ушбу мисолда ҳисоб сиёсати ўша стандартларнинг аввалги версияларига эмас, балки 2020 йил 31 декабрь ҳолатига амалда бўлган МХХСга мувофиқ бўлиши лозим).

2. Биринчи марта тайёрланган МХХС бўйича ҳисботга киритиш мақсадида МХХСга мувофиқ таққослама бухгалтерия баланси тайёрланиши лозим, бу таққослама маълумот МХХСга тўлиқ мувофиқ келиши шарт (яъни, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига).

3. Ўтиш санасига молиявий ҳисботнинг барча моддаларини тан олиш учун танланган ҳисоб сиёсати ва танланган баҳолаш усулларидан фойдаланиш зарур.

4. Танланган ҳисоб сиёсати барча тақдим этилган даврларда қўлланилиши лозим.

2.3. Жаҳон мамлакатларида аудиторлик фаолиятини ўрганиш тажрибаси

Европа акциядорлик компанияларида аудиторлик фаолияти акциядорлар, кредиторлар ва солиқ хизмати ходимлари ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал қилиб бериш зарурати туфайли шакллана бошлаган. Ўша пайтларда мустақил фаолият кўрсатиб, корхонанинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти тўғрисида аниқ хулоса берадиган мутахассисларга эҳтиёж кучайган. Натижада, 1862 йили Англияда, 1867 йили Францияда, 1937 йили эса АҚШда мажбурий аудит тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган. Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиёти ривожланган

мамлакатларда ўзининг ташкилий-хуқуқий инфратузилмаларига эга бўлган аудит институтлари фаолият кўрсатмоқда⁴⁷.

Аудиторлик фаолиятининг ривожланишига 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий таназзули катта туртки бўлди. Бу даврда акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг кўпчилиги инқирозга юз тутган. Натижада ҳисоботларни, хусусан, баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тасдиқлаш тартибини қатъий белгилаш, уларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини мустақил аудиторлар томонидан текшириш эҳтиёжи юзага келган⁴⁸.

Аудит XIX аср ўрталарида Шотландияда ҳам вужудга кела бошлаган. Шотландияда профессионал бухгалтерларнинг биринчи расмий бирлашмалари Қиролликнинг алоҳида фармонларига мувофиқ вужудга келган. 1854 йил 23 октябрда Эдинбург бухгалтерлар жамияти (The Society of Accountants of Edinburgh); 1855 йил 15 марта Глазго бухгалтерлар ва актуарийлар институти (The Institute of Accountants and Actuaries in Glasgow); 1867 йил 10 апрелда Абердин бухгалтерлар жамияти (The Society of Accountants in Aberdeen) ташкил этилган⁴⁹.

Буюк Британияда 2000 йиллар бошларига келиб, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги асосий “ўйинчилар” сифатида Англия ва Уэльс маслаҳатчи-бухгалтерлар институти (TCAEW), Шотландия маслаҳатчи-бухгалтерлар институти (ICAS), Ирландия маслаҳатчи-бухгалтерлар институти (ICAI) юзага чиқкан. Шотландия маслаҳатчи-бухгалтерлар институти дунёда энг биринчи тузилган бухгалтерлар касбий бирлашмаси ҳисобланади. 1854 йилдан мазкур Институтнинг барча битирувчилари маслаҳатчи-бухгалтер малакасига эга бўладилар (улар аудиторлик ҳисоботларига имзо қўйиш хуқуқига эга). Буюк Британияда сифат

⁴⁷ Дусмуратов Р. Аудит асослари. Дарслик. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. – Тошкент, 2013

⁴⁸ Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: Учебник. М.: ИНФРА-М, 2012. 448

⁴⁹ Дусмуратов Р., Аудит. (ўкув-услубий қўлланма). 2010 йил.

назоратини амалга ошириш мақсадида Бирлашган мониторинг бўлими (JMO) ташкил этилган ва унда 48 нафар мутахассис фаолият олиб боради (2.12-расм).



2.12-расм. Буюк Британиянинг асосий бухгалтерия ва аудиторлик фаолияти назоратини олиб борувчи жамоатчилик ташкилотлари⁵⁰.


Бугунги кунга келиб, Буюк Британияда 5007 та аудиторлик фирмалари рўйхатдан ўтган. Бозорнинг 60% идан зиёд қисми энг йирик 10 та аудиторлар ҳиссасига тўғри келади. Колган аудиторлик фирмалари бошқа тоифали мижозлар билан ишлашдан даромад топади ва касбий хизматларни тақдим этади, бу эса, умуман бизнеснинг ривожланишига хизмат қилади. Халқаро касбий бирлашмаларда ташқи сифат назорати тизимлари мавжуд. Махсус назоратчилар аудиторлар ишини мунтазам кузатиб борадилар. Қоидага кўра, текширув аудит якунланганидан кейин ўтказилади. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, ташқи сифат назорати бирлашмалар аъзолари ўртасида интизомни оширади.

1844 йилда Англияда акциядорлик компанияларининг бухгалтерия ҳисобларини, акциядорларга тақдим этиладиган ҳисботларни йилига камида бир марта мустақил бухгалтерлар мажбурий текширувидан ўтказишини талаб қиласиган қонунлар чиқарилган. Шундай қилиб, дастлаб аудиторлик вазифалари аниқ белгиланмаган бўлиб, барча инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар аудиторларни ўзларининг ҳимоячиси сифатида қабул қилганлар.

АҚШда аудиторлик иши аудитнинг британча амалиёти таъсири остида пайдо бўлган. Америкалик муаллиф Уильям Стемберг тўғридан-тўғри ишора қилиб, шундай ёзади: “Аудитнинг функцияси Кўшма Штатларга XIX аср охирида британиялик бухгалтерлар томонидан олиб келинган”. Англиялик темирйўлчилар, сугурта компаниялари ва бошқа инвесторлар Шимолий Америкага йўл олишганида, улар билан бирга, мустақил аудиторлар ҳам йирик

⁵⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

англиялик инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида боришган. XX аср бошига қадар АҚШда аудит баланс маълумотларини батафсил текширишни назарда тутадиган ноинглизча моделга асосланган бўлган. АҚШда аудиторлар З турдаги сертификатланадиган мутахассисликларга ажратилади (2.13-расм):



2.13-расм. АҚШда аудиторлар сертификатланадиган мутахассисликлар⁵¹.

Штатдан амалиёт юритишга лицензия олиш ва “маслаҳатчи-бухгалтер” хукуқини қўлга киритиш учун, даъвогар ҳар ярим йилда ўтказиладиган имтиҳондан ўтиши лозим. Мазкур имтиҳон Имтиҳон комиссияси томонидан май ва ноябрь ойларида бутун АҚШ худудларида бир вақтнинг ўзида ўтказилади. Имтиҳон таълим ва тажриба даражаси бўйича Комиссия талабларига жавоб бериши лозим. У барча штатларда қўйидаги 4 та фан бўйича ўтказилади:

1. Бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиёти – номзодларнинг бухгалтерия ҳисоби тамойиллари бўйича билимларини текшириш.
2. Бухгалтерия ҳисоби амалиёти – номзодларнинг бухгалтерия ҳисоби тамойиллари, меъёрий хужжатлар талаблари, ҳисобот тузиш техникаси, федерал солиқ ҳисоботи тамойиллари ва тартиб-таомилларини қўллаш қобилиятини текшириш.
3. Аудит – номзодларнинг касбий мажбуриятлар, тартиб-таомилларнинг аудиторлик стандартлари, маслаҳатчи-бухгалтерлар томонидан тақдим этиладиган ноаудиторлик хизматлари стандартларининг бажарилиши юзасидан билимларини текшириш.
4. Конунчилик – номзодларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитга тегишли чора-тадбирларнинг юридик мазмуни, шунингдек, аудиторларнинг юридик жавобгарлиги юзасидан билимларини текшириш.

⁵¹ Муаллиф томонидан тузилган.

АҚШда аудиторлик фирмаларининг тўрт тоифа бўйича тақсимланиши (2.14-расм).



2.14-расм. АҚШда аудиторлик фирмаларининг тўрт тоифа бўйича тақсимланиши⁵².

Германияда аудиторлар касбий ўзини ўзи бошқариш ташкилоти – Аудиторлар палатаси барча аудиторлар, бухгалтерия китобларини текширувчи маслаҳатчи-тафтишчилар, бухгалтерия китоблари тафтиши бўйича аудиторлик фирмалари ва жамиятларининг касбий манфаатларини ифода этади, шунингдек, улар томонидан касбий мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боради. Аудиторлар палатаси федерал ерларда 7 та вакилликларга эга бўлиб, улар марказий ваколатхонага ёрдам беради, лекин юридик жиҳатдан мустақил бўла олмайди.

Россияда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши барча мамлакатлардаги сингари акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши, шунингдек, кредит капиталини жонлантириш ва фонд бозорини фаоллаштиришга қаратилган банк ислоҳотларининг ўtkазилиши билан боғлиқ бўлиб, бу охир-оқибат, замонавий тусда талқин қилинаётган аудитнинг шаклланишига олиб келди.


Ҳозирги кунда аудиторлик фаолияти 2008 йил 30 декабрда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 307-ФЗ-сон Федерал қонун, шунингдек, давлат томонидан ва касбий жиҳатдан тартибга соладиган бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун муҳим меъёрий хужжат бўлишига қарамасдан, ушбу фаолиятга қўйиладиган асосий талаблар фақат у билан белгиланмайди. Ҳозирги вақтда Россияда аудиторлик фаолиятини аралаш шаклда тартибга солиш концепцияси қабул қилинган ва уни тартибга

⁵² Муаллиф томонидан тузилган.

солишининг барча асосий элементлари қонун билан мустаҳкамланган. Аудиторлик фаолиятини аралаш тартибга солиш тизими нафақат давлат тузилмалари томонидан қабул қилинадиган қонун ва қонуности ҳужжатлари билан, балки жамоатчилик ташкилотларининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳам амалга оширилади.

Россия аудитни ҳуқуқий тартибга солиш тизимидағи меъёрий ҳужжатларни 4 та даражага ажратиш мүмкін (2.15-расм).



2.15-расм. Россияда аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими.⁵³

Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларини тавсифлар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи федерал орган, аввал бошидан, Россия Молия вазирлиги ҳисобланади. Унинг маълумотларига кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига аудиторлик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берадиган лицензияга 4,1 минг аудиторлик ташкилотлари ва 600 га яқин якка тартибдаги аудиторлар (тадбиркорлар) эга бўлган (2.8-жадвал).

⁵³ Муаллиф томонидан тузилган.

2.8-жадвал.

Россия Федерациясида аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг сони⁵⁴

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сони / йиллар (минг бирликда)	2015	2016	2017	2018	2019
Аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчилар	5,1	5,0	4,8	4,7	4,4
Аудиторлик ташкилотлари	4,4	4,4	4,2	4,1	3,9
Аудиторлар	19,7	19,6	19,6	19,5	18,8
Индивидуал аудиторлар	0,7	0,6	0,6	0,6	0,6

2.8-жадвал маълумотларидан 2015-2019 йилларда Россияда аудиторлик ташкилотлари ва якка тартибдаги аудиторларнинг камайиш тенденциясини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби аудиторлик ташкилотларига талаб кучайганлиги, соғлом рақобат ва аудиторлик ишининг сифатига аҳамият берилишидир.

Россия Федерациясининг умумий аудиторлик фаолияти таснифланиши 2.9-жадвалда келтириб ўтилган.

2.9-жадвал.

Россия Федерациясининг умумий аудиторлик фаолияти⁵⁵

Аудиторлик фаолияти	Ташки Ички
Ташки	Мажбурий Ташаббус тарзидаги
Аудит хизматлари	Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш Молиявий ҳисбот тузиш Солик ҳисобини ташкил этиш ва юритиш Молиявий менежмент бўйича маслаҳатлар

Россия Федерациясида Молия вазирлиги ва Аудиторлар палатаси аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи давлат органлари ҳисобланади. Шунингдек, умумий аудиторлик фаолияти билан бир қаторда, давлат миқёсида давлат мулки, бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини текшириш мақсадида давлат аудити ҳам юритилади.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, Россия Федерациясида аудиторлик


⁵⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

⁵⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

фаолиятининг умумий аудит ва давлат аудитлари ташкил этилган, қонун ва меъёрий хужжатлар халқаро стандартлар асосида қабул қилинган. Умумий аудит тизимида мажбурий аудиторлик текшируви салмоқли ўринни эгаллайди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташаббус тарзидаги аудит текширувига қизиқиш жуда кам. Аудиторлик бозорида касбга доир профессионал хизматлар улуши юқори эмас, унда асосий улушни “катта тўртлик” компаниялари эгаллаган.


Озарбайжон Республикасининг 1994 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Аудиторлик хизмати тўғрисида”ги 882-сон Қонунига мувофиқ, мамлакат ҳудудида аудиторлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ташкил этилган.

Ушбу соҳада Озарбайжон Республикасида амал қилаётган ва аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ва меъёрий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; давлат, хўжалик обьектлари ва аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг манфаатларини ҳимоя қилиш; аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг “Аудиторлик хизмати тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, бошқа қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий хужжатлардан келиб чиқадиган талабларга риоя этишларини назорат қилиш мақсадида Озарбайжон Республикаси Аудиторлар палатаси тузилган. Озарбайжон Республикаси Аудиторлар палатаси мустақил молиявий назорат органи ҳисобланади. Аудиторлар палатасининг асосий мажбуриятига республикадаги барча хўжалик юритувчи субъектларда, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, молиявий ва бухгалтерия ҳисобини аниқ ва ишончли юритилишини таъминлаш, шунингдек, унинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ чора-тадбирларни амалга ошириш киради (2.16-расм).



2.16-расм. Озарбайжон Аудиторлар палатасининг асосий функциялари⁵⁶.

Озарбайжонда аудиторлик хизматлари, гарчи уларнинг қўлланишида муайян муаммолар бўлса-да, тезкор суръатлар билан ривожланмоқда. Муаммоларни ҳал қилишга аудиторлик хизматлари бозорида рақобатчилар сафининг кенгайиши таъсир қиласди, яъни аудиторлар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Шундай қилиб, бизнингча, аудитда ўзгаришлар бўлиши зарурлиги тўғрисидаги масала фақат ижобий характерга эга. Озарбайжон Республикасида мажбурий, ҳалқаро ва солиқ аудит бозориларига бўлинади (2.17-расм).



2.17-расм. Озарбайжон Республикасида аудит бозори⁵⁷.

Бизнинг фикримизча, Озарбайжонда аудиторлик фаолияти тўлиқ Аудиторлар палатаси томонидан назорат қилинади. Аудиторлар палатаси мустакил давлат органи бўлиб, аудиторларни сертификатлаш, аудиторлик ташкилотларини назорат қилиш, меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллатириш каби функцияларни бажаради. Умуман олганда, аудиторлик фаолияти Озарбайжон иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

⁵⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

⁵⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда Қозоғистонда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар, аудиторлар, аудиторлик ташкилотлари ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати Қозоғистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади. Ушбу қонунга мувофиқ, аудит – молиявий ҳисоботларни тузиш тўғрисидаги мустақил фикр ва молиявий ҳисбот билан боғлиқ бошқа маълумотларни баён қилиш мақсадида ўтказиладиган текширув. Ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳисботи ўзида унинг молиявий ҳолати, активлари ва мажбуриятларининг мавжудлиги, даромадлилиги, ўз капиталига эгалиги тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради. Ҳисботдан фойдаланувчилар шу ва бошқа маълумотлар асосида нафақат ташкилотнинг мулкий ҳолати, балки унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳам тегишли хulosаларни чиқаришлари мумкин. Бунда аудитор томонидан тасдиқланган ҳисботлар анча ишончли бўлади, бу молиявий ҳисботга ишончни ортиради.

Аудит тўғрисидаги иккинчи қонуннинг ўз вақтида қабул қилинганлиги республикадаги аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг ҳақиқий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилди. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ, республика ва худудий аудиторлар палаталарини тузиш, тафтиш комиссиясини сайлаш, аудиторларни аттестациядан ўтказиш бўйича малака комиссиясини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ўтказилди.

Бугунги кунга келиб, мамлакатда 100 дан ортиқ аудиторлик фирмалари ва якка тартибдаги мустақил корхоналар фаолият олиб бормоқда, уларда 3000 дан зиёд мутахассислар ишлайди. Истиқболда аудиторлик иши бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёж янада ортади. Республика Аудиторлар палатасининг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатда аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар сони 30 мингга яқин бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳукуқий асоси Қозоғистон Республикаси

Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, Солиқ кодекси, “Банкротлик тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари тўғрисида” ва “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, Қозоғистон Республикасининг компаниялар, фирмалар ва бошқа тижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатларида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бугунги кунга келиб, мамлакатда аудиторлик фаолияти кенг ривож топди. Эндиликда аудит фақат пуллик хизматларни кўрсатибгина қолмасдан, балки муҳим ижтимоий функцияни ҳам бажармоқда, яъни у мўътадил иқтисодий муносабатларнинг юзага келишига хизмат қиласди (2.10-жадвал). Аудиторлик текширувлари молиявий фаолият таҳлили билан биргаликда яхшигина рентабелликка эга.

2.10-жадвал.

Қозоғистонда аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар⁵⁸

№	Хизматлар тури
1.	Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, тиклаш ва юритиш, молиявий ва статистик ҳисботларни тузиш
2.	Соликни режалаштириш, бюджетга мажбурий тўловларни ҳисоблаш, солик декларацияларини тўлдириш
3.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳдил қилиш
4.	Молиявий, солик, банк ва бошқа хўжалик фаолиятига оид қонунчилик масалалари бўйича маслаҳат ва ахборот бериш хизматини ташкил этиш
5.	Кўйимча қасбий таълим сифатида бухгалтерия ҳисоби, соликка тортиш, аудит ва молиявий хўжалик фаолияти таҳлили бўйича ўқитиш
6.	Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича тавсиялар, ҳисоб юритишнинг автоматлаштирилган усулини ўргатиш
7.	Бухгалтерия ҳисоби, соликка тортиш, хўжалик хуқуки бўйича илмий ишланмалар, услубий қўлланмалар ва йўриқномаларни нашр этиш
8.	Бизнесни баҳолаш, баҳолаш фаолияти, кимматли қоғозлар бозоридаги фаолият
9.	Адвокатлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган юридик хизматларни кўрсатиш

Шундай қилиб, 2008 йилгача Қозоғистонлик аудиторлик компаниялари аудиторлик бозорининг барқарор ва қулай ривожланиши шароитида фаолият олиб борган. Бу, энг аввало, қуйидагиларга зарур шарт-шароитни яратди:

таркибан тартибли тузилган меъёрий-хуқуқий базанинг шаклланиши (“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Қонунининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши);

МХХС форматида ҳисботларни тайёрлаш бўйича маслаҳатларни тақдим этишга тааллуқли хизматлар рўйхатининг кенгайиши, бу бўйича ўқув

⁵⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

семинарларининг ўтказилиши;

аудиторлик компаниялари ходимларининг малака даражасини аудитор лавозимиға қўйиладиган минимал талабларни ошириш йўли билан кўтариш;

аудит бозори географиясининг кенгайиши натижасида мажбурий аудит ўтказилиши лозим бўлган минтақавий компанияларнинг ривожланиши юз берди, бунинг оқибатида эса, аудиторлик компаниялари мажбурий аудитни ўтказиш учун ўзларининг филиал ва вакилликларини оча бошлади.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Конунининг 2006 йил 5 майдаги таҳририда белгиланишича, Қозоғистонда аудит мамлакат қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда Халқаро аудит стандартларига мувофиқ амалга оширилади, Халқаро бухгалтерлар федерацияси хузуридаги Халқаро аудиторлик амалиёти қўмитасидан Қозоғистон Республикасида уларни расман нашр этишга ёзма руҳсатнома олган ташкилот томонидан давлат ва рус тилларида чоп этилади. Бундай хуқуққа эса Халқаро бухгалтерлар федерациясининг ҳақиқий аъзоси ҳисобланган профессионал аудиторлик ташкилоти – Қозоғистон Республикаси Аудиторлар палатаси тўлақонли эгалик қиласи.

Ҳозирги кунда Қозоғистон аудиторлик хизматлари бозорида 165 та аудиторлик ташкилотлари ва 513 нафар якка тартибдаги аудиторлар, бундан ташқари, хорижий компаниялар, шу жумладан, “Deloitte”, “Ernst&Young”, “KPMG”, “PricewaterhouseCoopers” каби қитъалараро аудиторлик-консалтинг корпорациялари фаолият юритади.

Тадқиқотлардан маълум бўлди, Қозоғистон Республикасида охирги йилларда аудиторлик фаолияти янги поғонага қўтарилди. Халқаро аудит стандартларига ўтилиши ва аудиторларга бўлган талабнинг ортиши аудиторлик фаолияти ривожланишига катта туртки бўлди. Қозоғистонда аудиторлик фаолияти Молия вазирлиги ва Аудиторлар палатаси томонидан назорат қилинади. Сўнгти йилларда Қозоғистон иқтисодиёти ва экспорт салоҳияти жадал суръатлар билан ўсмоқда, бу ҳолат, ўз навбатида, аудиторлик фаолияти замон талабларига мос равишда ривожланишини тақозо этади.

Шундай қилиб, МДХ давлатлари, хусусан, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда аудиторлик фаолияти бозор иқтисодиётининг шаклланишига, капитал мулкдорликнинг турли шакллари пайдо бўлишига қараб ривожланиб бормоқда. Ушбу мамлакатларда аудиторлик фаолияти аудит бўйича маҳсус қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар орқали тартибга солинади (2.11-жадвал).

2.11-жадвал.

МДХ давлатларининг аудиторлик фаолиятининг таққослама жадвали⁵⁹

	Умумий кўрсаткичлар / йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Россия	Аудиторлик ташкилотлари сони	4,4	4,4	4,2	4,1	3,9	3577
	Аудиторлар сони	19,7	19,6	19,6	19,5	18,8	17,5
	Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари (млн АҚШ доллар)	748,9	762,2	739,5	780,0	819,0	850,0
	Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	71841	74537	78087	78688	79528	80544
Озарбайжон	Аудиторлик ташкилотлари сони	60	67	80	95	123	131
	Аудиторлар сони	1553	1590	1650	1702	1750	1823
	Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари (млн АҚШ доллар)	30,1	33,4	38,5	43,8	42,9	46,3
	Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	45001	67522	55006	43200	46282	48065
Қозоғистон	Аудиторлик ташкилотлари сони	130	136	142	142	145	156
	Аудиторлар сони	1381	1406	1450	1500	1605	1658
	Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари (млн АҚШ доллар)	28,0	29,9	31,1	32,3	35,0	38,9
	Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	7565	8001	8890	9150	9500	9981
Беларусь	Аудиторлик ташкилотлари сони	69	70	73	75	80	83
	Аудиторлар сони	1250	1290	1302	1360	1394	1423
	Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари (млн АҚШ доллар)	21,3	25,4	26,3	28,0	30,2	32,6
	Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	4830	4903	4950	5001	5044	5102
Ўзбекистон	Аудиторлик ташкилотлари сони	103	101	102	96	99	650
	Аудиторлар сони	624	616	649	558	572	96
	Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари (млн АҚШ доллар)	4,2	5,4	5,9	12,6	11,8	18,7
	Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	4890	4980	5054	5214	5467	5098

Юқоридаги жадвалда 2020 йил якунларига кўра МДХ давлатлари бўйича аудиторлар сони, аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг даромадлари ҳамда аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони ўзаро таҳлил қилинган. Ривожланган давлатларининг аудиторлик фаолияти, аудит бозори, аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган турдош хизматлар таҳлил қилинди (2.12-жадвал.).

⁵⁹ А.Сатторовнинг “Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзинган диссертация авторефератидан фойдаланган холда муаллиф томонидан такомиллаштирилган.

2.12-жадвал.

Ривожланган давлатларда аудиторлик фаолиятининг тавсифланиши⁶⁰

Кўрсаткичлар	Англия	Франция	Германия	АҚШ	Канада	Япония	Жанубий Корея	Россия	Озарбайжон	Қозогистон
Асосий қонун ва меъёрий-хукуқий хужжатлар	“Компаниялар тўғрисида”ги Конун	1969 йил 12 авгуустда қабул қилинган Декрет	“Аудиторларнинг профессионал Низоми тўғрисида”ги Конун	Бутун мамлакат учун ягона қонун хужжатлари мавжуд эмас	“Бош аудитор тўғрисида”ги Конун	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конун	Тижорат кодекси	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конун	“Аудиторлик хизмати тўғрисида”ги Конун	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конун
Аудиторлик фаолиятини тартибга содувчи органлар	Дипломли бухгалтерлар ва аудиторлар кўмитаси	Адлия вазирлиги, Миллий тафтишчилар палатаси	Аудиторлар палатаси	Молия вазирлиги ва жамоат бирлашмалари	Бош аудитор бошкармаси	Молия вазирлиги	Аудит кенгаши	Молия вазирлиги, Аудиторлар палатаси	Аудиторлар палатаси	Молия вазирлиги
Аудит стандартлари	Миллий	ХАС	ХАС	Миллий	Миллий	Миллий	Миллий	ХАС	ХАС	ХАС
Стандартни тасдиқловчи ташкилот	“ACCA” профессионаллар ташкилоти	Аудиторлар олий кенгashi	Аудиторлар палатаси	Молия вазирлиги	Бош аудитор бошкармаси	Молия вазирлиги	Сертификатланган бухгалтерлар институти	Молия вазирлиги	Аудиторлар палатаси	IFAC
Лицензия берувчи ташкилот	Молия вазирлиги	Аудиторлар олий кенгashi ва Молия вазирлиги	Аудиторлар палатаси	Молия вазирлиги профессионал ташкилотлар билан биргаликда	Бош аудитор бошкармаси	Молия вазирлиги	Сертификатланган бухгалтерлар институти	Молия вазирлиги	Аудиторлар палатаси	Молия вазирлиги
Назорат килувчи ташкилот	Молия вазирлиги	Адлия вазирлиги	Иқтисодиёт вазирлиги	Молия вазирлиги ва жамоат бирлашмалари	Бош аудитор бошкармаси	Молия вазирлиги	Аудит кенгаши	Молия вазирлиги, Аудиторлар палатаси	Аудиторлар палатаси	Молия вазирлиги, Аудиторлар палатаси
Аудиторларга кўйиладиган талаблар	Молия, бухгалтерия ёки бошкарув бизнеси мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини тутатган бўлиши	Олий маълумотга эга бўлиши ёки камида 15 йил тадбиркорлик билан шугуулланган бўлиши	Иқтисод, хукукшунослик ёки техника мутахассислиги бўйича олий маълумотга ва аудит тизимида 4 йиллик иш стажига эга бўлиши	Коллежда бухгалтерия хисоби мутахассислиги бўйича 4-5 йил ўкиши, бухгалтерия сертификати учун давлат имтихонини топшириши	Университет дипломи, сертификатланган бош бухгалтер (CGA) макомига эга бўлиши	Олий маълумотли, малака имтихонларини топширган бўлиши	Коллежда бухгалтерия хисоби мутахассислиги бўйича ўрта ёки олий маълумотга эга бўлиши ва охирги 3 йилда иқтисодиёт ёки аудит тизимида фаолият юритган бўлиши	Иқтисод ёки хукукшунослик мутахассислиги бўйича ўрта ёки олий маълумотга эга бўлиши ва охирги 3 йилда иқтисодиёт ёки аудит тизимида фаолият юритган бўлиши	Бухгалтерия, иқтисодиёт, молия ёки хукукшунослик мутахассислиги бўйича ўрта ёки олий маълумотга эга бўлиши ва охирги 3 йилда иқтисодиёт ёки аудит тизимида фаолият юритган бўлиши	Иқтисод ёки хукукшунослик мутахассислиги бўйича ўрта ёки олий маълумотга эга бўлиши ва охирги 3 йилда иқтисодиёт ёки аудит тизимида фаолият юритган бўлиши

⁶⁰ А.Сатторовнинг “Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш” мавзуусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзинган диссертация авторефератидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан такомиллаштирилган.

Илмий тадқиқотлардан маълум бўлдики, биз ўрганган МДХ давлатлари халқаро аудит стандартлари асосида фаолият олиб боради.

Биз Европа, Америка, Осиё ва МДХ мамлакатларининг аудиторлар жамоат бирлашмаларини тадқиқ этиш натижасида, ушбу минтақа мамлакатларида аудиторлик фаолиятини давлат органлари ва жамоат бирлашмалари биргаликда назорат қилишини ўрганиб чиқдик. Фикримизча, жаҳон тажрибасини таҳлил натижасида мамлакатимизда ҳам аудиторлар жамоат бирлашмалари ваколатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот давомида жаҳон мамлакатларида аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш бўйича йиллар оралиғи таҳлил қилинди. Жумладан, Германия ва Италия давлатларида 2 йилда, АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Қозоғистон давлатларида 3 йилда ва Канада давлатида 4 йилда текширув олиб борилиши маълум бўлди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолияти янги поғонага кўтарилиди. Халқаро аудит стандартлари асосида фаолият олиб бориш аудиторларга муайян масъулиятни юклайди. Бизнингча, аудиторлик ташкилотларига индивидуал аудиторларни, шунингдек, САР, СИРА ва ACCA халқаро сертификатларига талабгорларни тайёрлаш ва ўқитишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу, ўз навбатида, аудиторлик ташкилотлари учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Халқаро сертификатга эга аудиторларга бўлган талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда, аудиторлик ташкилотларининг ўқув курсларидан келадиган даромадларини солиқ солиш базасидан 3 йил муддатга озод қилинишини таклиф қиласиз.

II боб бўйича хулосалар

1. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) – бу ташкилотлар молиявий ҳисботларининг мазмуни ва уларни тайёрлашга талабларни белгилайдиган ягона стандартлар ҳамда уларга қўшимча

хужжатлардир.

2. Америка, Осиё ва МДХ мамлакатларининг аудиторлар жамоат бирлашмаларини тадқиқ этиш натижасида, ушбу минтаقا мамлакатларида аудиторлик фаолиятини давлат органлари ва жамоат бирлашмалари биргаликда назорат қилишини ўрганиб чиқдик. Фикримизча, жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш натижасида мамлакатимизда ҳам аудиторлар жамоат бирлашмалари ваколатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

3. Ҳозирги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолияти янги поғонага кўтарилиди. Халқаро аудит стандартлари асосида фаолият олиб бориш аудиторларга муайян масъулиятни юклайди. Бизнингча, аудиторлик ташкилотларига индивидуал аудиторларни, шунингдек, САР, СИРА ва АССА халқаро сертификатларига талабгорларни тайёрлаш ва ўқитишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу, ўз навбатида, аудиторлик ташкилотлари учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Халқаро сертификатга эга аудиторларга бўлган талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда, аудиторлик ташкилотларининг ўқув курсларидан келадиган даромадларини солиқ солиш базасидан 3 йил муддатга озод қилинишини таклиф қиласиз.

4. Бизнинг фикримизча, аввалдан ишлатилаётган дастурий таъминот негизида МХХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини тизимлаштириш ва уни автоматлаштириш мақсадларида МХХС бўйича Ҳисоблар режаси учун асос сифатида БХМС 21 “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” бўйича корхонанинг амалдаги ишчи ҳисоб режасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу намунавий дастурий таъминотни мослаштириш (ишлаб охирига етказиш) жараёнини ҳам иш ҳажми ва муддатлари бўйича, ҳам уни фойдаланишга киритиш бўйича қисқартириш имконини беради.

5. МХХС асосида тузилган ҳисботда натижалар бошқача бўлиши мумкин. Унинг ижобий жиҳатлари шундаки, бунинг натижасида шаффофликни ошириш, ҳисботнинг ахборот мазмуни ва кўрсаткичларнинг

таққосланувчанлигини ошириш, компания фаолиятини таҳлил қилиш имкониятларини күпайтириш, халқаро капитал бозорларига киришни осонлаштириш мумкин. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳисоботнинг тайёр бўлиши ҳали инвестициялар оқимини кафолатламайди. Ҳозирги кунда МХХСга ўтиш масаласи кўплаб миллий компаниялар учун долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу жараённи соддалаштириш учун алоҳида босқичларда соддалаштирилиши мумкин бўлган “МХХСни ташкилотга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиши зарур.

ШІ БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ ҮТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Акциядорлик жамиятларида күрсатиладиган аудиторлик хизматлари таркибини ривожлантириш

Бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам меъёрий-хуқуқий базаси яратилди. Аудиторлик хизматлари бозорини шакллантириш, унинг ривожланишига қулай шароитлар яратиш, соғлом рақобатни кучайтириш учун ўзига хос муҳит яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Конунига асосан, аудиторлик ташкилотлари қуидаги турдош хизматларни күрсатиши мумкин:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш, шу жумладан молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш;

юридик шахснинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси), инвестиция активларини ишончли бошқарувчи вазифаларини амалга ошириш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;

аудиторлик ташкилотининг штатида солиқ маслаҳатчиси мавжуд бўлганда ёхуд шартнома шартлари асосида уни жалб этган ҳолда, солиққа оид қонунчиликни қўллаш, солиқлар ва йигимлар бўйича ҳисоб-китоблар, декларациялар тузиш юзасидан маслаҳатлар бериш;

молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, шу жумладан бизнес-режалар тайёрлаш, иқтисодий, молиявий маслаҳат ва бошқарувга оид маслаҳат бериш;

бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий ҳисобот, солиқ солиш, молия-хўжалик фаолиятини ҳамда молиявий режалаштиришни таҳлил қилишга доир семинарлар, конференциялар үтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш ва молиявий

хисобот тузиш, молиявий ахборотнинг ахборот хавфсизлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши⁶¹.

Иқтисодчи А. Исаян таъкидлашича, “Аудиторлик хизмати хизматларнинг умумий белгиларига жавоб бериши шартлиги туфайли, “аудиторлик хизматлари” ва “аудиторлик фаолияти” тушунчаларининг айнанлаштирилишига йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисидаги хulosага келинди. Охирги тушунча ўзида бевосита аудиторлик хизматларини кўрсатишдан ташқари, рўйхати “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонунда белгиланган бошқа хизматларни кўрсатиш, шунингдек, аудиторлик касбига кириш ва аудиторлик хизматини кўрсатишга рухсат беришдаги муайян тартиб-таомилларнинг бажарилишини, хусусан: аудитор малака аттестатини олиш, аудиторлар ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига кириш ва шу кабиларни ҳам ифодалайди”⁶².

Иқтисодчи Е. Чепурновнинг фикрига кўра, “Аудиторлик хизматининг сифати ҳам аудиторлик компанияси персоналини тайёрлаш даражаси юқори бўлишини тақозо этади, бунда мустақил аудиторлар бозорида мавжуд бўлиш аудиторлик хизматларини юқори даражадаги ликвидли товар сифатида акс эттиради, бу эса, мижозга ўзига энг муносиб аудиторни танлаш имконини беради. Шундай қилиб, аудит сифати аудиторлик компанияларида ички тартибга солиш обьектига айланади. Бозор, аудиторлар ва мижозлар билан бир қаторда, давлат ва ташқи ахборот фойдаланувчилари ҳам аудиторлик хизматларининг сифатига юқори даражали талабларни қўяди, чунки айнан аудиторлик текширувлари натижасида эҳтимолий солиқ бузилишлари аниқланади ва иқтисодий жараёнларнинг алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга салбий таъсирини камайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилади”⁶³.

⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРК-677-сон Конуни. <https://lex.uz> ›

⁶² Исаян, Александр Артурович. Правовое регулирование оказания аудиторских услуг по законодательству Российской Федерации. // кандидат юридических наук // 2015 г.

⁶³ Чепурнова, Елена Игорьевна. Повышение качества оказания аудиторских услуг. Статья-<https://economy-lib.com/povyshenie-kachestva-okazaniya-auditorskih-uslug>

Иқтисодчи А. Марьиннинг фикрича, “Аудиторлик фаолияти, кенг маънода, ўзида нафақат юридик шахслар (аудиторлик ташкилотлари, аудит ўтказиладиган шахслар), якка тартибдаги тадбиркорлар (аудиторлар, аудитдан ўтадиган шахслар), жамоат ташкилотлари ва давлат вакиллик органларининг шахсан аудитни ўтказиш ва унга турдош хизматларни кўрсатишида амалга оширадиган фаолиятини, балки аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятни ҳам ифода этади”⁶⁴.

Иқтисодчи Е. Анохованинг фикрича, “Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича давлат сиёсати аудиторлик хизматлари бозорининг ишлаш натижаларига унинг ривожланиш йўналишини белгилаш орқали ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ушбу иқтисодий сиёsatнинг натижадорлиги, кўп жиҳатдан, давлат ва касбий ҳамжамиятнинг аудиторлик фаолиятини тартибга солишдаги иштироки даражаси оқилона уйғунлаштирилишига боғлиқ. Замонавий иқтисодиётнинг ривожланиши, макроиқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви муносабати билан бозор субъектларининг касбий жиҳатларини бошқариш эҳтиёжи, иқтисодиётни бошқаришга бозор қатнашчиларининг интеллектуал ва молиявий ресурсларини жалб қилиш зарурати пайдо бўлди”⁶⁵.

Бизнинг фикримизча, аудиторлик хизматлари аудиторлик ташкилотлари, алоҳида аудиторлар томонидан амалга ошириладиган аудит ўтказиш ва аудитга оид турдош хизматлар кўрсатиш фаолиятидир. Аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган турдош хизматлар фаолиятини такомиллаштириш, ушбу хизматлар таркибини кенгайтириш аудиторлик ташкилотларининг даромадларини кўпайтиришга хизмат қиласди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда маҳаллий ва халқаро аудиторлик ташкилотлари, шунингдек, хорижий аудиторлик ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган аудиторлик ташкилотлари фаолият олиб

⁶⁴ Марьина, Анастасия Александровна. Субъекты аудиторской деятельности. // кандидат юридических наук // 2019 г.

⁶⁵ Анохова, Елена Владимировна. // Развитие системы регулирования сферы аудиторских услуг в России.

бормоқда. 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 105 та аудиторлик ташкилотлари ва 643 та аудиторлар фаолият олиб бормоқда (3.1-расм).



3.1-расм. 2018-2022 йилларда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони⁶⁶.

3.1-расмда ифодаланган маълумотлар таҳлилидан кўринадики, 2017-2021 йиллар давомида аудиторлик ташкилотлари сони кичик фарқлар билан кўпайиш-камайиш тенденциясига эга бўлган, аудиторлар сонида эса сезиларли ўзгаришлар кузатилган, жумладан, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан аудиторлар сони 78 нафарга кўпайган⁶⁷.

3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017-2021 йиллар давомида аудиторлик ташкилотларида ўзгариб турувчи тенденция давом этган. Биргина 2017 йил билан 2021 йилни солиширадиган бўлсак, аудиторлик ташкилотларининг 7 тага камайганини кўриш мумкин. Бунга Молия вазирлиги томонидан аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларида йўл кўйган камчиликлари туфайли уларнинг аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензия тугатилганлиги сабаб бўлган. Шунингдек, 2021 йилда мамлакатимизда 651 нафар аудитор фаолият юритган. Аудиторлик фаолияти субъектларининг энг катта қисми Тошкент шахри (343 нафар), Андижон (45 нафар) ва Фарғона (52 нафар) вилоятларига тўғри келади.

⁶⁶ <http://audit.mf.uz/reestr.xhtml>

⁶⁷ <https://www.mf.uz/ru/auditorskaya-deyatelnost.html#openModal-about>

Навоий ва Сурхондарё вилоятларида энг кам (9 нафар) аудиторлик фаолияти субъектлари иш юритади.

3.1-жадвал.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида фаолият қўрсатган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (нафар)⁶⁸

Ҳудудлар / йиллар	Аудиторлик ташкилотлари					Аудиторлар*				
	2017	2018	2019	2020	2021	2017	2018	2019	2020	2021
Қорақалпоғистон Республикаси	2	2	2	2	2	14	12	11	11	14
Андижон вилояти	5	4	6	6	4	52	43	43	41	45
Бухоро вилояти	2	1	1	1	1	16	15	12	12	12
Жиззах вилояти	1	1	1	1	1	14	12	11	12	11
Қашқадарё вилояти	4	4	3	3	3	26	25	23	23	19
Навоий вилояти	2	2	2	2	2	10	10	9	8	9
Наманган вилояти	5	5	3	3	3	38	30	34	36	36
Самарқанд вилояти	4	4	4	4	4	31	31	27	26	30
Сурхондарё вилояти	1	1	1	1	1	7	6	6	7	9
Сирдарё вилояти	2	2	2	2	2	15	11	10	10	11
Тошкент вилояти	2	2	1	1	1	40	37	33	37	38
Фарғона вилояти	7	7	7	7	6	57	49	43	43	52
Хоразм вилояти	1	1	1	2	2	12	12	15	17	22
Тошкент шаҳри	64	62	62	64	64	317	283	281	289	343
Жами	102	98	96	99	96	649	576	558	572	651

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар бозори таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда тегишли ваколатли орган ва жамоат ташкилотлари томонидан аудиторлик ташкилотларининг аудит текшируви иш сифати ва аудит самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

“Катта тўртлик” таркибидаги “Deloitte”, “PwC”, “Ernst & Young” ва “KPMG” аудиторлик ташкилотларининг асосий фаолият тури аудиторлик текширувлари ҳисобланса-да, уларда профессионал хизматлардан олинадиган ялпи даромад салмоқли ўринни эгаллайди (3.2-жадвал). “Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотлари солиқ, консалтинг ва бошқа хизматларни қўрсатиш орқали йирик даромадга эга бўлади.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. <https://www.mf.uz/ru/auditorskaya-deyatelnost.html#openModal-about>

3.2-жадвал.

2017-2021 йилларда “Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотлари даромадларининг минтақалар ва аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)⁶⁹

Кўрсатилган хизматлар / йиллар		2017	2018	2019	2020	2021
Deloitte	Европа	12,3	12,5	14,5	15,0	25,1
	Америка	20,4	20,4	22,1	25,2	16,6
	Осиё	5,2	5,8	6,6	7,4	8,5
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	9,4	10,3	10,2	9,9	10,5
	Солиқ бўйича хизматлар	7,3	7,9	8,3	8,7	8,9
	Консалтинг хизматлари	14,3	16,5	18,7	19,8	20,8
	Бошқа хизматлар	7,8	8,5	9,0	9,2	10,0
	Жами	38,8	43,2	46,2	47,6	50,2
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
PwC	Европа	13,0	14,6	15,0	16,6	17,9
	Америка	16,8	16,9	17,7	18,2	18,3
	Осиё	4,9	5,6	6,1	8,1	8,8
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	15,9	17,0	17,3	16,4	17,1
	Солиқ бўйича хизматлар	9,4	10,3	10,6	10,5	11,0
	Консалтинг хизматлари	12,2	13,3	14,3	16,1	17,0
	Бошқа хизматлар	0,2	0,7	0,2	0,0	0,0
	Жами	37,7	41,3	42,4	43,0	45,1
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
Ernst & Young	Европа	12,1	13,9	14,9	14,2	15,6
	Америка	14,5	15,6	16,9	17,1	17,6
	Осиё	3,6	4,1	4,4	5,8	6,6
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	11,6	12,5	12,7	12,8	13,5
	Солиқ бўйича хизматлар	8,1	8,9	9,5	9,7	10,4
	Консалтинг хизматлари	8,5	9,6	10,2	10,4	11,1
	Бошқа хизматлар	3,2	3,8	4,0	4,1	4,7
	Жами	31,4	34,8	36,4	37,2	39,9
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
KPMG	Европа	11,5	12,9	12,8	12,7	14,2
	Америка	10,4	11,1	11,7	11,2	11,8
	Осиё	4,4	4,8	5,1	5,2	5,9
	Даромадларининг аудит хизматлари бўйича тақсимланиши (млрд доллар)					
	Аудит бўйича хизматлар	10,3	11,1	11,1	11,1	11,5
	Солиқ бўйича хизматлар	5,8	6,3	6,6	6,5	7,0
	Консалтинг хизматлари	10,1	11,4	11,9	11,6	13,6
	Бошқа хизматлар	0,2	0,1	0,1	0,0	0,0
	Жами	26,4	28,9	29,7	29,2	32,1
	“Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотларининг жами даромадлари	134,3	148,2	154,7	157,0	167,3

⁶⁹ А. Сатторов. “Аудиторлик фаолиятининг кўп погонали тизимини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражани олиш учун ёзилган диссертация авторефератидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан такомиллаштирилган.

<https://www2.deloitte.com/global/en/pages/about-deloitte/articles/global-impact-report/global-report-business.html>

<https://www.pwc.com/gx/en/about/global-annual-review-2021.html>

https://www.ey.com/en_gl/news/2021/09/ey-reports-global-revenues-of-us-40b-in-2021-and-outlines-record-us-10b-investment-plan-over-next-three-years

<https://home.kpmg/xx/en/home/media/press-releases/2021/12/kpmg-reports-global-revenues-of-usd-32-billion-for-fy21.html>


“Катта тўртлик”нинг аудит текширувлари уларнинг асосий даромади ҳисобланади. Солик бўйича кўрсатилган хизматлар аудиторлик ташкилотига бир неча миллиардлаб доллар даромад келтиради.

3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотларининг Америка қитъаси давлатларидағи улуши Европа ва Осиё давлатлариникига нисбатан анча юқори.

2021 йилда Америка қитъасида аудиторлик ташкилотлари ичидаги “PwC” компанияси энг кўп даромад қўрган (18,3 млрд доллар), ундан кейинги ўринларни мос равишда “Ernst & Young” (17,6 млрд доллар), “Deloitte” (16,6 млрд доллар) ва KPMG (11,8 млрд доллар) эгаллаган.

Мамлакатимизда “Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотлари шунингдек, халқаро тармоққа кирган аудиторлик ташкилотлари фаолият олиб боради. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ва хорижий аудиторлик ташкилотлари ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ҳамда ушбу Қонунда белгилаб қўйилган бошқа профессионал хизматларни кўрсатиш хуқуқига эга.



3.2-расм. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасидаги аудиторлик ташкилотларининг даромадлари динамикаси⁷⁰.

⁷⁰ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

3.2-расмда келтирилган маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, аудиторлик ташкилотлари томонидан 2018 йилда 139,2 млрд, 2019 йилда 130,1 млрд, 2020 йилда 206,4 млрд ва 2021 йилда 321,1 млрд сўм миқдорида хизматлар қўрсатилган. Шунингдек, 2018-2021 йиллар оралиғида аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмининг турли қўрсаткичлари бўйича тақсимланиши келтириб ўтилган.

Мамлакатимизда амалдаги қонунларга кўра, банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ва бошқа йирик солик тўловчи ташкилотлар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади. 2019 йилда мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони 5467 та (шундан 492 таси халқаро аудит стандартлари бўйича), 2020 йилда 5098 та (шундан 870 таси халқаро аудит стандартлари бўйича) ва 2021 йилда 6344 та (шундан 3443 таси халқаро аудит стандартлари бўйича) бўлиб, уларда мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ўтказилган.

3.3-жадвалга кўра, 2021 йилда аудиторлик ташкилотлари томонидан берилган умумий хуросаларнинг 73,1% ини мажбурий аудиторлик текшируви бўйича ва 26,9% ини ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича хуросалар ташкил этган. Агар 2021 йилда мажбурий аудиторлик текшируви бўйича берилган хуросаларни 100% деб қарайдиган бўлсак, шундан 34,4% ини устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари, 15,4% ини акциядорлик жамиятлари, 5,1% ини манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлган хайрия фонdlари ва бошқа ижтимоий фонdlар ташкил қилган.

Аудиторлик ташкилотлари меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга асосан, ҳар хил турдаги хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини олиб боради. Бу эса, ўз навбатида, аудиторлардан юқори малака ва масъулият талаб этади.

3.3-жадвал.

2015-2021 йилларда мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича берилган аудиторлик хulosаларининг тақсимланиши⁷¹

	Аудиторлик хulosаларининг умумий сонидаги улуши, %						
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Жами берилган аудиторлик хulosалари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ш.ж., мажбурий аудиторлик текширувлари натижалари бўйича хulosалар	51,8	53,1	54,9	57,2	58,6	64,6	73,1
Ташкилотларнинг мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича хulosаларнинг умумий сонидаги улуши, ш.ж.:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Акциядорлик жамиятлари	25,5	28,7	27,7	30,6	27,1	22,6	15,4
Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари	2,7	2,6	3,0	3,4	3,5	3,7	2,6
Сугурта ташкилотлари	1,1	1,0	1,9	1,4	1,1	1,2	1,3
Инвестиция фондлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар	1,1	0,3	0,8	1,3	1,1	1,1	0,4
Манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлган хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар	12,5	11,5	12,1	11,0	9,7	6,2	5,1
Маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун хужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлган бюджетдан ташқари фондлар	1,1	2,9	2,6	1,3	4,0	3,7	1,1
Устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари	54,8	51,9	51,8	50,7	52,8	47,4	34,4
Фонд ва товар биржалари	1,2	1,1	0,1	0,3	0,7	0,1	0,2
Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари натижалари бўйича хulosалар	48,2	46,9	45,1	42,8	41,4	35,4	26,9

Фикримизча, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган турдош хизматларни такомиллаштириш, аудиторлик текширувлари билан бир қаторда турдош хизматлар сонини ошириш аудиторлик фаолиятининг ривожланишига, шунингдек, аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

⁷¹ Молия вазирлиги эълон қилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

3.2. Аудиторлик текшируванини автоматлаштириш жараёнини такомиллаштириш

Бугунги кунда ҳар қандай аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини автоматлаштиришга катта эҳтиёж сезмоқда. Замонавий аудиторлик дастурлари маълумотлар базасини яратиш ва унинг асосида турли мураккабликдаги аудиторлик ҳисботларини шакллантириш имконини беради, шунингдек, текширувда хатога йўл қўймасликка, иш вақтини тежаш ва зарур ахборотни тезкор равища олишга ёрдам беради. Махсус дастурий маҳсулотни аудиторлик текшируванини автоматлаштиришда катта тажриба ва обрўга эга бўлган, сотилаётган дастурларнинг лицензиялари ва сифат сертификатлари мавжуд бўлган профессионал фирмалардан сотиб олган маъқул. Дастурни танлашда у қандай аудиторлик ташкилоти ва қандай аудит объектларини текширишга мўлжалланганини ҳисобга олиш ёки унинг қайси соҳага тегишлилигига эътибор қаратиш зарур.

Бу борада таъкидлаш жоизки, 2018 йил 19 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарорида аудиторлик ташкилотлари ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро электрон ҳамкорлигига мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Аудит” дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Унга мувофиқ, “Аудиторлик ташкилотининг шахсий кабинети” ва “Аудиторлар жамоат бирлашмасининг шахсий кабинети” веб-сервисини яратишни назарда тутадиган “Аудит” дастурий мажмуаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Бу эса, аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва уларни давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни макродаражадаги чора-тадбирларидан саналади. Бироқ, бугунги кунда айнан аудиторлик текшируванини тўлиқ компьютер муҳитида ташкил этиш ва ўтказиш халқаро стандартлар талабларидан бири ҳисобланади.

Автоматлаштириш сифатини оширишга формаллаштирилган буйруқлардан фойдаланиш ёрдамида эришиш мумкин. Формаллаштириш аудит ва назоратни автоматлаштиришнинг зарур шарти бўлиб, у дастурий муҳитни талқин қилишдаги номувофиқликни бартараф этади ҳамда аудиторлик ва назорат тартиб-таомилларининг ҳажми, миқёси ва аниқ тавсифини таъминлайди. Автоматлаштириш вазифаларини ҳал қилиш учун эксперт тизимлари ва сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш асосида билимлар муҳандислиги услубиётини қўллаш мақсадга мувофиқ⁷².

Корхонада аудит ва назоратни автоматлаштиришнинг вазифаси – бу аудит ва назорат тартиб-таомилларини шаклан қайта ўзгартиришdir⁷³

Бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган ахборот тармоқлари ва тизимларининг кенг қўлланилиши ички аудиторлар ва назоратчилар олдига аудит ва назорат ўтказиша молия-ҳисоб инфратузилмасига эга автоматлаштирилган ахборот алмашинувининг маҳсус усуллари ва компьютер дастурларидан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш вазифасини қўяди⁷⁴.

Аудит ва назоратнинг автоматлаштирилган дастурий таъминоти платформаси корпоратив тизим билан умумий ёки бутунлай алоҳида бўлиши мумкин. Агар корхона умумий платформаси ички аудит ва назоратнинг дастурий таъминотини жойлаштиrsa, уни қурилган аудит ва назорат модули деб аталади⁷⁵.

Фикримизча, автоматлаштирилган (компьютер) муҳитда аудит бу – аудиторлик текширувани режалаштириш, ўтказиш ва якунлаш босқичларида компьютер дастурларидан фойдаланиш жараёни. Ушбу дастурлардан фойдаланиш аудиторлик фаолиятида иш вақтининг камайиши ва иш

⁷²Terenteva T.V., Shashlo N.V., Kuzubov A.A., Shnaider V.V. Economic added value as a tool of cost-oriented management by business structures of industry // Вісник Національної академії керівних кадрів культури і мистецтв. 2018. № 2. С. 167-172.

⁷³ Дачева С.Р., Пивень И.Г. Внутренний аудит в управлении организациями: задачи, принципы, особенности // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2020. – № 4-2 (62). – С. 65-68.

⁷⁴ Рябоконь В.П., Кузубов А.А. Управление конкурентоспособностью агропромышленных предприятий // Международный научнопроизводственный журнал «Экономика АПК». 2015. № 7 (249). С. 85-93.

⁷⁵ Мордвинцев А.И., Надточий Е.В., Поляков Д.С. Аудит эффективности, стратегический аудит: вызовы нового времени // Аудит. –2019. – № 12. – С. 13-19.

сифатининг ошишига хизмат қиласи.

Бугунги кунда аудиторлик фаолиятида ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган сўров ва таҳлиллар аудиторлик текширувлари жараёнида маҳсус дастурлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Аудиторлик текширувида автоматлаштирилган дастурий таъминотдан фойдаланиш тартиби Халқаро бухгалтерлар федерацияси хузуридаги Аудиторлик амалиёти халқаро қўмитасининг қўйидаги ҳужжатларида ўз ифодасини топган:

“Компьютер ахборот муҳитида аудит ўтказиш” номли АХС (ISA "Auditing in a computer information systems (CIS) environment");

“Компьютер ахборот муҳити хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички назорат ва аудиторлик рискини баҳолаш” номли АХС (ISA "Risk assessment and internal control (CIS)characteristics and considerations");

“Компьютерлаштирилган аудит усуллари” номли АХС (ISA "Computer assisted audit techniques").

Ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида офис дастурлари, меъёрий-ҳукуқий ахборот тизимлари, бухгалтерия дастурий таъминотлари, молиявий таҳлил дастурий таъминотлари билан биргаликда аудитга оид маҳсус дастурий таъминот турларидан кенг фойдаланилмоқда (3.4-жадвал). Фикримизча, аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш бўйича ҳал этиладиган вазифаларнинг мураккаблиги туфайли, дастурий таъминотни қўллаш самарадорлиги кўп жиҳатдан уни жорий қилиш ва фойдаланувчиларни ўқитишига бевосита боғлиқдир. Изланишлар натижасида, ҳозирги пайтда Россия ва ривожланган Европа давлатлари аудиторлик амалиётида “AuditNET”, “ITAUDIT: Аудитор”, “AUDIT XP “Комплекс Аудит” ва “Экспресс аудит: ПРОФ” сингари энг профессионал дастурий воситалар орқали қисқа муддат ва тартиблар асосида текширувларнинг сифатли ўтказилишига эришилганлиги аниқланди.

3.4-жадвал.

Халқаро аудиторлик амалиётида қўлланиладиган дастурний таъминот турлари⁷⁶

№	Дастур	Дастур мақсади	Ишлаб чиқарувчи	Нашр йили
1.	“AuditNET”	Аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш	“Новые эффективные технологии”	2009
2.	“IT AUDIT: Аудитор”	Аудитни комплекс ҳажмда автоматлаштириш	“Мастер-софт” МЧЖ (www.audit-soft.ru)	2005
3.	“AUDIT XP “Комплекс Аудит”	Аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш	“Гольдберг-Софт” компанияси (www.auditxp.ru)	2005
4.	“Экспресс аудит: ПРОФ”	Аудиторлик текшируванинини автоматлаштириш мажмуавий тизими	“Термика” Н.П Барышников консалтинг гурухи (www.termika.ru)	2004
Ўзбекистонда яратилган дастурний таъминот турлари				
5.	“AUDITSOFT”	Тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектлар ички аудит хизматлари ва аудиторлик компанияларини автоматлаштириш учун мўлжалланган	Ўзбекистон аудиторлар палатаси (Каримов Н.Ф.)	2007
6.	“Audit Sampling”	Тижорат банклари кредит фаолияти ва Марказий банк филиаллари фаолияти аудити учун мўлжалланган	Сахобов О.У., А.А.Бубнов	2008
7.	“First-Audit”	Тижорат банклари ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ички аудиторлик текшируви ўтказишга мўлжалланган	Каримов Ж.Ф., Каримов Х.Х.	2010

Аудиторлик текширувлари жараёнида аудиторлик дастурларидан фойдаланиш аудиторга қуйидаги вазифаларни сифатли ва қисқа муддатда амалга ошириш имконини беради:

- а) мижоз-корхонада амалга оширилган муомалалар ва банк ҳисоб рақамлари бўйича қолдиқларни компьютер маълумотлар базаси орқали текшириш;
- б) компьютернинг маълумотлар базасида мулк ва маблағларнинг ҳужжатдаги ва амалдаги фарқларини аниқлаш учун таҳлилий амалларни бажариш имконияти;
- в) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг маълумотлар базасини текшириш;
- г) текширилаётган хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қўлланиладиган техник, математик ва ахборот-дастурний таъминотларини синовдан ўтказиш имконияти.

⁷⁶ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўпгина ҳолларда, сифатсиз маълумотлар компьютер қурилмасининг носозлиги ва ходимларнинг бепарволиги ҳамда тажрибасизлиги натижасида келиб чиқади. Фикримизча, аудиторлик текширувларида дастурий таъминотдан фойдаланиш натижасида қуидаги рисклар юзага келиши мумкин:

техник рисклар – техник ҳолатлар, бухгалтерия маълумотларини ишлаб чиқиши усуллари билан боғлиқ рисклар, бу рисклардан автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш ва улардан фойдаланишда, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ички назоратни ташкил қилишда бевосита фойдаланилади. Техник воситаларнинг сифатсиз ишлаши норасмий ва лицензиясиз дастурий таъминотдан фойдаланиш, техник ва дастурний воситалар хусусиятидаги фарқлар, тегишли умумий техник хизмат кўрсатиш ва назоратнинг мавжуд эмаслиги ҳолатлари билан изоҳланади;

бухгалтерия маълумотларини қайтадан ишлаш тизими билан боғлиқ рисклар – бу тизимни ишлаб чиқищдаги хатоликлар, шунингдек, унинг кичик адади ва тизимдан нотўри фойдаланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби учун мўлжалланмаган дастурлардан фойдаланиш ҳолатлари бундан мустасно. Бунда аудиторлар мижоз-корхона бухгалтерия ҳисоби тизими тўғри қўлланилаётганлигини аниқлаши лозим бўлади;

мижоз-корхонада дастурий таъминотдан фойдаланишда ички назорат билан боғлиқ рисклар – бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта ишлаш тизимидан етарлича фойдаланилмаётганлиги, мижоз-корхона ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарликлари даражасининг аниқ белгиланмаганлиги, ички назорат тизими фаолиятидан қониқмаслик, мижоз-корхона маълумотлар базасига рухсатсиз киришда ҳимоя тизимининг мавжуд эмаслиги ва маълумотларнинг йўқолиши натижасида юзага келади;

аудиторнинг профессионал маҳорати билан боғлиқ рисклар – ҳисобга олиш ва таҳлилий маълумотларни қайта ишлаш тизимини нотўри баҳолаш, дастурий таъминотлар воситасида тест ва анкета-сўровнома ўтказиш каби

усулларнинг нотўғри қўлланилиши ва аудиторлик далилларининг нотўғри талқин қилиниши билан боғлиқ муаммолар.

Бироқ, фикримизча, ҳозирги пайтда республикамиз аудиторлик амалиётида юқорида келтирилган дастурлар қуидаги омиллар сабабли самарали ва мақсадли қўлланилмаяпти (3.5-жадвал).

3.5-жадвал.

Аудиторлик текшируви жараёнида халқаро аудит стандартлари асосида ишчи ва якуний ҳужжатларини шакллантиришда “МХХСни ташкилотга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси”⁷⁷

Омил (сабаб)лар тuri	Омил (сабаб)ларнинг мазмuni
Умумтармоқ	<p>аудиторлик фаолияти ривожининг дастлабки босқичида мазкур бозорнинг паст даражада ривожланганлиги;</p> <p>аудиторлик текшируви жараёнини тўлиқ ҳужжатлаштириш имкониятининг чекланганлиги ва касбий фикрни шакллантириш кераклиги, шунингдек, талаб қилинаётган аудиторлик фаолиятининг ўзига хослиги;</p> <p>аудиторлар компьютер саводхонлигининг талаб даражасида эмаслиги;</p> <p>аудит жараёнининг мураккаб шаклланганлиги;</p> <p>аудиторлик фаолиятининг меъёрий-хукукий базаси жуда мураккаб ва катта ҳажмли эканлиги;</p> <p>амалиётда аудит ўтказишда ягона ёндашувнинг йўклиги;</p> <p>текшириш даврида турли хил натижалар олиниши;</p> <p>аудиторлик хуносасини тайёрлашда уларни тизимлаштириш билан боғлик турли мураккабликларнинг мавжудлиги;</p> <p>халқаро стандартлар талаблари даражасида аудит ўтказишга ўтиш натижасида соҳага оид аудиторлик хизматлари ҳажмининг ошиб бориши;</p> <p>тақдим этилаётган аудиторлик хизматлари сифати устидан ички ва ташки низоратнинг кучайиши.</p>
Технологик	<p>аудит ўтказилаётган корхона томонидан турли хил бухгалтерия дастурий таъминотларининг қўлланилиши;</p> <p>аудиторлик хизматининг мижоз-корхона объектларига борган ҳолда амалга оширилиш (кўчма) хусусияти;</p> <p>аудиторлик фирмалари мижозларининг турли тармокларга ихтисослашганлиги, бу эса, қонунчилик талабларининг ўзгариши шароитида автоматлаштирилган аудит дастурларини турли аудит объектларининг фаолият хусусиятларига мослаштириш имконини бермаслиги;</p> <p>мижозларда қўлланиладиган дастурий таъминот базаларини ўзлаштириш мақсадида аудиторларнинг турли дастурий таъминотни ўрганиш зарурати;</p> <p>аудиторлик текшируви натижаларининг маҳфийлиги ва химоя килиш талабларига риоя қилиш лозимлиги;</p> <p>электрон ракамли имзодан фойдаланиш орқали текширувнинг ишчи ва якуний ҳужжатларини электрон архивлаш имкониятининг чегаралангандиги.</p>

Барча юқорида қайд этилган омиллар, бир томондан, аудит соҳасида тақдим қилинаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш воситаси сифатида автоматлаштиришни ривожлантириш сабаби учун керак бўлса, бошқа томондан, аудиторлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар ўртасида

⁷⁷ Муаллиф томонидан тайёрланган.

тортишувлар предмети бўлиб хизмат қиласди. Таъкидлаш жоизки, ҳеч қандай дастурий таъминот аудитор ўрнини боса олмайди. Бироқ аудиторлик текшируви жараёнида имкон даражасида тармоқларга ихтисослаштирилган аудитнинг дастурий таъминоти имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ, кўпгина афзаликларга қарамай, аудитнинг автоматлаштирилган дастурлари маҳаллий бозорда кенг тарқалишига қўйидаги омиллар тўсқинлик қилмоқда:

юқори харид қиймати;

ўқитиш ва кузатишнинг қимматлиги. Бунда қонун ҳужжатларидаги ўзгартишларни ҳисобга олиш дастурни ишлаб чиқувчи фирмаларнинг республикадаги ваколатхоналари мутахассислари томонидан қўшимча ишлов беришни талаб этади ва бунга узоқ вақт (2 ойдан 3 ойгача) кетади;

узоқ муддат – ярим йил ва ундан ортиқ вақтда жорий этилиши;

профессионал дастурчи томонидан фойдаланувчининг аниқ эҳтиёjlарига мослаштирилиши ва тузатишлар киритилишининг талаб этилиши;

миллий аудит ўtkазиш амалиёти шароитларига ва миллий ҳисоб тизими хусусиятларига мослаштиришнинг мушкуллиги, бунинг сабаби шундаки, уларда бизнес юритишнинг ўзига хослиги ва миллий қонунчилик ҳужжатларининг хусусиятлари ҳисобга олинмайди.

Аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш вазифасининг мураккаблиги туфайли, дастурий таъминотдан фойдаланишнинг самарадорлиги асосан унинг амалга оширилиши, фойдаланувчиларни тайёрлаш, аудит корхонасининг ишланмалари ва усулларини янги дастурий маҳсулотга мослаштиришга боғлиқ бўлади. Тадқиқотимиз давомида Ўзбекистон аудиторлик амалиётида қўйидаги дастурий таъминот турларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун мазкур дастурларни режалаштириш жараёни мисолида ўзаро қиёсий таҳлил амалга оширилди (3.6-жадвал).

3.6-жадвал.

Аудиторлик текширувини режалаштириш босқичида аудитнинг автоматлаштирилган дастурлари функционал имкониятларининг қиёсий таҳлили⁷⁸

Режалаштириш амаллари	IT Audit: Аудитор	ЭкспрессАудит: ПРОФ	Audit XP “Комплекс Аудит”
Дастлабки режалаштириш	Мавжуд	Мавжуд (“Мизжоз тўгрисида ахборот” ишчи хужжати)	Мавжуд (“Мизжоз бизнесини тушуниш” ишчи хужжати)
Текширувлар (аудитор ишчи хужжатлари)нинг автоматлаштирилган архиви	Мавжуд (маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш модули орқали архивга мурожаат қилиш имконияти кўзда тутилган)	Мавжуд	Мавжуд эмас
Аудиторлик рискини баҳолаш имконияти	Мавжуд (“Молиявий (бухгалтерлик) хисоботнинг ажралмас рискининг юзага келиш шароитларини аниқлаш ва баҳолаш” ишчи хужжати)	Мавжуд (дастурда бундай функционал имконият кўзда тутилган)	Мавжуд (“Рискини автоматлаштирилган миқдорий баҳолаш” ишчи хужжати)
Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш имконияти	Мавжуд (факат текширувнинг асосий босқичида)	Мавжуд (“Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимининг самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолаш баённомаси” ишчи хужжати)	Мавжуд (“Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими риски” ишчи хужжати, автоматлаштирилган миқдорий баҳолаш)
Аудиторлик рискини баҳолаш имконияти	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд
Мухимлилик даражасини аниқлаш, уни баланс моддалари ва хисоб счёtlари бўйича тақсимлаш имконияти	Мавжуд (“Мухимлилик даражасини хисоблаш” модули, хисоб счёtlари ва хўжалик мумалалари бўйича автоматлаштирилган хисоблаш усули)	Мавжуд (“Мухимлилик даражасини аниқлаш” ишчи хужжати)	Мавжуд (“Мухимликтининг умумий даражасини аниқлаш”, мухимлики элементлар ва баланс моддалари бўйича автоматлаштирилган тақсимлаш ишчи хужжати)
Мизжоз маълумотларини бухгалтерия хисоби маълумотлар базасидан олиш имконияти	Мавжуд (мизжоз базасидан бухгалтерия ёзувларини олиш мумкин)	Мавжуд (факат баланс ва молиявий натижалар тўгрисидаги хисобот кўрсаткичларини олиш мумкин)	Мавжуд (дастурга бухгалтерия хисоби маълумотлари юкланди)
Текширувнинг умумий режаси	Мавжуд (“Аудит режаси” ишчи хужжати (маълумотномадан аудит бўлимларини танлаб олиш имконияти мавжуд)	Мавжуд (“Аудит режаси” аудит дастурига мувофиқ автоматик равища шаклланади)	Мавжуд (“Аудит режаси” аудит дастурига мувофиқ автоматик равища шаклланади)
Хар бир аудиторлик амаллари бўйича ишчи хужжатларнинг яратилганини	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд
Тезкор аудит ўтказиш имконияти	Мавжуд эмас	Мавжуд	Мавжуд эмас
Аудитор иш сифатини назорат қилиш имконияти	Мавжуд (аудит дастуридаги хар бир амал бўйича ўтказилган назорат тўгрисида белги киритиш мумкин)	Мавжуд (аудит обьектлари бўйича шарҳ ва изохлар орқали)	Мавжуд (текширув натижалари бўйича алоҳида блок кўзда тутилган)

Юқоридаги таҳлилий жадвал маълумотларидан кўринадики, “AUDIT XP “Комплекс аудит” дастурида бошқа дастурларга нисбатан функционал қулайлик ва афзалликлар мавжуд. Изланишлар натижасида, Ўзбекистон аудиторлик амалиётида “AUDIT XP “Комплекс аудит” дастурий таъминотини қўллаш орқали текширувларни қисқа муддатлар ва оптимал тартибда амалга ошириш таъминланади, деган холосага келинди. Чунки, мазкур дастур янги авлод технологиялари асосида ишлаб чиқилган ва аввалги авлод дастурларидаги барча ижобий имкониятларни (масалан, фойдаланишнинг

⁷⁸ Муаллиф томонидан тайёрланган.

соддалиги ва қулайлиги, кўп функционаллилик, текширув ўтказищдаги барча босқичларда маълумотлар киритишнинг мажмуавий автоматлаштирилганлиги ва маълумотларни қайта ишлаш услубиётининг кенглиги), шунингдек, бошқа дастурларда амалга оширилиш имконияти бўлмаган янги функция ва технологияларни ўз ичига қамраб олган. Шунингдек, 2017 йил январ ойидан бошлаб мазкур дастурга ишчи хужжатлардан ташқари, аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш услубиёти ва аудитнинг халқаро стандартлари мажмуаси ҳам илова шаклида қўшилди. Бу эса, бир дастурнинг ўзида миллий ва халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувларини ўтказиш имконини беради.

Иzlанишлар натижасида, “AUDIT ХР “Комплекс Аудит” дастурининг бошқа дастурний таъминотлардан фарқли афзалликлари қуидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ўтказища қўлланиладиган ишчи хужжатлар мажмуаси битта дастурда мавжуд эканлиги;

янги замонавий технологияларга асосланган дастур интерфейсининг мавжудлиги;

ягона базада барча аудит объектлари билан ишлаш имкониятининг мавжудлиги (универсаллиги);

дастурнинг тезкорлиги, ҳаракат ва фойдаланиш даражасининг содда ва аниқлиги;

аудит ўтказиш услубиётининг турли шакл ва услубларининг мужассамлаштирилганлиги;

файллар (аудиторнинг ишчи хужжатлари, аудиторлик далиллари нусхалари ва ҳ.к.)ни электрон имзо билан тасдиқлаш ва уларни текширув ҳисоботи ичида электрон шаклда сақлаш имкониятининг мавжудлиги;

дастурни аудиторлик фирмасидан ташқарида ягона тармоқ ёки Интернет орқали фойдаланиш имкониятининг кенглиги;

дастур текширув услубиётини мустақил созлаш ва такомиллаштиришни талаб қилмаслиги;

дўстона интерфейсга, дастур билан ишлашни осон ва тез ўрганишга имкон яратувчи интуиция воситалари ёрдамида тушуниш алгоритмiga эга эканлиги;

аудитнинг барча бўлимлари бўйича аудитор ишчи ҳужжатларининг тўлиқ мажмуасига эгалиги (аудитни режалаштириш, текшириш ва якунлаш босқичлари бўйича) – бу 500дан ортиқ бланкалар, амаллар, маълумот жадваллари ва ҳисботлардан ташкил топганлиги;

аудит ўтказилаётган субъектнинг бухгалтерия ҳисоби базаси маълумотлари билан бухгалтерия ҳисботи маълумотлари киритилган қиёсий алгоритмга эга эканлиги;

аудиторлик текшируви сифатини назорат қилиш услубиёти ва таҳлилий амаллар ҳамда мижоз-корхона фаолияти таҳлилини амалга ошириш услубиётининг мужассамлаштирилганлиги;

аудиторларга барча текширув бўлимлари бўйича натижаларни тармоқ версияларини ишлатмасдан танлаб олинган битта компьютерга жамлаш имконини бериши, шу билан бирга, дастурда аудит ўтказилаётган корхоналар сони ёки улар маълумотларининг ҳажми чекланмаслиги.

“Audit ХР “Комплекс Аудит” дастури бошқа аудитга оид дастурий таъминот платформаларидан ўз функционал имкониятлари билан, хусусан: аудит сифатини назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги, намунавий аудит ўтказиш услубиётининг яратилганлиги ва дастурнинг камидаги битта ишчи ўрни учун мўлжалланганлиги билан фарқ қиласи.

Дастурнинг қўлланилиш соҳаси асосан ўрта аудиторлик ташкилотлари, шунингдек, якка тартибдаги мутахассис-аудиторлар фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган. Унинг қўлланиши ишни амалдаги халқаро аудит стандартлари ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкил қилиш имконини беради. “Audit ХР “Комплекс Аудит” дастури текширувлар жараёнида аудиторлар томонидан бажариладиган деярли барча кундалик операцияларни автоматлаштиради, бу эса, меҳнат сифими ва хатолар вужудга келиши эҳтимолини пасайтиради, шунингдек, аудит сифатини юқори

даражада сақлаб қолған ҳолда аудит ўтказиши муддатини қисқартиради. Аудит тартиб-таомиллари маҳсус ишлаб чиқылған матнли, ҳисоб-китоб ва тест бланкалари ёрдамида, шунингдек, тартиб-таомил бланкалари ёрдамида амалга оширилади. Ички таҳрирчи аудиторлик тартиб-таомиллариға оид мавжуд бланкаларни ўзгартыриш ва янгиларини яратышга имкон беради. Дастурда аудиторлик ташкилотининг ички стандартлариға мувофиқ текширув жараёнини тўлиқ ўзгартыриш имконияти мавжуд. Шунингдек, мазкур дастур аудитнинг барча босқичларида мажбуриятларни турли бўлимлар аудитини ўтказиши бўйича аудиторлар ўртасида тақсимлаш, портатив компьютер (ноутбук)лардан фойдаланиб, бевосита аудит ўтказиладиган корхонада сайёр ишларни бажариш имконини беради. Текширув якунланиши билан натижалар аудиторлик ташкилоти раҳбарининг асосий компьютерига юкланди.


Бунда текширув маълумотларини юклаш локал ва тармоқ шаклларида амалга оширилиши мумкин, чунки бир вақтнинг ўзида битта вазифани локал ҳамда тармоқ ҳолатида бажариш имконияти мавжуд. Дастур сунъий интеллект ва қарор қабул қилиш назариясининг замонавий усуллари ёрдамида тузилган алгоритмлардан фойдаланишга мўлжалланган. Унинг таркибида барча аудит бўлимларини автоматик равишда қайта ишлаш блоки ҳам мавжуд. Таҳлил натижалари маҳсус шаклдаги жадвалда умумлаштирилиб, унда “Бухгалтерия баланси” ва “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” шаклларидағи хатоликлар йиғиндиси, шунингдек, режалаштирилган аудитнинг муҳимлик даражасидан ортиқча миқдор кўрсатилади. Ушбу таҳлил асосида тавсия қилинган аудиторлик хуносаси тури берилади.

Дастур аудиторлик текширувни ўтказишида “1С: Бухгалтерия”, “Турбо Бухгалтер” ва бошқа бухгалтерия дастурларидан конвертация қилинган маълумотлар тўпламини тўлиқ, тасодифий, монетар ва табақалаштирилган аудиторлик танлови асосида автоматик равишда таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, “Audit XP “Комплекс Аудит” дастурининг таркиби 500 дан ортиқ аудиторлик иш хужжатлари бланкалари, аудиторлик амалларини бажариш услубиёти, таҳлилий-маълумот жадваллари ва аудит ўтказишнинг

барча босқичлари бўйича ҳисоботлардан иборат.

Бугунги кунда қўшни Россия Федерацияси аудиторлик амалиёти мутахассислари томонидан яратилган қўйидаги маҳсус аудиторлик дастурий таъминот турларидан кенг фойдаланилмоқда:

“ФинИнформ-аудит” дастури – мижознинг синтетик ва аналитик даражадаги хўжалик муомалаларини акс эттирувчи бирламчи маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган. Бунда мижозлар маълумотларини киритиш учун аудитордан қўп вақт сарфи талаб этилади (3.3-расм);



3.3-расм. “ФинИнформ-Аудит” дастурий таъминотининг таркибий тузилиши⁷⁹.

“Ассистент аудитора” ёки “Ассистент внутреннего аудитора” дастурлари деярли барча аудиторлик амалларини тизимли амалга ошириш имконини

⁷⁹ Муаллиф томонидан тайёрланган.

беради, аммо бу дастурлар оддий функциялар билан жиҳозланган ва ўзига хос рақобатбардош устунликларга эга эмас;

“Помощник аудитора” дастури – Россия амалиётидаги биринчи ўрта ва катта бўлмаган аудиторлик фирмалари учун мўлжалланган умумий аудитнинг мажмуавий дастури ҳисобланади. Унинг функционал имкониятлари ҳақида гапирганда, аудиторлик хulosасининг таҳлилий қисми йўқлигини таъкидлаш жоиз;

“Эффект аудитор” дастурининг ахборот таркибига аудитга оид қоида ва стандартлар, корхона ички меъёрий ҳужжатлари, аудиторлик фаолиятида текширув усуллари ва тест ўтказиш жараёнини қўллаш тартиби, аудиторлик хulosаси ва унинг таҳлилий қисми, шартнома ва хатлар намуналари, Санкт-Петербург аудиторлар палатасининг маълумотнома ахборотлари; муҳимлик даражасини ҳисоблаш услубиёти ва мижознинг молиявий аҳволини текшириш имкониятлари мавжуд;

“Аудит стандарт” дастури – корхоналарда аудиторлик текширувни автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, ўрта ва катта бўлмаган аудиторлик фирмалари аудиторлик иш сифатини назорат қилиш ва мижоз-корхона молиявий фаолиятини таҳлил қилиш имкониятларига эга.

Жумладан, “IT Audit: Аудитор” дастури аудиторлик компанияси томонидан аудиторлик текширувни режалаштириш ва ўтказиш жараёнини автоматлаштириш учун мўлжалланган. У бухгалтерия ҳисобини самарали ички назорат тизимини ташкил этиш имконини беради. Дастур ички назоратни амалга оширишнинг 200 га яқин амалларини ўз ичига олади.

Мазкур дастур функционаллиликни ошириш имкониятини таъминлайдиган модулли тамойил бўйича ташкил қилинган бўлиб, у қуйидаги модуллардан иборат (3.7-жадвал):

3.7-жадвал.

“IT Audit: Аудитор” дастурининг иш модуллари⁸⁰

№	Модуль номи	Модуль тавсифи
1.	Мижозлар ва шартномалар хисоби	Мижоз реквизитлари, юридик манзили, мулокот учун шахслар рўйхати, моддий жавобгар масъул билан музокаралар, тузилган шартномалар ва мижоз билан ишлаш учун масъул шахслар ҳақидаги маълумотлар сақланади ва ҳар бир маълумотни турли белгилари бўйича саралаш имконияти мавжуд.
2.	Компания	Аудиторлик ташкилотининг ташкилий таркиби, ходимлар бўйича маълумотлари, иш жадвали ва тақвими, кўрсатиладиган хизматлари ва бошқа ахборотлар билан ишланади.
3.	Аудит услугибети	Модулда аудит обьектлари, аудитор ишчи хужжатлари ва аудиторлик амалларини бажариш тартиби, одатий кузатиладиган коидабузарликлар мазмуни, намунавий муомалалар рўйхати каби маълумотнома (справочниклар)дан иборат бўлган ва текширувда кўлланиладиган аудиторлик амаллари мажмуаси янгилашиб борилади.
4.	Аудитни режалаштириш	Аудиторлик умумий режаси ва дастурини шакллантириш имконияти мавжуд. Бунда бажариладиган аудиторлик амаллари, уларни бажарувчилар бўйича қўшимча ва изоҳлар акс эттирилади.
5.	Муҳимлик даражаси хисоб-китоби	Амалдаги аудиторлик стандартига мувофик муҳимлик ва риск даражаларини аниқлаш, шунингдек, муҳимлик даражаларини ҳар бир текширув обьекти бўйича тақсимлаш имконияти мавжуд.
6.	Мижознинг хўжалик операциялари тавсифи	Мижоз томонидан амалга оширилган хўжалик муомалаларини аудиторлик умумий режаси ва дастурига мувофик текшириш тартиби келтирилган.
7.	“IT Audit: Аудитор” дастурига маълумотлар импорти	Мижознинг бухгалтерия (“1С”, “БЭСТ”, “Парус”, “ИнфоБухгалтер” ва ҳ.к.) ва бошқарув дастурларидан экспорт қилинган маълумотларини таҳлил қилиш мақсадида юклаш имкониятини таъминлайди. Бунда DBF, TXT, XLS, MDB, SQL форматидаги файлларни кайта ишлаш имконияти мавжуд.
8.	Танланма тадқиқотлар	Мижоз-хўжалик муомалалари ёки текшируv обьектини аудиторлик танлаш амалга оширилади. Бунда аниқланган коидабузарликларни статистик (дисперсия, вариация коэффициенти, ўргача қиймат ва ҳ.к.) ва арифметик усууллар ёрдамида миқдори аниқланади ҳамда уларни мижоз фаолиятига таъсири баҳоланади.
9.	Иш хужжатларини автоматик равишда тўлдириш	Янги иш хужжатларини яратиш ва уларни автоматик равишда тўлдиришни дастурдан фойдаланувчилар томонидан бевосита созлаш имконини беради. Бунинг учун фойдаланувчи интерфейсиде импорт қилинган маълумотлар иш хужжатининг мос келувчи реквизитлари билан таққосланади.
10.	Аниқланган коидабузарликларни тизимлаштириш	Аниқланган коидабузарликлар аудит обьекти ва коидабузарлик манбаси бўйича гурухланади. Аниқланган коидабузарликни молиявий хисобот кўрсаткичлари ва текшириш обьектлари бўйича таҳлил этилади.
11.	Ходимлар банддлиги	Аудиторлик ташкилоти ходимларининг режа бўйича ва амалдаги банддлигини хисобга олиб боради. Аудиторлар бўш вактларининг мавжудлиги, белгиланган шартнома бўйича ишлаб берилган вакти хисобини юритади.
12.	Аудиторлик хисоботи ва хulosасини шакллантириш	Аниқланган коидабузарликлар миқдор ва сифат жиҳатидан жамланади. Коидабузарликлар автоматик равишда мижозга тақдим этиладиган аудиторлик хисоботига ўтказилиб, аудиторлик хисоботи ва хulosасининг намунавий шакли шакллантирилади.
13.	Доимий/ўзгарувчан файл	Тўпланган текшируv маълумотлари сақланади ва тизимлаштирилади.
14.	Аудиторлик иш хужжатлари	Аудиторлик иш хужжатларининг намунавий шакллари келтирилган. Аудитор учун зарур иш хужжатларини мижознинг бухгалтерия хисоби маълумотлари асосида Microsoft Excel дастури форматидаги тўлдиради.

Дастур аудит жараёнида аниқланган коидабузарликларни тизимлаштириш имкониятини таъминлаб, унинг асосида аудиторлик хисоботи шакллантирилади.

“IT Audit: Аудитор” дастури исталган турдаги аудиторлик ишчи хужжатлари файллари (doc, xls, pdf, gif ва ҳ.к.)ни, шу жумладан, мижознинг сканерланган (суратга олинган) бирламчи хужжатларини сақлаш имкониятини беради. Дастурда аудиторлик ишчи хужжатларининг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун аудиторлик субъектининг маълумотларига

⁸⁰ <https://www.audit-soft.ru> Интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

кириш хуқуқини белгилаш ва мижоз ҳақидаги барча маълумотларни архивлаштириш имконияти мавжуд.

Фойдаланувчилар доираси кенг эканлиги сабабли, дастур у билан ишлашда махфийликни таъминлайдиган кириш хукуқларини чеклаш бўйича созланадиган механизмлардан иборат. “IT Audit: Аудитор” дастури аудит ўтказиш сифатини ошириш ва унинг меҳнат сифимини пасайтиришдан ташқари, аудитни режалаштириш самарадорлигини ошириш, аудитор иш сифатини назорат қилиш ва текширув жараёнини оптимал бошқариш имконини беради.

Дастурда асосий эътибор аудиторлик далилларини тўплаш ва умумлаштириш учун жадвалли шаклларга қаратилган. Уларда асосийси – маълумотлар тақдим этишнинг ихчамлиги ва ахборот учун мўлжалланганлигидир. Таклиф этилаётган иш хужжатлари шаклларини тўлдириш қийин эмас, шу сабабли, аудитор асистенти сифатида ҳатто ёш мутахассисларни ҳам жалб қилиш мумкин. Ҳар бир иш хужжати уни тўлдириш тартиби бўйича изоҳларга эга, энг мураккаб шакллар эса тўлдириш учун мисоллар билан таъминланган. Дастур Интернет орқали маълумотлар тўпламини синхронлаштиришни таъминлайди.

“ЭкспрессАудит: ПРОФ”дастури – бу тижорат ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолияти аудитига тайёргарлик кўриш ва режалаштириш босқичидан бошлаб аудиторлик хulosасини шакллантириш босқичигача бўлган текширувнинг асосий вазифаларини бажарувчи аудиторлик компаниялари фаолиятини автоматлаштириш тизими. Тизим бухгалтерия ҳисоби ва соликқа тортишнинг тармоқ хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, аудиторлик текширувининг тўлиқ циклини ўз ичига қамраб олган.

“ЭкспрессАудит: ПРОФ” дастурида аудиторлик фаолиятининг меъёрий хужжатлари талабларини инобатга олган, шунингдек, аудитнинг умумэътироф этилган амалиётига асосланган ҳолда тузилган тайёр (қўшимча киритиш имконияти билан) услубиёт мавжуд. Ушбу услубиётнинг ўзига хос хусусияти текширилаётган мижоз-корхонада амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлиги ва молиявий ҳисбот кўрсаткичлари ишончлилигини баҳолаш

мақсадида аудиторлик далилларини тизимлашган тарзда түплаш имкониятининг мавжудлигидир.

Дастурда фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида сўров варақалари, шаблонлар ва бошқаларни таҳрирлаш, созламалар киритилган. Тизимда кенг фойдаланиладиган мастерлар (wizard) фойдаланувчи билан сұхбат жараёнида керакли маълумотларни сўраб олади ва уларни киритиш түғрилигини текширади.

“ЭкспрессАудит: ПРОФ” тизими аудит стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган тестлар ёрдамида ички назорат сифатини таъминлайди. Унда аудиторлик фаолияти стандартларининг барча талаблари ҳисобга олинган, бунда доимий ахборот манбаси сифатида миллий қонунчилик меъёрларини киритиш имконияти мавжуд.

Тизим иккита мустақил дастурий мажмуадан ташкил топган:

- 1) Аудитни режалаштириш ва ўтказиш маркази;
- 2) Аудиторнинг мобил иш ўрни.

Дастурнинг “Аудитни режалаштириш ва ўтказиш маркази”да аудиторлик текширувининг умумий режаси ва дастурини тузиш, аудит ўтказиш ва аудиторлик далилларини түплаш, шахсий топшириқларни аудиторларга сайёр аудит ўтказиш учун маълумотлар ташувчисига юклаш, аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш каби вазифалар бажарилади.

Мазкур дастурнинг “Аудиторнинг мобил иш ўрни” номли мажмуаси орқали белгиланган аудит объектлари бўйича текширув персонал дастурини юклаш, белгиланган аудит объектлари бўйича аудиторлик далилларини түплаш, аудиторлик амалларини бажариш, дастлабки аудиторлик иш хужжатларини тайёрлаш, текширув натижаларини “Аудитни режалаштириш ва ўтказиш маркази”га узатиш вазифаларини бажаради. Дастур Microsoft Word ва Microsoft Excel дастурлари асосида ишлайди.

Юқорида қайд этилганидек, аудиторлик фирмаларининг мижозлари томонидан ҳисоб тизимида турли дастурий таъминотлардан фойдаланиш бугунги кунда аудитни автоматлаштиришдаги тўсиқ бўлувчи омиллардан бири

хисобланади. Бироқ, мазкур муаммонинг ҳам ўз ечими мавжуд, деб хисоблаймиз. Бунинг учун, аудиторлик ташкилотида дастурй таъминотни қўллаш имконияти тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, қўйидагилар амалга оширилиши лозим:

дастурй таъминотни қўллаш орқали шакллантирилган аудиторлик ахборотларини амалиётга жорий этишга қаратилган техник топшириқни ишлаб чиқиш;

аудитнинг дастурй таъминотида белгиланган алгоритмга мувофиқ аудит ўтказиши тартибини аудиторларга тушунтириш;

аудит дастурй таъминотида келтирилган аудиторлик услубиёти ва аудит иш хужжатларини амалда қўллаш малака ва кўникмаларини шакллантириш;

аудит дастурй таъминотида келтирилган аудиторлик босқичлари бўйича масъул аудитор ва ёрдамчи аудиторларни белгилаш ва бошқалар.

“AuditNET” дастурй таъминотидан фойдаланиш аудиторлик ташкилотининг барча ходимлари ишини амалдаги халқаро аудит стандартлари ва ички стандартларга мувофиқ ҳолатга келтириш имконини беради. Бугунги кунда “AuditNET” дастурй таъминотининг қўйидаги уч тури амалиётда кенг қўлланилмоқда:

- 1) “AuditNET Standard”;
- 2) “AuditNET Professional”;
- 3) ”AuditNET Enterprise”.

“AuditNET” дастури ҳам худди “IT Audit: Аудитор” дастури каби қўйидаги модулли тамойиллар асосида ишлайди (3.8-жадвал):

3.8-жадвал.

“AuditNET” дастурининг иш модуллари⁸¹

№	Модуль номи	Модуль тавсифи
1.	Компания	Аудиторлик ташкилотининг ташкилий тузилмаси, штатлар жадвали, ходимларнинг шахсий карточкалари, иш жадваллари, бандлик ва иш вақти ҳисоби, аудиторлик ташкилотининг ишлар рўйхатини тузиш вазифаларини бажаради.
2.	Услубиёт	Аудиторлик ташкилотининг аудит ўтказиш услубиётини аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш учун мўлжалланган. Модулда 600 дан ортиқ ишчи хужжатлар намуналари ва аудиторнинг кутубхонаси мавжуд бўлиб, улар асосида аудиторлар текширувнинг барча босқичларида аудиторлик хужжатларини тузишлари мумкин.
3.	Мижозлар	Аудиторлик ташкилоти мижозларининг доимий маълумотлари тўпланади. Модулда керакли мижозни турли белги ва реквизитлар бўйича қидириш тизими мавжуд.
4.	Шартномалар	Мижозлар билан шартномалар тузиш ва хизмат кўрсатишини таъминлайди. Унда ишларни босқичларга ажратиш ва ҳар бир босқич учун муддат ва нархни белгилаш мумкин, бунда шартнома шартларига риоя қилинишини назорат қилиш имкони мавжуд. Мазкур модуль барча иш хужжатлари намуналарини тайёрлаш, зарур маълумотларни бошқа дастурий иловалардан юклаб олиш ва излаш имконини беради.
5.	Лойихалар	Ушбу модуль ёрдамида аудиторлик гурухи шакллантирилади, текширув бўйича даромад ва харажатлар режалаштирилади, текширувнинг бориши ва унинг аудиторлар томонидан бажарилиши ҳолати кузатиб борилади. Аудитнинг мухимлик даражаси ва аудиторлик риски ҳисоблаб чиқилади, сўровномалар ва қоидабузарликлар жадваллари тўлдирилади ҳамда автоматик равишда қайта ишланади. Аудиторлик ҳисботи ва хуносасини тайёрлаш бўйича маълумотлар умумлаштирилади.
6.	Танланма тадқиқотлар	Текширув обьектларини танлаш ва аудиторлик амалларини бажариш, назорат тестлари ёки сўровномалар ўтказиш имконияти яратилган.
7.	Молиявий таҳлил	Мижоз ва аудиторлик ташкилотининг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили амалга оширилади ва таҳлил натижалари баҳоланади.
8.	Бошқариш	Дастур маълумотларига уланиш хукуқлари чекланишини созлайди, аудиторларга вазифаларни тақсимлайди, аудиторлик топширикларини бажаришда дастур серверидан фойдаланишга руҳсат беради.
9.	Аудитор кутубхонаси	Аудиторлик иш хужжатлари, аудиторлик дастурларининг намуналари ва текширув усуллари тақдим этилади ҳамда улардан аудиторлар фойдаланиши, тўлдириши ва қўшимчалар киритиши имконияти таъминланади.

“AuditNET Standard” дастури кичик аудиторлик ташкилотлари учун, яъни, 15 нафаргача фойдаланувчи билан ишлашга мўлжалланган. “AuditNET Professional” дастури эса фойдаланувчилар сони 15 нафардан кўп бўлган ўрта ва йирик аудиторлик ташкилотлари учун мўлжалланган. Ўз навбатида, “AuditNET Enterprise” дастури аудиторлик ташкилотларини мажмуавий автоматлаштириш учун мўлжалланган ва тизим 20 нафардан ортиқ фойдаланувчи билан ишлаши мумкин. “AuditNET” дастурий таъминотининг юқорида келтирилган турлари бир-биридан таркибига киритилган модуллар бўйича ҳам фарқ қиласи.

Аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш бўйича ҳал этиладиган

⁸¹ <http://www.docaudit.ru/programms/obligatory/auditnet> Интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

вазифанинг мураккаблиги туфайли, дастурий таъминотни қўллаш самарадорлиги кўп жиҳатдан уни жорий қилиш ва фойдаланувчиларни ўқитишга боғлиқ бўлади. Фикримизча, дастурий таъминотни аудиторлик жараёнларига татбиқ этишдан аввал, дастурий таъминот имкониятларини батафсил таҳлил қиласидан ишчи гурухни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, мазкур ишчи гурух таркибига аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудиторлик ишчи гурухлари раҳбарлари, ички назорат бўлими раҳбари ва услубчиларни киритиш лозим. Шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан дастурий таъминотни қўллаш мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг, қўйидагиларни амалиётга жорий этишни таъминлашга масъул шахс тайинланиши лозим:

дастурий таъминот имкониятларига мувофиқ текширувни амалга оширишнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш;

дастурий таъминотга асосан ишлаб чиқилган текширув тартибига мувофиқ ходимларни қайта ўқитиш;

дастурий таъминот имкониятларининг барча аудиторлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

ўтказиладиган аудиторлик текширувларида дастурий таъминотни синов тариқасида қўллаш;

текширувлар жараёнида аудиторлик ташкилотининг барча ходимлари дастурий таъминотдан фойдаланишларини таъминлаш.

Бугунги кунда аудитнинг ихтисослаштирилган дастурий таъминоти, энг аввало, аудиторлик компанияларининг барча ходимлари ишининг амалдаги қонун хужжатлари талабларига, аудитнинг халқаро стандартлари ва ички стандартларга мувофиқ ташкил этилишига имкон беради. Бир сўз билан айтганда, аудит жараёнининг автоматлаштирилиши аудиторлик хизмати муддатини имкон қадар қисқартириш, аудиторлик хизмати учун харажатларни камайтириш, аудитор ва унинг ёрдамчилари иш унумдорлигини ошириш, мижоз-корхона маълумотларини тўлиқ ва аниқ ҳажмда сақлаш ва таҳлил қилиш, аудит иш хужжатларини барча учун тушунарли ва содда мазмунда,

техник ва орфографик хатоликларсиз шакллантириш имконини беради. Бу эса, аудиторлик хизматини белгиланган кетма-кетлик ва муддат асосида түғри ва ўз муддатида амалга оширишга замин яратади.

3.3. Халқаро аудит стандартлариға мувофиқ молиявий ҳисоботлар аудитини ва уни якунлашни такомиллаштириш

Мавжуд ижтимоий-иктисодий вазият халқаро бозор иштирокчиларини зарур маълумотларга эга бўлишини енгиллаштириш учун маҳсус ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг муайян қоидаларига риоя қилишга мажбур қилмоқда. Ушбу стандартлар орасидаги фарқ фойдаланиш мақсадига боғлиқ. Сўнгги пайтларда маҳаллий компаниялар учун энг долзарб стандарт БХМС бўлиб, унинг мақсади назорат қилувчи ва солиқ органлариға маълумот беришдан иборат эди. Бугунги кунда эса, ташкилот халқаро миқёсда ўз маҳсулоти ва хизматларини таклиф қилиш имкониятига эга бўлиш мақсадида молиявий амалиётлар учун зарур барча маълумотларни ўз ичига олган МХХСга мувофиқ ҳисоботни тақдим этиши ва уни халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиши шарт.

Молиявий ҳисобот маълумотлари корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва аудитдан ўтказиш учун асосий маълумот манбаи бўлиб хизмат қиласи.

МХХС ҳисобот шакллари учун маҳсус шаблонлардан фойдаланишни талаб қилмайди, шунинг учун МХХС баланси ташкилот ўзи танлаган шаклда бўлиши мумкин. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботдаги моддаларни тақдим этиш ва таснифлаш ҳар бир даврда бир хил бўлиши керак, фақат қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: бошқа тақдимот ёки таснифлаш янада ишончли бўлиши аниқ бўлгандা. Ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш мезонлари 8-сон МХХС Операцион сегментлар “Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳосидаги ўзгаришлар ва хатолар”да кўрсатилган. Бу, масалан, корхона фаолияти моҳиятидаги сезиларли ўзгаришлардан ёки МХХС ҳисоботларини таҳлил

қилишдан кейин содир бўлиши мумкин. Мажбурий ўзгартириш – МХХС ўзгарган тақдирда аудитор томонидан талаб қилинади.

Молиявий ҳисобот аудити – бу текширувнинг бир тури бўлиб, унинг якунларига кўра, инспекциядан ўтказилаётган субъектнинг бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва ҳисобини юритишнинг тўғрилигини аниқлаш мумкин. Бухгалтерия молиявий ҳисботи аудитининг асосий мақсади малакали ходимларнинг текширилаётган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва қонунийлиги тўғрисидаги фикрларини ёзма равишда акс эттиришларидан иборатdir⁸².

Молиявий ҳисботни текшириш, яъни аудит, қоидага кўра, аудиторлик ташкилотларининг асосий даромад моддалари ҳисобланади, ва амалиётда, одатда, аудиторлик фаолияти деганда, молиявий ҳисботнинг айнан шу тарзда текширилиши назарда тутилади, демак, молиявий ҳисбот аудити – бу бир томондан, аудиторлик фаолияти тури бўлса, бошқа томондан назорат шаклларидан биридир⁸³.

Молиявий ҳисбот аудитининг мақсади аудиторга, молиявий ҳисбот барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисботнинг белгиланган тамойилларига мувофиқ тайёрланганлиги ёки йўқлиги ҳақидаги фикрни билдириш имкониятини тақдим этишдан иборат⁸⁴.

Молиявий ҳисбот аудити – бу ташкилотнинг бухгалтерия ҳисботини мажмуавий текшируви бўлиб, маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаш ва уни тўлдиришдаги хатоларни аниқлаш учун ўтказилади. “Ишончлилик” тушунчаси молиявий ҳисботда кўрсатилган маълумотларнинг аниқлик даражасини ифодалайди ва ундан фойдаланувчиларга аудитдан ўтказилаётган шахснинг хўжалик фаолияти натижалари, молиявий ва мулкий ҳолати ҳақида тўғри хulosалар чиқариш ҳамда шу хulosаларга таяниб асосланган қарорларни қабул қилиш имконини беради⁸⁵.

⁸²<https://hi-audit.ru/publikatsii/3-stati/91-audit-finansovoi-otchetnosti.-rasprostranennye-oshibki-i-poryadok-provedeniya/>

⁸³ <https://cyberleninka.ru/article/n/audit-finansovoy-otchetnosti>

⁸⁴ <https://www.cfin.ru/ias/msfo/review.shtml>

⁸⁵ <http://www.vectoreconomy.ru/images/publications/2019/12/accounting/Zamaldinova2.pdf>

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот аудити ҳали ҳеч қачон бунчалик муҳим роль ўйнамаган. Хўжалик фаолиятини юритишнинг бугунги шароитларида ҳар қандай компаниянинг молиявий ҳисоботи ҳеч қачон бугунгидек батафсил ва танқидий таҳлилга учрамаган. Инвесторлар корпоратив бошқарув ва ҳисббот тайёрлашнинг турли жиҳатлари борасида чуқур хавотирда бўлиб, кўпроқ фактларнинг ишончлилиги, кўпроқ батафсил назорат, шунингдек, компанияда самарали фаолият мавжудлигига ишонтирувчи далилларни кутмоқдалар.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисббот ва унинг аудити – бу корхонанинг ҳисббот кунидаги активлари, мажбуриятлари ва капитал қийматини акс эттирувчи хужжат. Бу МХХС тизимида асосий бухгалтерия ҳисботи. БХМС тизимида ушбу ҳисбботнинг аналоги бухгалтерия балансидир. Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия баланси аудиторлик текшируви жараёнида талаб этиладиган энг муҳим ҳисббот бўлиб ҳисбланади.

1-сон МХХС “Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” билан тартибга солинади. Ушбу стандартда қуйидагилар кўрсатилади:

активлар, мажбуриятлар ва капитал акс эттирилиши керак бўлган нарсаларнинг минимал рўйхати. Агар керак бўлса, компания молиявий ҳолатини тушуниш учун уларни очиб бериши керак;

активлар ва пассивлар моддаларини гурухлаш тартиби;

активлар ва мажбуриятларни қисқа муддатли ва узоқ муддатли қисмларга бўлиш тартиби;

молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбботда ёки унга тегишли изоҳларда эълон қилиниши керак бўлган минимал қўшимча маълумотлар.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисббот унга киритилган сатрларни тақдим этиш услугига қараб, икки хил шаклда:


активлар ва мажбуриятлар қисқа муддатли (ҳисббот санасидан кейин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат билан ёки нормал амалий даврда) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин;

қисқа муддатли ва узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларга бўлиниб, ликвидликнинг камайиб бориш тартибида (кўпинча, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботни тузиш тартиби молия институтлари томонидан қўлланилади) тақдим этилиши мумкин.

Намунасини тўғридан-тўғри тегишли идораларнинг ёки Интернетда хукуматнинг веб-сайтларида кўриш мумкин бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот 1-сон МХХС “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” билан тартибга солинади. Бундай ҳолда, стандартдан фойдаланган ҳолда ҳисбот бериш мажбурий бўлган маълумотларни ўз ичига олади, масалан: иқтисодий субъектнинг капитали, молиявий мажбуриятлари ва активларининг асосий моддаларининг белгиланган минимал қиймати, шунингдек, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботда МХХС декларацияланган маълумотларни тақдим этиш талаб этилади, қўшимча маълумот сифатида сўров бўйича ташкилотнинг молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади, улар тижорат сиридан ташқари; ҳисбот активларининг ишлатилган объектларини гурухлаштириш ва саралашнинг белгиланган тартибини назарда тутади.

Жорий активлар – бу ҳисбот даври тугаганидан кейин 12 ой ичida ёки корхонанинг одатдаги амалий циклида сотиладиган ёхуд савдо мақсадларида сақланадиган активлар. Бунга нақд пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳам киради, ҳисбот даври тугаганидан кейин 12 ой ичida мажбуриятларни алмаштириш учун чекловлар қўйилади. Бошқа ҳолларда, активлар узоқ муддатли деб таснифланади. Бунга кечикирилган солиқ активлари киради.

Агар активлар қўйидаги мезонлардан бирига жавоб берса, жорий активлар сифатида таснифланади (3.4-расм):



3.4-расм. Жорий активлар мезонлари.

Бошқа мажбуриятлар узоқ муддатли ҳисобланади. Агар корхона ўз хоҳишига кўра, мавжуд кредит линияси бўйича ҳисобот даври тугаганидан кейин камидаги 12 ой муддат ичидаги мажбуриятни қайта молиялаштириш ёки узайтиришни кутса, у бу мажбуриятни узоқ муддатли деб таснифлайди. Кечикирилган солиқ мажбуриятлари ҳам узоқ муддатли мажбуриятлардир.

Мажбурият қуидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган бўлса, қисқа муддатли деб таснифланади (3.5-расм), бошқа барча мажбуриятлар узоқ муддатли деб таснифланиши керак:



3.5-расм. Қисқа муддатли мажбуриятлар мезонлари.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши. МХХС мажбурий баланс форматини ўз ичига олмайди, лекин ҳисоботнинг кўргазмали намунасини тақдим этади.

Одатда, амалиётда икки хил ҳисобот формати қўлланилади (3.6-расм):



3.6-расм. Ҳисобот форматлари.

Ҳисобот корхонанинг молиявий ҳолати ва компанияга ишониб топширилган ресурсларни бошқариш натижалари тўғрисида тушунча бериши керак. МХХСда ягона баланс формати ўрнатилмаган. МХХС молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда мустақил тақдимотни талаб қиласиган минимал элементлар тўпламини ўз ичига олади, чунки улар табиати ва функциялари билан фарқ қиласиди (бу асосий воситалар, инвестиция мулки, номоддий активлар, молиявий активлар, сотиш учун узоқ муддатли активлар, захиралар, солиқ мажбурияятлари, капиталдаги назорат қилинмайдиган иштирок улуси, бош компаниянинг улуси ва б.). Ташкилот ҳолати тўғрисида тўлиқроқ тасаввурни шакллантириш учун компаниялар мустақил равишда ҳисобот моддаларининг қўшимча тафсилотларини киритиши керак. Мустақил тақдимот турли активлар групхлари учун турлича ўлчов базаларини ишлатишга асосланган бўлиши мумкин (масалан, асосий воситаларнинг турли групхлари 16-сон МХХС “Ижара”га мувофиқ қиймати ёки қайта баҳолангандан қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин).

Бугунги кунда дунёning ривожланган давлатларининг умумий саъй-ҳаракатлари туфайли аста-секинлик билан ягона ҳисоб тизими яратилмоқда. Замонавий шароитда МХХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобига ўтиш иқтисодиёт

интеграцияси жараёнларида кўплаб корхоналар фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

1-сон МХХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” молиявий натижалар тўғрисидаги маълумотни умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисбот шаклида шакллантиришни тартибга солади. Шу билан бирга, умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисботда ташкилотнинг фойдаси ёки зарари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисботлар акс эттирилмаслиги керак⁸⁶. Умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисботда жами молиявий натижалар ва бошқа тўлиқ даромадларнинг таркибий қисмлари мавжуд.

Аудит жараёнида МХХСга мувофиқ ҳисбот шаклига қатъий талаблар қўйилмайди, талаб қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд эмас, уларнинг жойлашиш тартиби ва номи тартибга солинмаган, лекин, фақат минимал рўйхати, яъни: даромад, молиялаштириш харажатлари, корхона ва қўшма корхоналарнинг капитал усули ёрдамида ҳисобга олинадиган фойда ёки заардаги улуши, солик харажатлари, фойда ёки зарар ва бошқалар аниқланади. Ҳисботнинг ўзига хос шакли корхона томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, Аудитор 1-сон МХХС “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”га мувофиқ, ҳисбот моддаларини гурухлаштириш бўйича икки хил ёндашувни тавсия қиласди: “Харажатларнинг моҳияти” усули ва “Харажатлар функциялари” усули (3.7-расм).



3.7-расм: Харажатларни гурухлаштириш бўйича ёндашувлар.

⁸⁶ Курманова А.Х.// Халқаро бухгалтерия ҳисоби. 2014 й. №11

“Харажатлар моҳияти” ёндашуви иқтисодий элементлар бўйича харажатларни таснифлашга асосланади ва уларни шакллантириш манбаларини очиб беришга имкон яратади. “Харажатлар моҳияти” услубидан фойдаланган ҳолда амалий фаолиятнинг молиявий натижасини аниқлаш маҳсулот (товар, иш, хизмат) сотишдан тушадиган маблағларни ҳисобот даври харажатларининг қолдигидаги ўзгаришларга боғлиқ.

JOINT STOCK COMPANY THERMAL POWER PLANTS

CONSOLIDATED STATEMENT OF FINANCIAL POSITION

AS AT 31 DECEMBER 2021

(in millions of Uzbekistan Soums)

	Note	31 December 2021	31 December 2020	1 January 2020
ASSETS				
Non-current assets:				
Property, plant and equipment	8	37,577,273	39,222,222	31,216,747
Investments	9	17,782	23,792	22,103
Other long term assets	10	342,579	64,269	30,402
		37,937,634	39,310,283	31,269,252
Current assets:				
Cash and cash equivalents	11	62,680	33,792	76,082
Trade and other receivables	12	7,393,231	4,190,454	2,490,077
Inventories	13	905,496	605,111	503,617
Current income tax assets		75,799	27,482	-
Loans issued		1,703	3,357	3,386
Restricted cash		161,677	168,438	96,702
		8,600,586	5,028,634	3,169,864
Non-current assets classified as held for sale	27	45,074	-	7,189,389
TOTAL ASSETS		46,583,294	44,338,917	41,628,505
EQUITY				
Share capital	14	13,245,770	13,245,770	4,040,301
Additional paid-in capital	14	1,632,004	1,780,766	-
(Accumulated deficit)/Retained earnings	14	(5,867,226)	(7,804,262)	6,647,883
		9,010,548	7,222,274	10,688,184
Equity attributable to shareholder		19,119	14,000	14,925
TOTAL EQUITY		9,029,667	7,236,274	10,703,109
LIABILITIES				
Non-current liabilities:				
Long-term borrowings	15	23,866,434	24,135,255	17,314,602
Deferred tax liabilities	26	2,067,022	2,204,590	2,499,828
Other long term liabilities	16	103,911	55,962	45,849
		26,037,367	26,395,807	19,860,279
Current liabilities:				
Trade and other payables	17	2,257,954	2,417,909	1,939,872
Short-term borrowings	15	9,032,198	8,137,670	5,827,175
Current income tax liabilities		88,941	22,256	27,205
Taxes payable, other than income tax	18	122,817	129,001	30,069
		11,501,910	10,706,836	7,824,321
Liabilities directly associated with non-current assets classified as held for sale	27	14,350	-	3,240,796
TOTAL LIABILITIES		37,553,627	37,102,643	30,925,396
TOTAL EQUITY AND LIABILITIES		46,583,294	44,338,917	41,628,505

Signed on behalf of the Group management:

**Abdurakhmanov F.M.
Chairman of the Board
XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan**

**Djuraev A.T.
Deputy Chairman of the Board
XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan**

**Akhmadjonov A.K.
Chief Accountant
XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan**

3.8-расм. “Иссиқлик электр станциялари” АЖНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТЎГРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Молиявий натижаларни “Харажатлар функцияси” усули ёрдамида ҳисоблаш сотишдан тушган маблагни сотилган маҳсулот таннархи билан таққослашга асосланган⁸⁷.

Молиявий натижалар тўғрисидаги миллий ҳисбот, халқаро версиядан фарқли ўлароқ, белгиланган шаклда тақдим этилган ва тузиш учун ягона қоидаларга эга. МХҲС атамашунослигига асосланган ҳисбот формати “Харажатлар функцияси” усули асосида тузилган. Шуни таъкидлаш керакки, корхоналар “Харажатлар моҳияти” бўйича балансга ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботга тушунтиришлар киритиши мумкин, бу 1-сон МХҲС “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” нормаларига зид эмас.

Ўзбекистон Республикасида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботнинг замонавий шакли (3.8-расм) оралиқ кўрсаткичларни (ялпи фойда, зарар), сотишдан олинган фойда/зарар, солиқка тортилгунга қадар фойда/зарарни ҳисблашни таъминлайди. Ҳисбот давридаги барча даромад ва харажатлар ташкилотнинг асосий фаолиятларини амалга ошириш билан боғлиқ ва бошқа фаолияти орқали олинган даромад ва харажатларга бўлинади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда эълон қилинган минимал кўрсаткичлар тизимига товар, маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан тушадиган тушумлар, ҚҚС солиғи, акциз ва бошқа шунга ўхшашиблик ва мажбурий тўловлар, соф фойда, сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархи (тижорат ва маъмурий харажатлар бундан мустасно), ялпи даромад, бизнес харажатлари, сотишдан олинган фойда/зарар (3.9-расм), дебиторлик қарзи, тўланадиган фоиз, бошқа даромадлар, бошқа харажатлар, солиқдан олдинги фойда/зарар, даромад солиғи ва шунга ўхшашиблик бошқа мажбурий тўловлар, фаолиятдан олинадиган фойда/зарар, соф фойда (тақсимланмаган

⁸⁷ Овчинникова О.А., Парушкина Н.В. Управление дебиторской и кредиторской задолженностью: практика применения скидок и взаимозачетов. <https://cyberleninka.ru/article/n/upravlenie-debitorskoy-i-kreditorskoy-zadolzhennostyu-praktika-primeneniya-skidok-i-vzaimozachetov>

фойда, қопланмаган зарар) киради⁸⁸.

JOINT STOCK COMPANY THERMAL POWER PLANTS

**CONSOLIDATED STATEMENT OF PROFIT OR LOSS
AND OTHER COMPREHENSIVE INCOME
FOR THE YEAR ENDED 31 DECEMBER 2021**
(in millions of Uzbekistan Soums)

	Note	2021	2020
Continuing operations			
Revenue	19	17,749,190	13,780,489
Cost of sales	20	(15,140,151)	(13,041,039)
Gross profit		2,609,039	739,450
General and administrative expenses	21	(597,710)	(452,843)
Expected credit losses	10, 12	(52,223)	(117,930)
Other operating income	22	38,178	34,306
Operating profit		1,997,284	202,983
Finance income	23	40,265	12,443
Finance costs	24	(473,459)	(478,166)
Foreign exchange gain/(loss), net	25	514,231	(3,788,913)
Profit/(loss) before income tax		2,078,321	(4,051,653)
Income tax (expense)/benefit	26	(91,250)	183,799
Profit/(loss) for the year from continuing operations		1,987,071	(3,867,854)
Discontinued operations			
Loss for the year from discontinued operations	27	-	(75,489)
Profit/(loss) for the year		1,987,071	(3,943,343)
Other comprehensive income		-	-
Total comprehensive profit/(loss) for the year		1,987,071	(3,943,343)
Profit/(loss) and total comprehensive profit/(loss) for the year attributable to:			
- Shareholder		1,981,952	(3,942,418)
- Non-controlling interests		5,119	(925)
		1,987,071	(3,943,343)

Signed on behalf of the Group management:

Abdurakhmanov F.M.
Chairman of the Board

XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan

Djuraev A.T.
Deputy Chairman of the Board

XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan

Akhmadjonov A.K.
Chief Accountant

XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan

3.9-расм. “Иссиқлиқ электр станциялари” АЖНИНГ ФОЙДА ЁКИ ЗАРАР ТҮГРИСИДАГИ ХИСОБОТИ.

⁸⁸ Киреева Е.В., Овчинникова О.А. Проблема формирования отчета о финансовых результатах в российской и международной практике. <https://cyberleninka.ru/article/n/problema-formirovaniya-otcheta-o-finansovyh-rezulatah-v-rossiiskoy-i-mezhdunarodnoy-praktike>

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда маълумотни ошкор қилишнинг ички ва халқаро тартиб-таомилларини бирлаштиришга қаратилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, миллий ва халқаро стандартлар ўртасида ҳанузгача тафовутлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб, молиявий натижалар бўйича ҳисобот маълумотларини тузиш услубиётида сезиларли фарқлар мавжуд. Масалан, молиявий воситалар билан амалиётлар тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги.

Умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисоботга ҳисоботга йилидаги фойда ёки зарарни ташкил этадиган даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари, ҳисобот даврида тан олинган бошқа умумий даромадлар киради.

Бошқа умумий даромадларнинг таркибий қисмлари қуйидагилардир: узоқ муддатли активларни қайта баҳолашдан олинадиган фойда, пенсия таъминотининг қонуний режаларидағи жорий фойда ва заарлар, ўтказилишидан келиб чиқадиган даромад ва заарлар, сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни қайта баҳолашдан олинган даромад ва заарлар, пул оқимидан олинган фойда ва заарларнинг ҳақиқий қисми.

1-сон МХХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” Халқаро аудит стандартларига мувофиқ, компания ўзининг ҳисоб сиёсатида тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш форматини аниқлашга ҳақлидир, унинг икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, бу: тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисоботдир.

Шунингдек, компания фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг форматини ўзи танлайди. Даромад ва харажатлар кўрсатилишига қараб, даромадлар тўғрисидаги декларацияда маълумотларни ишлаб чиқишнинг икки тури мавжуд:

1. Компания ичидаги функцияси бўйича: миллий даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг аналоги: даромадлар, сотиш қиймати, ялпи даромад, бизнес харажатлари, маъмурий харажатлар, бошқа даромад ва харажатлар.

2. Даромадлар ва харажатлар хусусияти бўйича: даромадлар, бошқа даромадлар, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар, захираларнинг ўзгариши, ишлатилган материаллар, иш ҳақи, амортизация, бошқа харажатлар, солиқ тўлангунгача бўлган фойда.

Алоҳида ҳисоботларни топширишни тартибга солиш стандартларига куйидагилар киради:

1. 1-сон МХХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этиш шакли, мазмуни ва тартибини тартибга солади.

2. 7-сон МХХС “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” (3.10-расм) пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари тўғрисидаги маълумотлар, фаолият турлари бўйича пул оқимларини таснифлашга бўлган талабларни очиб беради.

3. 8-сон МХХС “Бухгалтерия сиёсати, баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”.

Консолидациялашган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига эса куйидагилар киради:

1) 3-сон МХХС “Бизнес бирлашувлари”.

Корхоналарни бирлаштириш, сотиб олиш усули ёрдамида 3-сон МХХС “Бизнес бирлашувлари” га мувофиқ ҳисобга олинади. 3-сон МХХС “Бизнес бирлашувлари” га мувофиқ сотиб олинадиган корхонанинг идентификацияланадиган активлари, мажбуриятлари ва шартли мажбуриятлари дастлаб уларнинг сотиб олиш кунидаги ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланиши керак.

Гудвил дастлаб тан олинганидан сўнг, қийматнинг пасайиши эвазига ийғилган заарни ҳисобга олган ҳолда ўлчанади. Гудвил амортизация қилинмайди, лекин унинг қиймати пасайиши учун йилига бир марта қайта баҳолашдан ўтказилиши керак. Салбий гудвил дарҳол харидор томонидан даромад сифатида тан олиниши керак.

2) 27-сон МХХС “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот”.

3) 28-сон МХХС ассоциациядаги инвестицияларни ҳисобга олиш ва ассоциациянинг молиявий маълумотларини бирлаштириш капитал усули ёрдамида амалга оширилишини таъкидлайди.

4) 31-сон МХХС “Қўшма корхоналарнинг молиявий ҳисоботи”.

JOINT STOCK COMPANY THERMAL POWER PLANTS

**CONSOLIDATED STATEMENT OF CASH FLOWS
FOR THE YEAR ENDED 31 DECEMBER 2021**
(in millions of Uzbekistan Soums)

	Notes	2021	2020
Cash flows from operating activities			
Cash receipts from customers		13,659,691	12,014,723
Cash paid to suppliers and employees		(11,990,913)	(10,938,564)
Cash generated from operations		38,178	9,555
Cash paid in operations		(1,042,860)	21,937
Income tax paid		(210,450)	(143,870)
Net cash from operating activities		453,646	963,781
Cash flows from investing activities			
Purchase of intangible assets and property, plant and equipment		(1,109,910)	(2,842,162)
Proceeds from disposal of property, plant and equipment		-	194,618
Proceeds on disposal of investments	9	-	1,519
Acquisition of investments at FVTPL	9	-	(3,208)
Net change in loans issued		1,654	29
Net change in restricted cash		(8,685)	(63,823)
Interest received	23	865	6,381
Dividends received	23	-	6,062
Net cash used in investing activities		(1,116,076)	(2,700,584)
Cash flows from financing activities			
Proceeds from borrowings	15	2,620,893	1,842,309
Repayment of borrowings	15	(1,545,703)	(325,034)
Proceeds from additional paid-in capital	14	6,318	477,851
Dividends paid		(44,255)	(1,989)
Interest paid	24	(340,996)	(305,069)
Net cash from financing activities		696,257	1,688,068
Effect of exchange rate changes on cash and cash equivalents		(4,939)	6,445
Net increase/(decrease) in cash and cash equivalents		28,888	(42,290)
Cash and cash equivalents at the beginning of the year	11	33,792	76,082
Cash and cash equivalents at the end of the year	11	62,680	33,792

During 2020, the Group had significant non-cash transactions with companies under the common control of a shareholder, including JSC Uzbekenergo. Such transactions are described in Notes 6, 8, 14 and 15.

Signed on behalf of the Group management:

Abdurakhmanov F.M.
Chairman of the Board

XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan

Djuraev A.T.
Deputy Chairman of the Board

XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan

Akhmadjonov A.K.
Chief Accountant

XX October 2022
Tashkent, Uzbekistan

3.10-расм. “Иссиклик электр станциялари” АЖнинг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботи.

МХХСга мувофиқ фойда/зарар ва бошқа турли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш 1-сон МХХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”га мувофиқ ташкилотнинг молиявий натижаларини акс эттириш учун “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисбот” ва бошқа молиявий натижалар учун мўлжалланган. Эътибор бериш ўринлики, инглиз тилидан (*a statement of profit or loss and other comprehensive income*) таржима қилинганда “фойда ёки зарар ва бошқа тўлик даромадлар тўғрисидаги ҳисбот” деб таржима қилинган. Бироқ, ташкилот нафақат бошқа умумий даромадларни, балки харажатларни ҳам ишлаб чиқиши мумкинлиги сабабли, ушбу ҳисбетнинг сарлавҳаси “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисбот ва бошқа ҳар томонлама молиявий натижалар” деб таржима қилинган. Илгари ушбу ҳисбот шакли МХХСда “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисбот” деб номланган, кейинчалик у “Умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисбот” (ёки “Кенг қамровли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” – таржимага қараб) деб ўзgartирилди.

Фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва бошқа турли молиявий натижалар тўғрисидаги қоидалар 1-сон МХХС “Молиявий ҳисбетнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандартида келтирилган.

1-сон МХХС “Молиявий ҳисбетнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” умумий (ёки жами) молиявий натижани (жами умумий даромад – трансферга боғлиқ ҳолда) ва бошқа тўлик молиявий натижани (бошқа тўлик даромад – ўтказишга қараб) белгилайди. Тўлик молиявий даромад (жами умумий даромад) – бу таъсисчилар билан муомалалар натижасида юзага келадиган ўзгаришлардан ташқари, муомалалар ва бошқа ҳодисалар натижасида капиталнинг ўзгариши. Хулоса қилиш мумкинки, таъсисчилар билан тузилган битимлар депозитга қўйиш ва дивиденд тўлаш бўйича муомалалардир.

Ҳеч кимга янгилик эмаски, умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисбот фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисбетнинг янгиланган шаклидир. Бу ҳисбот

шакллари ҳар қандай ҳисобот даври учун тузилиши керак. Агар улардан биттаси тузилмаган бўлса ҳам, молиявий ҳисоботлар ҳақиқий эмас ва халқаро стандартлар талабларига жавоб бермайди, деб ҳисобланади. Ўз-ўзидан, аудиторлик текшируви вақтида мазкур ҳолат аниқланса, бундай вазиятда, аудитор хулоса беришдан бош тортишга мажбур бўлади.

Инвесторлар кўпроқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга ёки, содда килиб айтганда, баланс ва тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисоботга, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботга эътибор беришади, ва албатта, аудиторлик хулосаси (3.1-илова) ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот бошқа ҳисоб шаклларига қараганда тубдан фарқ қиласди. Уни “келажакка асосланган” десак муболаға бўлмайди, чунки у ташкилотнинг салоҳияти ва истиқболларини башорат қиласди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ушбу ҳисобот шаклини тайёрлаш учун алоҳида стандарт – 7-сон МҲҲС “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” ажратилгандир.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот “cash flow” деб ҳам аталади. Албатта, бу ҳисобот тури муайян даврдаги молиявий ҳолат ва тўлиқ даромад тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиради. Аммо, агар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ташкилотнинг маълум бир даврида, яъни ҳисобот даври охиридаги молиявий ҳолатини акс эттирса, ва, фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисобот компаниянинг ушбу даврдаги фаолияти натижаларини акс эттирса, у ҳолда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири билан содир бўлган ўзгаришларни ҳисобот даврининг бир санасидан бошқасига нақд пул шаклида белгилайди. Ушбу ҳисоботдаги маълумотлар молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига корхонанинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини жалб қилиш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш имконини берадиган жиҳати билан фойдалидир.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот – бу икки турдаги ҳисоботнинг, яъни, молиявий ҳолат ва тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг биргаликда мавжуд бўлишидир. Шу сабабли, у охирги молиявий ҳолат тўғрисидаги

хисобот, тўлиқ даромадлар тўғрисидаги хисобот ва капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги хисоботдан кейин тузилади.

Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдори молиявий ҳолат ва пул оқимлари тўғрисидаги хисоботдан фарқ қилиши мумкин. Шу сабабдан, хисобот тузишдан аввал, МХХС бўйича мутахассис пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдори тўғрисида профессионал фикр юритиши керак, чунки аудит ўтказиш жараёнида пул маблағларининг айланишига, уларнинг оқимларига, ва албатта, ушбу хисоботга алоҳида ургу берилади.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги хисоботда нақд пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдори, нақд пул оқимлари тўғрисидаги хисоботда нақд пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдорига тенг келмаслиги ҳақидаги фактларнинг ўзи молиявий хисоботдаги изоҳларда кўрсатиб ўтилиши керак.

Пул оқимлари тўғрисидаги хисобот – бу хисоблаш усули хисобга олинмасдан тайёрланадиган ягона хисобот шакли.

Хисоботнинг тузилиши. 7-сон МХХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш” 10-банди талабларига мувофиқ, пул оқимлари тўғрисидаги хисоботда операцион, инвестицион ёки молиявий фаолият бўйича таснифланган давр учун пул оқимлари кўрсатилиши керак.

Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳаракати билан боғлиқ кўплаб амалиётлар билан бухгалтерия реестрларидан олинган маълумотлардан фойдаланиш қийин вазифадир.

1) Тўғридан-тўғри усул. Бу ялпи тушумлар ва ялпи тўловларнинг асосий синфларини очиб берадиган усул бўлиб, унга мувофиқ, ялпи тушум ва ялпи тўловларнинг асосий синфлари тўғрисидаги маълумотни икки йўл билан олиш мумкин:

тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтган реестрлардан;

тегишли ҳолатлар бўйича тузатишлардан фойдаланган ҳолда молиявий ҳолат ва тўлиқ даромадлар тўғрисидаги хисоботдан.

Тўғридан-тўғри усулдан фойдаланган ҳолда пул оқимлари тўғрисидаги хисоботни тузишда МХХС бўйича мутахассислар турли хил бухгалтерия

хисобварақларидаги пул оқимларини таҳлил қилиши ва фаолият турларига (операцион, молиявий ёки инвестициявий) қараб пул оқимларини таснифлашлари керак.

2) Билвосита усул. Амалиёт фаолияти мазмунидан келиб чиқиб, пул оқимлари тўғрисидаги хисоботни тўғридан-тўғри қурилиш алгоритмига қарама-қарши бўлган усул ёрдамида ҳам олиш мумкин.

Билвосита усулдан фойдаланилганда, корхонанинг соф фойдаси ёки зарари нақд пулсиз амалиётлар натижаларига, шунингдек, амалиёт капиталининг ўзгаришига қараб тузатилади.

Хисоб-китобларнинг соддалигидан ташқари, билвосита усулдан фойдаланишнинг асосий афзаллиги шундаки, у молиявий натижалар ва асосий фаолиятга жалб қилинган капиталнинг ўзгариши ўртасидаги ёзишмаларни кўрсатиш имконини беради. Узоқ муддатли истиқболда ушбу усул музлатилган маблағларнинг энг муаммоли “тўпланиш жойлари”ни аниқлашга, ва шунга мос равишда, вазиятдан чиқиш йўлларини белгилашга имкон беради.

Маълумотларнинг мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади. “Амалиётлар” бўлимининг моддаларини тўғридан-тўғри усул билан тўлдириш учун зарур бўлган маълумотларни ташкилотнинг умумий пул оқимидан ажратиш асосан жуда қийин бўлиб, уни шакллантириш харажатлари анча юқори.

III боб бўйича хulosा

1. “Audit XP “Комплекс Аудит” дастури текширувлар жараёнида аудиторлар томонидан бажариладиган деярли барча кундалик операцияларни автоматлаштиради, бу эса, меҳнат сифими ва хатолар вужудга келиши эҳтимолини пасайтиради, шунингдек, аудит сифатини юқори даражада сақлаб қолган ҳолда аудит ўтказиш муддатини қисқартиради. Аудит тартиб-таомиллари махсус ишлаб чиқилган матнли, ҳисоб-китоб ва тест бланкалари ёрдамида, шунингдек, тартиб-таомил бланкалари ёрдамида амалга оширилади. Ички таҳрирчи аудиторлик тартиб-таомилларига оид мавжуд бланкаларни ўзгартириш ва янгиларини яратишга имкон беради. Дастурда аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ текширув жараёнини тўлиқ

ўзгартириш имконияти мавжуд. Шунингдек, мазкур дастур аудитнинг барча босқичларида мажбуриятларни турли бўлимлар аудитини ўтказиш бўйича аудиторлар ўртасида тақсимлаш, портатив компьютер (ноутбук)лардан фойдаланиб, бевосита аудит ўтказиладиган корхонада сайёрга ишларни бажариш имконини беради. Текширув якунланиши билан натижалар аудиторлик ташкилоти раҳбарининг асосий компьютерига юкланди.

2. Фикримизча, аудит жараёнининг автоматлаштирилиши аудиторлик хизмати муддатини имкон қадар қисқартириш, аудиторлик хизмати учун харажатларни камайтириш, аудитор ва унинг ёрдамчилари иш унумдорлигини ошириш, мижоз-корхона маълумотларини тўлиқ ва аниқ ҳажмда сақлаш ва таҳлил қилиш, аудит иш хужжатларини барча учун тушунарли ва содда мазмунда, техник ва орфографик хатоликларсиз шакллантириш имконини беради. Бу эса, аудиторлик хизматини белгиланган кетма-кетлик ва муддат асосида тўғри ва ўз муддатида амалга оширишга замин яратади.

3. МХХСга мувофиқ фойда/зарар ва бошқа турли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш 1-сон МХХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”га мувофиқ ташкилотнинг молиявий натижаларини акс эттириш учун “Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисбот” ва бошқа молиявий натижалар учун мўлжалланган. Эътибор бериш ўринлики, инглиз тилидан (a statement of profit or loss and other comprehensive income) таржима қилинганда “фойда ёки зарар ва бошқа тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисбот” деб таржима қилинган. Бироқ, ташкилот нафақат бошқа умумий даромадларни, балки харажатларни ҳам ишлаб чиқиши мумкинлиги сабабли, ушбу ҳисботнинг сарлавҳаси “Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисбот ва бошқа ҳар томонлама молиявий натижалар” деб таржима қилинган. Илгари ушбу ҳисбот шакли МХХСда “Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисбот” деб номланган, кейинчалик у “Умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисбот” (ёки “Кенг қамровли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” – таржимага қараб) деб ўзгартирилди.

4. Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисбот аудити ҳали ҳеч қачон бугунгидек муҳим роль ўйнамаган. Хўжалик фаолиятини юритишнинг бугунги шароитларида ҳар қандай компаниянинг молиявий ҳисботи ҳеч қачон

бугунгидек батафсил ва танқидий таҳлилга учрамаган. Инвесторлар корпоратив бошқарув ва ҳисобот тайёрлашнинг турли жиҳатлари борасида чуқур хавотирда бўлиб, кўпроқ фактларнинг ишончлилиги, кўпроқ батафсил назорат, шунингдек, компанияда самарали фаолият мавжудлигига ишонтирувчи далилларни кутмоқдалар.

5. Ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида оғис дастурлари, меъёрий-хуқуқий ахборот тизимлари, бухгалтерия дастурий таъминотлари, молиявий таҳлил дастурий таъминотлари билан биргаликда аудитга оид маҳсус дастурий таъминот турларидан кенг фойдаланилмоқда. Фикримизча, аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш бўйича ҳал этиладиган вазифаларнинг мураккаблиги туфайли, дастурий таъминотни қўллаш самарадорлиги кўп жиҳатдан уни жорий қилиш ва фойдаланувчиларни ўқитишга бевосита боғлиkdir.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида МҲҲС асосида молиявий ҳисботларни тузиш ва аудиторлик текширувларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Иқтисодий маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган халқаро стандартлар асосида бухгалтерия тизими тобора такомиллашиб бораётган даврда унга мос равища аудиторлик фаолиятини ҳам ривожлантириб бориш, фан ва технологик янгиликларни аудиторлик фаолияти амалиётида тобора кенгроқ қўллаш катта аҳамият касб этади.

2. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) – бу ташкилотлар молиявий ҳисботларининг мазмуни ва уларни тайёрлашга талабларни белгилайдиган ягона стандартлар ҳамда уларга қўшимча ҳужжатлардир.

3. МҲҲС асосида тузилган ҳисботда натижалар бошқача бўлиши мумкин. Унинг ижобий жиҳатлари шундаки, бунинг натижасида шаффоффликни ошириш, ҳисботнинг ахборот мазмуни ва кўрсаткичларнинг таққосланувчанлигини ошириш, компания фаолиятини таҳлил қилиш имкониятларини кўпайтириш, халқаро капитал бозорларига киришни осонлаштириш мумкин. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳисботнинг тайёр бўлиши ҳали инвестициялар оқимини кафолатламайди. Ҳозирги кунда МҲҲСга ўтиш масаласи кўплаб миллий компаниялар учун долзарб вазифа ҳисбланади. Ушбу жараённи соддалаштириш учун алоҳида босқичларда соддалаштирилиши мумкин бўлган “МҲҲСни ташкилотга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиши зарур.

4. Ишлатилаётган дастурий таъминот негизида МҲҲСга мувофиқ бухгалтерия ҳисбини тизимлаштириш ва уни автоматлаштириш мақсадларида МҲҲС бўйича Ҳисоблар режаси учун асос сифатида БҲМС 21 “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисби счёtlари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” бўйича корхонанинг

амалдаги ишчи ҳисоб режасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу намунавий дастурый таъминотни мослаштириш (ишлаб охирига етказиш) жараёнини ҳам иш ҳажми ва муддатлари бўйича, ҳам уни фойдаланишга киритиш бўйича қисқартириш имконини беради.

5. Аудит дастури текширувлар жараёнида аудиторлар томонидан бажариладиган деярли барча кундалик операцияларни автоматлаштиради, бу эса, меҳнат сифими ва хатолар вужудга келиши эҳтимолини пасайтиради, шунингдек, аудит сифатини юқори даражада сақлаб қолган ҳолда аудит ўтказиш муддатини қисқартиради. Аудит тартиб-таомиллари маҳсус ишлаб чиқилган матнли, ҳисоб-китоб ва тест бланкалари ёрдамида, шунингдек, тартиб-таомил бланкалари ёрдамида амалга оширилади. Ички таҳрирчи аудиторлик тартиб-таомилларига оид мавжуд бланкаларни ўзгартириш ва янгиларини яратишга имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-475-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 274-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 марта даги “Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сонли буйруғи асосида “Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом”.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1-июлдаги “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуни.

12. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 870-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги Низом”.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 30 июнданги 3251-сонли “Солик аудитини ўтказиш тўғрисидаги Низом”и.

14. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрядаги 215-сонли “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом”и.

15. “Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари” номли 90-АФМС. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 14 февралдаги 19-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигига 2001 йил 10 марта 1017-сон билан рўйхатга олинган. www.nrm.uz

16. “Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлариiga қўйиладиган талаблар” номли 4-сонли АФМС. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 21 августдаги 76-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 сентябрда 1624-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

17. Kon Sik Kim. Transplanting Audit Committees to Korean Soil: A Window into the Evolution of Korean Corporate Governance. //Asian-Pacific Law and Policy Journal. №1 -2007. [Электронный ресурс]

URL:http://blog.hawaii.edu/aplpj/files/2011/11/APLPJ_09.1_kim.

18. Statements of Korea Financial Standards. //Korean Accounting Standards Board Library. 2015 [Электронный ресурс] URL:<http://eng.kasb.or.kr/>

19. IFRS Adoption and Implementation in Korea, and the Lessons Learned. //IFRS Country Report. 31.12.2012. [Электронный ресурс]
URL:<http://www.iaasb.org/meetings/seoul-south-korea>

20. Петрова В.И. Концепция аудита: основные элементы. / В.И. Петрова. // Аудиторские ведомости. 2009. - № 12. С. 3-15.

